

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

**АЛИШЕР НАВОИЙ НОМИДАГИ
САМАРҚАНД ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ**

*Қўлёзма ҳуқуқида
УДК:*

Рахмонов Ҳусниддин

**ШАРҚИЙ КАСПИЙ БЎЙИ ТОШ ДАВРИ
АРХЕОЛОГИЯСИ**

Археология мутахассислиги

Магистр академик даражасини
олиш учун ёзилган
ДИССЕРТАЦИЯ

Илмий раҳбар: Проф. Ширинов Т.Ш.

Самарқанд – 2012

МУНДАРИЖА

Кириш.....	3-9
I – боб. Шарқий Каспий бўйининг палеоэкологияси.....	10 - 20
II – боб. Шарқий Каспий бўйи палеолит даври ёдгорликлари.....	21 - 37
III-боб. Шарқий Каспий бўйи мезолит даври ёдгорликлари.....	38 - 58
IV-боб. Шарқий Каспий бўйи неолит ва энеолит даври ёдгорликлари	59-77
Хулоса.....	78 - 83
Фойдаланилган адабиётлар рўйхати.....	83 – 91
Илова	(иллюстратив расмлар)

Кириш

Мустақиллик йилларида халқимизнинг тарихий ўтмишига ва унинг бой маданий меросига катта эътибор кўрсатилиб келинмоқда. Ўзбекистон Республикаси президенти И.А. Каримов ўзининг тарихчилар олдидаги қатор чиқишларида юртимизнинг қадимий ўтмишини ҳаққоний ўрганиш вазифасини қайта-қайта таъкидлаганлар ва халқимизнинг тарихий-маданий илдизларини ўрганишга алоҳида урғу берганлар¹.

Ибтидоий аجدодларимиз ҳаёти ва тараққиётида оқар сув манбалари катта аҳамият касб этганидек, Евросиё минтақасининг кескин континентал қисмида жойлашган Ўрта Осиёда Каспий денгизининг тугган ўрни ҳам беқиёсдир. Табиат тарихининг бир бўлаги бўлган Каспий денгизининг ҳам ўз тарихи бор. Денгиз террасалари ибтидоий одамлар яшаши учун жуда қулай шароитларга эга бўлган. Бу ерларга ташриф буюрган қадимий аҳоли денгиз маҳсулотларидан баҳраманд бўлганлар. У қолдириб кетган ётқизикларда ишлов беришга қулай бўлган чакмоқтош конлари мавжуд бўлиб, улар тош индустрияси учун қимматли хом ашё манбаи бўлган.

А.С. Кеснинг палеогеографик схемасига кўра, сўнгги плейстоценнинг охири ва голоценнинг катта қисмида Амударёнинг сувлари Сарикамиш ботиғига ва сўнгга Узбой бўйлаб Каспий денгизига қуйилган. Оролга эса бу даврида фақатгина Сирдарёгина қуйилган².

Каспий денгизи ўз тарихи давомида бир неча бор тошиб ва пасайиб турган. Бу ҳодисалар фанда регрессия ва трансгрессия деб аталади. Бундай жараёнларда денгиз бўйларида пайдо бўлган ибтидоий маконларни геологик жиҳатдан саналаш орқали бутун Ўрта Осиё учун қабул қилинган саналаш системалари ишлаб чиқилган.

Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўқ. Тарихчи олимлар ва журналистлар билан учрашув // Асарлар тўплами. Т., Т. 7, 1999. -Б. 129;

Кесь А.С. Палеогеография Аральского моря в позднем плейстоцене и голоцене. – В кн.: Палеогеография Каспийского и Аральского морей в кайназое. – М.: изд-во МГУ, 1983, с. 103;

Диссертациянинг 1-боби “Шарқий Каспий бўйининг палеоэкологияси”га бағишланган бўлиб, унда денгизнинг геологик тарихи ва шунга асосланган геологик даврлаштириш масалалари кўриб чиқилади.

2-Боб “Шарқий Каспий бўйининг палеолит даври” ҳақида бўлиб, унда ушбу ҳудудлардан топилган барча қадимги тош даври материалларининг ўрганилиши тарихи, уларнинг ўзига хос хусусиятлари ва маданий хосликлари масалалари ўрганилган. Каспий денгизининг Шимоли-Шарқий, яъни Туркманистонга тегишли ҳудудлари илк палеолит даврининг иккинчи ярмидан бошлаб ибтидоий одамлар томонидан ўзлаштирилган. Красноводск оролидан топилган бир қатор йиғма материаллар бундан гувоҳлик беради. Ушбу топилмажойлардан йиғилган белгиловчи тош қуроллар – бифасларнинг кўплигига кўра уларни илк палеолитнинг ашел маданиятига хос дейиш мумкин. Негаки, тарихдан маълумки, бифас-чўқморлар ишлаб чиқариш илк палеолитнинг ашел маданияти соҳибларигагина хос бўлган.

Лекин Каспий бўйи ҳудудларида илк палеолит даврига оид стратиграфиялашган ёдгорликлар ва тош буюмлар билан бирга келадиган материаллар аниқланмаган. Шунинг учун ҳам уларни аниқ усуллар ёрдамида абсолют саналашнинг имкони йўқ.

Каспий денгизининг кўтарилиши ва пасайиши билан боғлиқ унинг атрофидаги ҳудудларда ландшафт ўзгариб турган. Бу ҳудудларга ибтидоий одамлар ҳвалин трансгрессиясидан кейин, яъни сўнгги палеолит даврининг охирларида қайтадан ташриф буюрадилар. Каспий бўйларидаги ғорлардан стратиграфиялашган ва очик ҳудудлардан йиғма сўнгги палеолит даври материаллари аниқланган. Шу даврдан бошлаб Шарқий Каспий бўйи қабилалари маданияти қолган бутун ва узок давом этган ибтидоий давр мобайнида узлуксиз автохтон тараққий қиладилар. Ушбу ҳудудларда тараққиётнинг сўнгги палеолит давридан мезолит босқичига ўтиш жараёнлари содир бўлади. Сўнгги палеолит давридан бошлаб бу ҳудудларда ўзига хос маданиятлар шакллана бошлайди. Тош

индустриялар призматик чакмоқлаш техникасига, пластиналарнинг учларида шакллантирилган қирғиччаларга асосланади. Сўнгги палеолит даврининг охирларидан бошлаб атипик геометрик қуроллар пайдо бўла бошлайди.

Шарқий Каспий бўйининг яхши ўрганилган ва энг қадимги палеолит даври ёдгорликлари Красноводскдан Ашхабадга борадиган темир йўлнинг 39-километридан топилган Янгажа ва Қоратенгир топилмажойларидир. Бу ёдгорликлар ўтган асрнинг 40-йилларида топиб ўрганилган. Бироқ, ушбу ёдгорликларнинг санаси масаласи бўйича тадқиқотчилар орасида турли қарашлар мавжуд. Масалан, Фарблик олимлардан Клейн, Гаррод ва бошқалар ҳамда Калтаминор маданиятининг тадқиқотчиси С.П. Толстовлар бу ерлардан йиғиб олинган бифасларни қўл чўқморлари эмас, балки Узбойнинг сўнгги неолит даври учун хос бўлган бифас-тиғлар ҳам бўлиши мумкин деган фикрларни илгари сурганлар. Аммо, бу фикрлар кейинчалик ўз исботини топмади. Ўша даврларда илк палеолитнинг ашел маданияти фақат Шимолий Африка ҳамда Европа ҳудудлари учун хос саналар эди. Бироқ кейинги ўн йилликларда Осиё ҳудудларида ҳам ушбу маданиятга оид ёдгорликлар топилиб Европа материалларидан биров фарқ қилиб, осиеча ашел маданияти деб юритила бошлади. Фарғона водийсидаги Селунгир ғори материаллари бунинг ёрқин мисолидир.

Тош даврининг кейинги мезолит босқичи Каспий бўйи ҳудудларида тўлиқ намоён бўлади. Бу ерда илк, ўрта ва сўнгги мезолит даврларига оид маданий қатламлар учрайди. Каспий бўйи сўнгги палеолит ва мезолит даври маданиятларининг ўзига хос хусусиятларидан бири уларнинг тош индустрияларида кесгич қуролларнинг учрамаслигидир.

Илмий ишнинг 3-боби “Шарқий Каспий бўйининг мезолит даври” деб номланиб, унда ушбу ҳудудларнинг бой ўрта тош даври ёдгорликлари, уларнинг таснифи ва маданий-даврий талқинига бағишланган. Шарқий Каспий бўйининг мезолит даври ёдгорликлари Красноводск яримороли (Жебел ғори, Қасқирбулок), Қорабуғозбўйи (Хўжасу 1, Дефе-Чаганак),

Балханбўйи (Кайлю, Дам-Дам-Чашма 1 ва 2 ғорлари, Қараилем макони), куйи Узбой (Келкор ва Актам топилмажойлари, Сенгражи 1 ва бошқалар) каби ҳудудларда концентрациялашган. Ҳозирда бу ерда 30 га яқин топилмажойлар ва 4 та кўп қатламли ғорлар мавжуд: Жебел, Кайлю, Дам-Дам-Чашма 1 ва 2 ғорлари. Ушбу ёдгорликларнинг материаллари, нафақат, Ўрта Осиё, балки бутун Яқин Шарқ ҳудудлари мезолит даври материалларини ўрганишда асосий аҳамиятга эгадир.

Бу ердаги ғорларни қазииш ишлари ва тўпланган материаллар Каспий бўйи мезолитининг маданий-даврий манзарасини тиклаш имконини беради ҳамда Ўрта Осиё ва Яқин Шарқ мезолит даври комплексларининг хронологияси ва даврлаштириш масалаларига таянч бўлган стратиграфияни беради. Ушбу материалларни таҳлил қилиш ва уларни Яқин Шарқдаги мезолит комплекслари билан таққослаш Шарқий Каспийбўйи ҳудудларида икки гуруҳ ёдгорликларни ажратиш имконини бери³ Ушбу гуруҳлардан бири шартли равишда балханбўйи гуруҳи деб номланиб, ўзида Дам-Дам-Чашма 2 ғорининг 8-4 қатламлари, Жебелнинг 8-7 қатламлари, Қасқирбулоқ ва бошқа топилмажойлар материалларини бирлаштиради⁴. Бу гуруҳ индустриялари микролитлашган элементга эга пластинасимон чақмоқлаш техникаси билан характерланади. Уларнинг асосий тановорлари эни 1,2-3,7 см бўлган йирик ва ўрта ҳажмли ва нотўғри елкали пластиналар ҳамда баъзан йирик учириндилардир. Ушбу гуруҳ индустрияларининг иккиламчи ишланган буюмлари орасида тановорнинг фақат иш юзасигагина қисман амалга оширилган ўткирлаштирувчи серзирапча ретушлаш характерлидир. Иш қуроллари орасида йирик, қалин ва симметрик ёки бироз ассимметрик ҳамда ёнлари қия ёки бироз қиялашган трапециялар, бундан ташқари, нотўғри елкали учбурчак

Коробкова Г.Ф. Культуры Средней Азии в эпоху мезолита и неолита. Проблемы Археологии Средней Азии. ТД и сообщ. к совещанию по археологии Средней Азии. (1-7 апрель. , 1968 г.). Л.: 1968. С. 15, 16; Коробкова Г.Ф. Мезолит Средней Азии и его особенности. КСИА. 149. 1977. С. 109, 112.

Борисковский П.И. К вопросу о древнейшем заселении Туркменистана // Тр. Ашхабадского унив-та. 1. 1947а. Борисковский П.И. Палеолитические местонахождения в Туркмении // КСИИМК . 18. 1947б.

қуруллар кўпчиликти ташкил қилади. Шунингдек, йирик пластиналарнинг учларида шакллантирилган тик ва қия, баъзан иккиёқлама қирғиччалар, нуклеуссимон қуруллар, баъзан юмалоқ ёки учириндиларнинг уч қисмларида шакллантирилган қирғиччалар типикдир. Асосий ўринни учлари чуқур ўйиб ишланган пластиналар – тош рандалар олади. Бундан ташқари учлари махсус ажратилган бигизлар ҳам учрайди ва улар кўпинча тановорларнинг бурчак қисмларида шакллантирилган. Тўпламларнинг нуклеуслари йирик, гардишсимон, кесилган конуссимон ва бир юзаси ишлов берилган ҳамда кўпинча зарб майдони текисланган призмасимон кўринишга эга.

Шарқий Каспийбўйида жойлашган даврига оид иккинчи гуруҳ ёдгорликлар шартли равишда Зарзий ғори материаллари типигаги Каспий бўйи мезолити маданияти деб номланган. Ушбу гуруҳ Кайлю ғорининг қуйи қатламларини, Дам-Дам-Чашма 1 ғорининг 4-маданий қатламини ҳамда Хўжа-сув макони ва бошқа топилмажойлар материалларини қамраб олади⁵.

Бу гуруҳнинг индустрияси, биринчи гуруҳда бўлгани сингари пластиналар ишлаб чиқариш техникаси билан характерланади. Аммо, улар биринчи гуруҳ индустрияларидан микролитли хусусиятларининг кўплиги, тановорлар ҳамда асосий тош қурулларининг бошқачалиги билан ажралиб туради. Тановорлар орасида етакчи формалар тўғри елкали, узунчоқ ва йирик пластиналар, микропластинкалар ва учириндилардан иборат. Иккиламчи ишлов беришда бутун периферия бўйлаб ёки қирраларини ўтмаслаштирувчи ретуш бериш кенг қўлланилган. Тош қуруллари орасида тик ҳамда ўтмаслаштирувчи ретуш билан ишлов берилган ассиметрик, узунчоқ учбурчак қуруллар ва чўзинчоқ сегментлар катта ўрин эгаллайди. Трапециялар кам сонли бўлиб, улар ёнлари ўта эгилганлиги ёки узунчоқ прапорциялари билан ажралиб туради. Бу комплексларни пақки типигаги пичоқлар, қирралари ўтмаслаштирилган микропластинкалар, учлари

Коробкова Г.Ф., Крижевская Л.Я., Мендельштам А.М. К вопросу о неолите Прикаспия // История, этнография и археология Средней Азии. М.: 1968. С. 53-56.

қиялаштирилган микропластинкалар, юмалоқ, нуклеуссимон ва йўнилғи учларида шакллантирилган қирғиччаларнинг мавжудлиги билан характерланади. Йўнилғиларнинг учларида шакллантирилган қирғиччалар асосан проксимали юпқалаштирилган ва бутун пластиналардан ишланган. Тўпламлардаги тош рандалар кўплаб ўйиб-кертишлар ёрдамида шакллантирилган. Тўпламнинг нуклеуслари қаламсимон, призматик ва конуссимон шаклидир. Бифасиал ишлов берилган тиғлар ҳам мавжуд.

Бу даврга келиб, Каспий бўйи қабилалари ҳаётида муҳим ўзгаришлар содир бўлади. Тошга ишлов беришда аввалги давр анъаналари сақланиб қолгани ҳолда, геометрик тош қуроллар яшаш такомиллаштирилади. Тош ва суякдан ишланган қуроллар кенг тарқалади. Сўнгги мезолит даврига келиб қўй, эчки каби ҳайвонларни хонакилаштирилиши содир бўлади. Балиқчилик ва унинг суяқларидан тош қуроллар яшаш йўлга қўйилади.

Диссертациянинг 4-боби “Шарқий Каспий бўйининг неолит ва энеолит даври” маданиятларининг ўрганилиш тарихи ҳақидадир. Бу давр бошқа барча жойларда бўлгани каби буюк ўзгаришлар, кашфиётлар ва юқори даражада ривожланган тараққиёт давридир. Бу даврда жамоалар ҳўжалигида сопол идишлар ишлаб чиқариш йўлга қўйилади. Бу идишларга ўйма таёқчасимон нақшларнинг берилиши ўша давр одамларида эстетик дунёқарашларнинг тўлиқ шаклланганлигини кўрсатади. Тўпламларда ўткир тубли кўпол сопол идишлар билан биргаликда силлиқланган буюмларнинг учраши бу даврда қўшни ўтроқ қабилалар билан маданий алоқаларнинг йўлга қўйилганлигидан далолат беради. Балиқчилик, чорвачилик ва деҳқончилик тараққий топади.

Шундай қилиб, Шарқий Каспий бўйи ибтидоий қабилалари тарихи Бутун Ўрта Осиё ва унга қўшни ҳудудлар тарихини ўрганишда муҳим бўғин ҳисобланган, узлуксиз, автохтон ва ўзига хос маданиятлар тарихидир.

I. Мавзунинг долзарблиги.

Каспий бўйларидан сўнгги палеолит давридан бошлаб узлуксиз автахтон ҳамда бутун тош даврини ўзида акс эттирган стратегиялашган ёдгорлакларнинг топилиши бутун Ўрта Осиё ибтидоий давр тарихини эволюциясини ўрганишда муҳим аҳамият касб этади.

Сўнгги плейстоценнинг охирларида Каспий бўйи ҳудудларида совуқ ҳамда қуруқ иқлим шароитлари ҳукмрон бўлади. Ушбу даврнинг бошланиши сўнгги вюрмнинг асосий босқичларига тўғри келади. Каспий шкаласи бўйича жанок ариди афтидан, сўнгги хвалин ҳамда мангишлок даврларини ўз ичига олади. Ушбу давр ҳодисалари ҳақида ёзар экан, П.В. Федоров: "... юқори хвалин даври денгизининг регрессияси нотекис, сатҳининг ўзгаришидаги анча давомий тўхташлар билан содир бўлган"⁶, деб таъкидлайди. Бу даврда денгиз сатҳининг пасайиши қуруқликдан оқиб тушадиган сув оқимларининг камайиши ва парланишнинг кучайиши билан боғлиқ бўлган. П.В. Федоровнинг фикрича, хвалин даврида иқлим анча қуруқ ва иссиқ бўлган⁷.

II. Тадқиқотнинг мақсади. Каспий бўйида олиб борилган археологик қазув – қидирув тадқиқотларини махсус ўрганиб, уни бир тизимга солиш, ўрганилиш тарихининг босқичларини аниқлаш, қониқарли ёки қониқарсиз ва айниқса, муваффақиятли ўрганилган даврлар хусусиятларини белгилаш, воҳада тадқиқотлар ўтказган мутахассислар ишининг илмий аҳамиятини очиқ бериш магистрант тадқиқотининг асосий мақсадидир.

III. Тадқиқотнинг вазифалари.

1. Ўрта осие ибтидоий тарихини ўрганишда маданий даврий аҳамиятга эга бўлган Каспий бўйи ибтидоий қабилалар тарихини умумийлаштириш.

Федоров П.В. Стратиграфия четвертичных отложений и история развития Каспийского моря. – труды геол. Ин-та АН СССР, вып. 10. – М.: Изд-во АН СССР, 1957, с. 276;

Кўрсатилган адабиёт. Подразделение хазарских отложений и их положение в шкале каспийского плейстоцена. – Бюлл. Моск. Общ-ва испыт. Природы. Отдел геологический. 1972. №2. С. 85;

2. Каспий бўйи ёдгорликлари материаллари асосида узоқ давом этган ибтидоий маданиятлар равнақини кузатиш.
3. Каспий бўйи ибтидоий давр ёдгорликларини Ўрта Осиё қадимий тарихини ўрганишдаги ўрни ва ролини аниқлаш.

IV. Мавзунинг ўрганилиш даражаси.

Каспий бўйи ибтидоий даврини ўрганиш тарихи ўтган асрнинг 40 йилларига бориб тақалади. Бу ердан илк палеолитнинг ўрталарига оид йиғма материаллар аниқланган ва ўрганилган. Шунингдек, Красноводск ярим ороли ҳудудларидан сўнгги палеолит ва неолит даврига оид йиғма материаллар топилган бироқ уларнинг маданий даврий талқини борасида турли хил фикрлар мавжуд. Масалан, 41 км дан топилган, ўрта палеолитга хос деб аниқланган материалларни айрим мутахассислар неолит даври билан саналаганлар. Бундан ташқари Каспий бўйидаги ғор маконлар материалларининг маданий ҳослиги борасида ҳам яқдиллик йўқ. Баъзилар уларни балхан бўйи маданиятига, бошқалари эса Эрондаги Зарзий маданиятига хос деб ҳисоблайдилар. Шунингдек, Каспий бўйи тош даври ёдгорликлари турли даврларда тадқиқ этилиши сабабли ўрганилиш даражаси турлича. Шундай бўлсада, Каспий бўйининг стратеграфиялашган ёдгорликлари Ўрта Осиё ибтидоий тарихини ўрганишда эталон ҳисобланади.

V. Тадқиқот методлари. Мазкур тадқиқотларни амалга оширишда Ўзбекистон ижтимоий фанлари бўйича ўтказилаётган тадқиқотларга қўйилган талаблардан келиб чиққан ҳолда, тарихимизни холис ва объектив яратиш мезонлари асос бўлди. Шунингдек, Ўз РФА Я. Ғуломов номидаги Археология институтида ишлаб чиқилган “ Ўзбекистон Археологияси Концепцияси ” ва албатта, президентимиз И.А.Каримов- нинг “ Тарихий хотирасиз келажак йўқ ” асари тадқиқотим методларининг асоси бўлиб хизмат қилди.

VI. Тадқиқотнинг илмий янгилиги. Муайян географик минтақа, қадимий тарихий – маданий ўлка қадимияти ва тарихининг турли соҳалари, турли даврлари билан бир эмас, балки ўнлаб

мутахассислар шуғулланиши бу табиий ҳолат. Ушбу маданий ўлканинг ибтидоий тарихи мукаммал ёритилган бўлиши мумкин. Лекин ушбу илмий жараёнларнинг бошланиши, ўтказилиш даври тадқиқотларда катнашган мутахассис олимлар фаолияти, илмий меросининг ўрни ҳақида эса маълум, чекланган доирадан асосан, мутахассис олимлар хабардор бўлиши мумкин. Аслида эса буни кенг илмий жамоатчилик билиши ва ўрганиши лозим. Шу маънода, Касрий бўйи ибтидоий даври тарихини яхлит тизимга солиб ўрганиш масаласига энди мурожат қилинмоқда. Ушбу ҳолат тадқиқотнинг илмий янгилигини белгилайди.

VII Тадқиқот натижаларининг илмий ва амалий аҳамияти.

Ушбу магистрлик диссертация ишим кириш, 4 та боб, хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иллюстрациялардан иборат.

Ушбу тадқиқот ишимни тайёрлашда ўз маслаҳатларини бериб, яқиндан ёрдам берган илмий раҳбарим т.ф.д. профессор М. Ж.Жўрақуловга, Ўз РФА Археология институтининг катта илмий ходимлари т.ф.н. доцент М.Ҳ. Пардаевга ва Б.Қ.Сайфуллаевга ҳамда менга адабиётлар йиғишимда ёрдам берган мазкур институт кутубхоначиси Ҳ.Анарбаевага самимий миннатдорчилигимни билдираман.

I БОБ. Шарқий Каспий бўйининг палеоэкологияси

Қадимги давр Туркменистон тарихидан гувоҳлик берувчи кўплаб тарихий ёдгорликлар ўрганиб чиқилган ибтидоий жамоалар давридаги кабилаларнинг турар-жойларини аниқлаш, уларга тавсиф бериш масалаларига алоҳида еътибор қаратилди.

Жабал ғори, неолит даврига оид қабрлар, Анов, Намозгоҳ, Иззаткули ва бошқа шу кабилар рўйхатга олинган еди. Туркменистон ҳудудида

кўплаб ёдгорликлар мавжуд бўлиб, уларнинг барчаси хусусида етарлича маълумотлар тўпланган. Монументал ёдгорликлар ҳам шулар жумласидан. Гаур – қалъа ва (қадимги Марв) Кўҳна Ниса, Қалъали- Қир шаҳар харобаси, Хоразмдаги Кўзалиқир қабиларни кўрсатиш мумкин.

Туркменистон ҳудудида археологик ёдгорликлар кўп бўлиб, археологик экспедиция доимий қидирув ишларини олиб борган. Йирик экспедициялар амалга оширилди. Булар: Жанубий Туркменистон комплекс археологик экспедицияси ва Хоразм археологик этнографик экспедицияси. Бундан ташқари бу ердаги археологик тадқиқот ишларини Тарих Институтининг археология ва этнография сектори, Туркменистон ФА Тарих ва Археология институте давом еттирди. Иккинчи жаҳон урушидан кейинги йилларда собиқ иттифок тадқиқотчилари Туркменистон ҳудудидаги бир қанча йирик экспедицияларни ўтказдилар.

Ҳозирги Туркменистон ҳудудида истиқомат қилувчи қабилалар ҳақида ёзма манбалар бир қадар аниқ маълумотлар беради. Қадимги Форс ёзувлари, Грек ва Рим муаллифларининг тўпламлари шулар қаторига киради. Туркменистоннинг қадимги тарихи, Касбий бўйи қабилаларининг ўтмишини таҳлил қилиб чиқиш катта аҳамият касб этади⁸. Хитой тарихий йилномалари бу ҳақида айрим гувоҳликларни бериб ўтган.

Туркменистоннинг табиий шароити қуйидагича тавсифланади. Касбий Бўйи қабилалари, уларнинг маданияти, Туркменистоннинг табиий ва экологик шароити хусусида илмий адабиётларда қарашлар, асослар келтириб ўтилган. Туркменистоннинг юқори қисми катта текисликлардан иборат. Жанубий қисми тоғлар билан чегараланган. Катта қисмини Қора кум чўллари егаллайди. Ер шаридаги катта кумлик чўллардан биридир. Туркман ҳудудидаги ибтидоий қабилалар кўчманчи чорвачилик билан шуғулланган. Қадимги вақтдан бу жараён тўлиқ кўзга ташланади. Қумлик ерларда саксоул ва илоқ қаби ўсимликлар бор. Чўллар сувдан маҳрум қилинган дейиш асослидир. Табиий ёғингарчилик айрим ўсимликларни вақтинча ўсишига имкон яратган. Сувни сақлаш учун қудуқлар қазилган

История Туркменской Том I. кн.I. Ашхабад, 1957, стр. 7-8.

бўлиб, баъзиларининг чуқурлиги 200-300 метрни ташкил этади. Қишки ва Баҳорги ёмғир сувлари йиғилиб, сув омбор- чуқурликларини ҳосил қилган. Туркменистоннинг катта қисми текислик бўлиб, сув билан таъминлаш ҳолати қониқарли ҳолатда эмас. Туркменистоннинг жанубий чегаралари Капетдоғ ва Курен Дага тоғ тизмаларини ўз ичига олади. Шарқда баланд бўлмаган Қорабил ва Амударёнинг ўнг соҳилларидаги Бухатанг тоғларини ҳам кўрсатиш мумкин. Капетдоғдан шимолий-ғарбга қараб Красноводск ярим ороли, Кичик ва Катта Балхан тепаликлари ҳам ўрин егаллайди. Туркменистон тоғларининг катта қисмида турли хил доривор ўсимликлар мавжуд. Капетдоғ ва Қорабил шундай хусусиятларга эга. Туркменистон табиий бойликлар кўп бўлган энг катта қисми Амударё, Мурғоб, Такин воҳалари ҳисобланади⁹.

Амударё ўзининг ўрта оқимлари билан Ўрта Осиёнинг катта қисмини сув билан таъминлайди. Кичик водийлар, ёндирувчи қумлар билан қопланган баъзи ерларга ҳам сув чиқарилган. Фойдаланадиган ерлар кам миқдорда бўлсада, табиий шароитдан келиб чиқиб, аҳоли бу ерда гавжум бўлган. Амударёнинг қуйи оқими катта Делталарни ташкил қилади. Ески оқимларнинг катта қисми ўз жойини ўзгартирган. Қадимдан бу ерда деҳқончилик маданияти шакилланиб келган. Аҳоли гавжум бўлган Хоразм воҳаси билан доимий алоқада бўлган. Ғарбий қисми Сарикамиш қуйилиши билан биргаликда ҳосил қилади. Буларнинг катта қисми Туркменистон ҳудудига тўғри келади. Амударёнинг қуйилиш қисми илгари Узба деб номланган.

Мурғоб воҳасининг табиий шароити алоҳида аҳмият касб этади. Ер унумдорлигининг яхшилиги кузатилади. Мурғоб орқали Ўрта Осиёдан Хитой, Ерон, Яқин Шарққа катта савдо йўли ўтади. Бу савдо йўли Европа мамлакатларига ҳам боради.

Тажан дарёсида қишда сув катта миқдорни ташкил қилади. Ёзда ушбу дарё орқали катта ерлар суғорилади. Бир қисми Ҳирот воҳасига

История Туркменской. Том I. кн.I. Ашхабад, 1957, стр. 12-13.

кадар борарди. Деҳқончиликнинг айрим ҳудудларда кам таракқий
етганлиги экологик шароит билан боғлиқ. Отик ва Оҳал-Такин воҳалари,
Капетдоғнинг пастки ерлари унумдорлиги билан ажралиб туради. Ўнлаб
майда сув иншоотлари ҳам мавжуд бўлиб, тоғлардаги сув захиралари
билан тўлдирилган. Отек ва Охан Такин воҳалари ҳам деҳқончилик, ҳам
чорвачилик учун қулай бўлиб ҳисобланади. Туркменистоннинг иқлими
қуруқ бўлиб, континенталдир. Юқори ёзги температура билан қишки
ҳароратнинг даражаси маълумдир. Январ ойида энг паст ҳарорат-26-32° ни
ташкил қилади. Июл ойида юқори ҳарорат 49° гача боради. Намлик
даражаси Амударёнинг қуйи қисмларида 80 мм., Капетдоғнинг ғарбий
қисмида еса, 285 мм. га энг. Қор айрим ҳудудларида бир неча кун давом
етади. Узоқ вегитацион давр 150-250 кун давом этади. Ҳавонинг ҳарорати
10° ни ташкил этади. Ўйлига икки маротаба ҳосил олишга имконият
беради¹. Аммо иқлимнинг қуруқлиги фақат суғорма (сунъий) деҳқончилик
учун имконият беради. Илгари барча суғорма деҳқончилик тоғ олди
ҳудудларида вужудга келган. Майда сув захираларининг мавжудлиги ҳам
далаларни суғоришга ёрдам берган. Кейинчалик Амударё, Мурғоб, Тажан
кишиларнинг турмуш тарзи, деҳқончилик маданияти учун хизмат қилиб
келган. Сув захираларини қўпайтириш аста-секин долзарб бўлиб борган.
Ундан жамоавий фойдаланиш йўлга қўйилган. Туркменистон ҳудудида
қадимги давлатларнинг ташкил топиши, маданий қатламларнинг
кенгайишида ушбу омилларнинг таъсири каттадир. Мурғоб ва Тажан
дарёлари ҳозирда ҳам катта ҳудудни суғориш учун хизмат қилиб
келмоқда¹⁰.

Туркменистоннинг деҳқончилик воҳалари чўл, ярим чўл,
текисликлар билан ўраб олинган. чорвачилик хўжалигининг ривожланиши
учун ҳам хизмат қилган. Айрим ҳудудларда қабилалар қадимги даврдаёқ
фақат деҳқончилик билан шуғулланиб келган. Туркманларнинг қадимги
аждодлари ҳинд-европа тил оиласининг Ерон туркумида сўзлашиб келган.
Қорақум, Қизилқум ҳудудларида ҳам аста-секин аҳоли истиқомат қилиб

келган. Сак массагет кабилалари ҳақида маълумотлар келтириб ўтилади. Уларнинг ўртасида ассимиляция жараёни бошланган. Деҳқончилик билан шуғулланувчи маҳаллий туб аҳоли билан аралшиб кетиш жараёни содир бўлган. Маданий жараёнларнинг ўзгариши содир бўлган. Амударёнинг қуйи қисмида Мурғобдаги деҳқончилик воҳаларига келиб ўрнашиш амалга ошган.¹¹

Милоддан аввалги биринчи минг йилликка келиб, Туркменистоннинг деҳқончилик воҳаларида қадимги халқлар ҳисобланган парфон ва хоразмликлар шаклланиб борган. 1 минг йиллик ўрталарига келиб, Ўрта Осиё ва марказий Осиёнинг катта қисмида ассимиляция жараёни бўлиб ўтади. Ерон тилида сўзлашувчи чорвадор аҳоли таркиби кенгайиб борган. Ибтидоий жамоа даврида Туркман ерларидаги ҳолат қандай бўлганлиги аста-секин аниқланиб борган. Красноводск ярим ороли ва Балхан тоғларидаги экологик шароит археологик қидирув, изланиш натижасида ўрганишимиз мумкин. Экологик табиий шароит эволюцион маданиятга ҳам ўз таъсирини ўтказиб келган. Полиолет ва мезолет даври ёдгорликлари археологлар томонидан очиб ўрганилди. Қурт қуйи қудуқлари ва унинг атрофларидаги тарихий ёдгорликлар ҳам таҳлил қилиб чиқилди. Ўз бойнинг оқимлари қадимги вақтда бир неча бор ўзгариб турган. Масалан, неолит ва бронза даврида Узбойнинг қадимги соҳилларида аҳоли гавжум яшаган бўлса, қадимги тарихий ёдгорликлар кам учрайди. Археологлар неолитга оид кўплаб турар-жойларни аниқлашди. Тадқиқотчи П.И.Борискавский Туркменистоннинг табиий экологик шароитини ўрганиб чиққан. Заузбой платоси, Қорақум, қадимги делтилар, Тажан ва мурғобнинг ўрта оқимлари, Бадхиз, Қорабил, Амударёнинг табиий шароитига уларнинг атрофидаги жараёнларга алоҳида ётибор қаратишган.

История Туркменской ССР. Том I. кн. I. Ашхабад, 1957, стр. 15.

Маданий қатламларнинг аниқланиши натижасида, экологик-табiiй шароит ҳам аниқланиб борди¹². Узбой воҳасининг аҳамияти тадқиқотчилар томонидан доимий еътироф етилмоқда. Жабал ғоридаги казув ишлари ушбу ҳолатни аниқлаштириб берди. Узбойнинг юқори қисмидаги маданий қатламларнинг кўплиги ҳам унинг табiiй экологик шароити юқори бўлганлигидан гувоҳлик беради. Узбойнинг пастки қисми еса Қалонқуй Тоғалоқ деб номланади. Қора қум шимолий-шарқий Капетдоғ, Тажаннинг ўрта оқими, Мурғоб воҳалари ҳам табiiй экологик жихатдан ажаралиб туради. Баъзи текисликлари Ўзбекистон ҳудуди билан ҳам чегарадош бўлиб ҳисобланади. Пастки текислик қисмлар ўз ҳолатига кўра, тоғлик раёнлардан ажралиб туради. Ибтидоий жамоа даврига тегишли кўплаб турар-жойлар ўрганиб чиқилди. Бунда яна юқори Узбой ҳудудлари етакчилик қилади.

Красновдск ярим оролли, Узбой платоси, Келиф соҳиллари ҳам муҳим табiiй- экологик ҳудуд рўйхатига киритилади. 1935-йил А.А. Марушенко Нисо ҳудудларида археологик қидирув ишларини олиб борди. Бундай изланишлар 1939-йил Тоғалоқ тепада ҳам ўтказилди. 1952-йилдан бошлаб, махсус археологик отряд Б.А Куфтин бошчилигида ўз ишини бошлади. Ашхабод вилоятида тоғлик ҳудудлар кўпчиликини ташкил қилади. Чўпонтёпа атрофидаги тоғ ости ерлари ҳам унумдорлиги билан ажралиб туради. Жанубга қараб 3-4 км. масофа юрилса, Қорақумга дуч келинади. Чўпонтёпа ўз хусусиятига кўра Жойтундан ажралиб туради. Қарақум атрофларининг табiiй экологик шароити ҳам ўрганиб чиқилган. Ушбу тепаликнинг ғарбий қисмида қадимги оқимлар мавжуд бўлган. Ушбу омиллар тавсирида қадимги туркман ерларининг катта қисми суғорилган. Археолог С. А. Ершов 1953 йил бир қанча муҳим жойларни очиб, ўрганиш билан бирга, табiiй экологик шароитлар хусусида

Губаев А. Археология Туркменистана. Под. Ред. Кошеленко Г.А. изд. "Магарыф" Ашхабад., 1989, стр. 59-65

хулосалар берган. Тоғолоктепа ўрганилиши натижасида айрим табиий экологик омиллар масаласига бир қатор аниқликлар киритилди.¹³

Жанубий Туркменистондаги Аркач, Оҳал, Ўттрек раёнларида суғориш иншоотлари жадал суръатларда йўлга қўйилган. Аркач воҳаси ўз табиий экологик шароитига кўра бир биридан фарқ қилувчи ҳолатларга хотима беради. Қизил Арботдан Бахарденгача бўлган ҳудудлар воҳанинг ғарбий раёнлари бўлиб ҳисобланган. Барча юқоридаги маконлардан материаллар олиниб, қўлга киритилган Оҳал (марказий раён) еса, Бахарден билан Гаяурс оралиғида жойлашган шарқий раён ҳисобланган. Отек ҳудуди Гаяурсдан Тажан дарёсига қадар давом этади. Археологик ёдгорликларга ҳозир ҳам қизиқиш катта.

Жойтун маъданияти ўз ерлари, табиий-экологик шароити билан ажралиб турган. Термачиликдан дехқончиликка ўтиш, овчиликдан чорвачиликка ўтиш жараёнидаги шароит, ёдгорликлар ҳам белгилаб олиниб, таҳлил қилинган. Тоғолоктепа ва Чиғилтепа бунда муҳим ўрин тутди. Дехқончилик маданияти кўпайганлиги барча тарихий ёдгорликларда кузатилади. Археолог ашёлар бундан гувоҳлик беради. Жанубий Туркменистон енеолит даври маданиятини ўрганиш 1886-йил бошлаган еди.

Туркменистоннинг табиий экологик шароити хусусида кўплаб сайёҳлар ўз маълумотларини ёзиб қолдирган. Касбий орти вилоятларидаги қазув ишларига генерал А.В. Камаров бошчилик қилган. Тепаликлар, уларнинг табиий ҳолатини текширишга буйруқ берган собиқ иттифок тарихшунослигида А.В.Камаровнинг фаолиятига алоҳида еътироф, баҳо берилган. Анов ва бошқа кўплаб тепаликлар рўйхатга олинган еди. Р. Пампел- Г. Шмидт экспедицияси ҳа шубҳасиз юқори баҳоланади. 1950-йилларга келиб, Б. А.Куфтин ва В.М. Массонлар Туркменистоннинг катта ҳудудларида археологик қидирув ишларини амналга оширган. Р. Пампелли америкалик археолог бўлиб, 1904-йил рус археологик жамияти

Губаев А. Археология Туркменистана. Под . Ред. Кошеленко.Г.А. изд. “Магарыф” Ашхабад., 1989, стр. 65-66

рухсат бергач, ўз экспедицияси билан Туркменистонга келган еди. Археологик ишларга тажрибали немис археологи Г.Шмидт бошчилик қилган. Анов тепалигини аниқлаш катта шов-шувларга сабаб бўлган. Аммо стратиграфик кузатувга катта ётибор қаратилмаган. Фауна қолдиқларини аниқлаш орқали табиий экологик шароитга баҳо берилиши мумкин. Италиялик археолог Ж. Сердже Ановнинг шимолий қисмидаги бир қанча тепаликларни ўрганиб чиқди. Уларнинг табиати, экологик шароити хусусида хулосалар берган. Бош мия суякларини ҳам топган еди. Енеолит даврига келиб, жанубий Туркменистонда ирригация тизими такомиллашиб борган. Қишлоқ-хўжалигининг кейинги тараққиётини суғориш тизими, яъни ирригациясиз тасаввур қилиш қийиндир. Бу ирригация тизимини тадқиқотчилар табиий-экологик шароит билан ҳам боғлайдилар¹⁴. Хоразм экспедицияси қадимги суғориш тизимини ўрганишда бир қанча ишларни амалга оширган. Тадқиқотчи Р.М. Адамс еса, йирик суғориш тизимининг вужудга келишини давлатлар ташкил топиши билан боғлайди¹. Р.М. Адамс бунга асос қилиб, қадимги Месопотамияда давлатлар суғориш тизими пайдо бўлгунга қадар шаклланганлигини кўрсатади.

Амударё ҳақида Геродот ҳам ўз маълумотларини ёзиб қолдирган. Амударё бу Ўрта Осиёдаги йирик дарёлардан бири бўлиб ҳисобланади. Геродот томонидан Амударё –Окс , Аракс деб номланган. Александ Македонскийнинг юришларини ёзган тарихчилар ҳам, Амударёни- Окс, Сирдарёни еса, Яксарт деб атаганлар. Буларга Рим муаллифлари Тиний ва Варронни кўрсатишимиз мумкин. Амударё ва Хоразм ҳақида тўлиқроқ маълумотларни Истахри ва ал- Макдиси, шунингдек Абу Райҳон Берунийлар ёзиб қолдиришган. Бу дарёлар Туркменистоннинг табиий шароитида муҳим ўрин егаллаган.

Туркменистоннинг табиий-экологик шароити, Амударёнинг оқимларини ўрганиш ишлари билан, махсус археолог- топографик

Губаев А. Археология Туркменистана. Под . Ред. Кошеленко Г.А. изд. “Магарыф” Ашхабад., 1989, стр. 100-101

таркибга ега бўлган Хоразм экспедицияси шуғулланган. Геоморфологик ва полеографик тадқиқотлар ҳам табиий экологик ҳолатни билишда асосий омиллардан бири бўлиб ҳисобланади.

Амударёнинг бир қанча кичик оқимлари ҳам мавжуд бўлиб, улар Туркменистон ерларини суғориш учун хизмат қилган. ески оқимларни тиклаш учун археологик тадқиқотларни такомиллаштириш муҳимдир. Ланшафтлар ҳам рўйхатга олинади.

Хоразм экспедицияси 1951-1953 йиллар Узбойнинг оқимлари, унинг атрофидаги табиий шароитни ўрганиш ишларини амалга оширди. Бунинг натижасида янги манзилгоҳлар аниқланди. Шимолий каспий бўйи ҳудудлари асосий объект бўлиб ҳисобланган Амударёнинг қуйи оқими ҳам бу билан бевосита боғлиқдир. Денгиз бўйи қабилалари аста-секин экологик шароити яхши бўлган ҳудудларга кўчиб ўтишади. бундай шароит, имкониятга ега бўлган ҳудудларда маданий жараён ривожланиб борган. Жойтун қишлоғи Ашхабоддан 30 км масофада жойлашган. Бу атрофдаги табиий экологик шароит натижаси бўлиб ҳисобланади. Каспий бўйи қабилалари учун каспий ҳудудлари муҳим аҳамият касб этади. Денгиз соҳилларидан алоҳида жойлашган ерларда ҳам маданий жараёнлар давом етган. Каспий денгизи табиий-экологик шароит учун таъсир етувчи омил эканлиги маълум бўлади. Каспий бўйи ҳудудларида ҳам тарихий ёдгорликлар мавжуд бўлган¹⁵.

Капетдоғ воҳалари ҳам табиий-экологик шароити билан ажралиб туради. Енг қадимги маданият марказларидан бири бўлиб, атрофлари кишиларнинг истиқомат қилишлари учун анча қулай бўлган. Сопол буюмлар ҳам кўплаб топилганлиги еслатиб ўтилади. Каспий денгизнинг шарқий соҳилларида қабилалар деҳқончилик, овчилик ҳамда балиқчилик билан шуғулланишган. Марказий Ерон ва шимолий Афғонистон ҳудудларининг ҳам таъсири сезилган.

Губаев А. Археология Туркменистана. Под . Ред. Кошеленко Г.А. изд. "Магарыф" Ашхабад., 1989, стр. 114-115

Ўрта Осиёни археологик жихатдан ўрганиш шартли равишда уч босқичга бўлинади. Биринчи босқичда ўлка ҳақида тарихий манбаалар тўпланди. Айрим хонликларнинг тарихи ёзилди. 1819-йил капитан Муравёв бошчилигида Ўрта Осиёга дастлабки археологик разведка экспедицияси юборилди. Экспедиция Туркменистон ва Хива ҳудудларига жўнатилган еди. У ҳарбий хусусиятдаги экспедиция бўлсада, бир мунча қимматли кузатувлар олиб борди. Кўпгина ёдгорликлар рўйхатга олинди. Туркменистоннинг табиий-экологик шароити билан боғлиқ материаллар ҳам тўпланиб борди. Кейинчалик Муравёвнинг кундалик дафтари франсуз ва немис тилларига таржима қилинган. Ўрта Осиёда ибтидоий кишилар яшаганлиги, уларнинг турмуш тарзи, экологик ҳолати ҳақида ҳам қизиқарли маълумотлар қўлга киритилди.

ХИХ-асрнинг ўрталарига келиб, Ўрта Осиёнинг тош асри тўғрисида биринчи маълумотлар тўплана борган. 1890-йилда ески Марв харобаларидан А.В.Каулбарс тош болға, В.А. Жуковский еса, Гуярқалъадан силлиқланган тош болта топишди. 1896-йил Оренбург, Иссиқкўл раёнларидан ҳам кўплаб археологик ашёлар олинди. Бу топилмаларнинг ўз даври учун катта аҳамияти борлиги маълум бўлди. Юқорида айтилган топилмалар ибтидоий давр ҳақидаги дастлабки материаллар еди. Туркистон ҳаваскор археологлар тўғарагининг (ТКЛА) таъсис етилиши Ўрта Осиёни археологик жихатдан ўрганишнинг учинчи босқичи бўлиб ҳисобланади. 1895-йил Тошкентда маҳаллий ўлкашуносларнинг ташаббуси билан Туркистон ҳаваскор археологлариининг тўғараги таъсис етилди. Бу 1917-йилга қадар фаолият юритди. Бу тўғаракка турли касб егалари аъзо бўлган еди. Тўғарак аъзолари жамоатчилик асосида кўпгина ишларни бажардилар. Айниқса, ибтидоий давр ҳақида тўпланган маълумотлар еътиборга лойиқдир. ТКЛА тўғараги Ашхабодда ташкил етилади. Шундан сўнг Самарқандда цҳкил қилишга ҳам ҳаракат қилинган.¹⁶

История Туркменской ССР. Том I. кн.I. Ашхабад., 1957, стр. 29-34

1896-йилда Тошкентда ТКЛА музейи ташкил қилиниб, унда турли давр археологиясига доир материаллар йиғилган еди. Тўғарак ишида маҳаллий хаваскорлардан Ақром Асқаров, Мирза Бухарин, Абдулин, Гафиз кабилар фаол иштирок етишган. Тўғаракни ташкил қилиш ва унга раҳбарлик қилиш ишларида Тошкентдаги гимназиянинг директори Н.П.Остроумовнинг хизмати каттадир. Н.П.Остроумов Петербургдаги археология комиссияси билан яқин алода бўлган. Туркистон хаваскор археологлар тўғараги иш фаолияти ва хусусияти жиҳатидан Ўрта Осиёда ташкил топган дастлабки илмий жамиятлардан бири еди. Тўғаракни В.В. Бартолд, Н.И.Веселовский, В.А.Жуковский ва бошқалар қўллаб қувватлаб туришди. Тўғарак аъзолари турли раёнлардан бир мунча археологик материал тўплашга муваффақ бўлдилар. Ўлкашунослар Ўрта Осиёнинг табиий экологик шароити ҳақида ҳам қимматли маълумотларни йиғишдилар. Шундан А.И. Повловнинг кузатишлари ҳам қизиқарлидир. 1892-йил геолог Шмидт Иссиққўл атрофидан, Қайсара стансияси яқинидан бир неча чакмоқтош қурол аслаҳалар топди. Шундай қилиб ибтидоий давр тарихини ўрганишга бўлган қизиқиш аста-секин ортиб борди. Бу борада ТКЛА аъзоларининг бажарган ишлари диққатга сазовордир. Туркменистон маданият институти қошида ташкил қилинган.

II БОБ. Шарқий Каспийбўйи палеолит даври ёдгорликлари

Туркменистонда илк палеолит даврига оид энг қадимги материаллар Красноводскдан Ашхободга бориладиган темир йўлнинг 39-километридан, Янгаджа ва Қоратенгир бекатлари оралиғидан топилган. Бу жойда темир йўл чизиғи Красновод ярим платосини кесиб ўтган сойлар туташган қадимги дарёнинг қуруқ ўзани соҳилларидан ўтади. Ушбу соҳилдаги ғовак ётқизиклар эрозия туфайли кучли емирилган ва икки қатор кичик

тепаликлар шаклига эга¹⁷. Ушбу ювилган ва бузилган кум тепаликлар орасида одам томонидан ишлов берилган турли даврларга оид тош буюмлар сочилиб ётади.

Бу тош буюмлар орасида кўпол ишлов берилган бодомсимон кўл чўқмори аниқланган. Унинг бир тарафи йўнишлар ёрдамида, иккинчи тарафи эса икки марта йўниш туфайли кўндок ҳосил қилинган. Ушбу буюм шакли ва ишланиш техникасига кўра Оврўпадаги Шалас типига кўл чўқморларига ўхшаб кетади.

Шу яқин атрофдан бир нечта архаик кўринишдаги учириндилар ҳамда кичик, икки тарафлама ишлов берилган юраксимон кўл чўқмори ҳам топилган. Ушбу чўқмор микок маданияти буюмларига ўхшаб кетади. Бу топилмалар Туркманистоннинг Каспийбўйи ҳудудларида кўл чўқморлари ишлаб чиқарган одамлар илк палеолит даврининг охирларидан бошлаб яшай бошлаганлиги ҳақида гувоҳлик беради.

Ўрта Осиёда сўнги палеолит даври ёдгорликлари мусте даврига кўра камроқ аниқланган. Аммо, кейинги даврларда бу ердан кўплаб муҳим материаллар йиғилган.

Ўрта палеолит даврига оид устахоналардан бири Красноводск ярим оролидаги Красноводск-Ашхабод темир йўлининг 39-километридан топилган.

Устахона қолдиқлари ғовак кумли тепаликнинг этакларидан топилган. Топилмалар нисбатан кичик майдонда (100 м^2) аниқланган, бироқ айрим буюмлар анча катта ҳудудларга сочилиб ётади. Қадимги усталар теваарак атрофдаги тош ғўлалар ва бўлақларини йиғиб олишиб, ишлов берганлар. Чакмоқтош бўлақлари орасида кўп сонли нуклеуслар аниқланган. Уларнинг кўпчилиги гардиш шаклига эга бўлиб, улар ўрта палеолит даврининг гардишсимон ўзакларидан кескин фарқ қилади. Бироқ,

Окладников А.П. 1951. Древнейшие археологические памятники Красноводского полуострова // Труды ЮТАКЭ. Т.2. Окладников А.П. 1956а. С. 7. Палеолитическое время на Тянь-Шане и Енисее // История Киргизии. Т.1. Фрунзе. С. 102.

хали улар анчайин кўпол бўлиб, тўғри шаклларга эга эмас. Шунинг билан бирга ушбу нуклеуслар юзасида радиал эмас, балки кирраларидан бир йўналишда марказгача давом этган йўнилғи негативлари учрайди. Бундай нуклеуслар сўнги палеолитнинг бошларига оид техникага хосдир.

Материалларда орасида мусте типдаги кўпол, энли ва нотўғри елкали пластиналар ўрнига янги, анча тўғри елкали, юпка ва тор пластиналар пайдо бўлади. Бу пичиксимон пластиналар 39-километрдар топилган нуклеуслар билан бирга ётарди. Бу пластиналардан қирғиччалар ва юпка пайкон-бигизлар ясалган бўлиб, улар ёрдамида ёғоч ва суякни кесиш ҳамда бошқа гравюра ишларини бажаришда фойдаланиш мумкин бўлган. Шунингдек, бигизлар теридан дағал оёқ кийимлар, устки кийимлар ва эҳтимол, овқат сақлаш учун халта-идишлар, сумкалар тайёрлашда тешгич сифатида фойдаланиш мумкин¹⁸.

Ушбу устахонадаги призматик нуклеуслар ҳамда пластиналар умумий кўринишининг примитивлиги, нуклеуссимон қуролларнинг мавжудлиги ёдгорликнинг анчайин қадимийлигини кўрсатади. Муҳим жиҳатлардан бири шундаки, устахонада Паластиндаги илк сўнги палеолит даврига оид ғор маконларидагига ўхшаш нуклеуссимон қуроллар сериялари учрайди ва бу ёдгорликлар Ғарбий Оврўпанинг ориняк маданияти даврига мос келади¹⁹. Ёғочга ишлов беришда ва бошқа мақсадларда қўлланиладиган ушбу нуклеуссимон қуроллар Р. Невил схемаси бўйича Паластин сўнги палеолитининг энг қуйи тўртинчи қатламида пайдо бўлади. Улар Паластин сўнги палеолитнинг V ва VI фазаларидан кенг тарқалади²⁰. Рандага ўхшаш нуклеуссимон қуроллар Кавказ сўнги палеолитнинг илк фазасига ҳам характерлидир ва улар мусте даври тош буюмлари билан бирга учрайди. Шулардан келиб чиқиб, 39-

Окладников А.П. 1956а. Палеолитическое время на Тянь-Шане и Енисее // История Киргизии. Т.1. Фрунзе. С. 103.

Garrod D. The paleolithic of Southern Kurdistan. Bull. Of the Americ. School of Prehist. Research. 1935. T. VI. P. 930.

Вишняцкий Л.Б. Палеолит Средней Азии и Казахстана. Л. 1990. С. 106.

километрдан топилган устахона материалларини сўнги палеолит даврининг бошлари билан саналаш мумкин.

Красноводяримороли ғарбда Каспий денгизи, жанубда Красноводск шаҳри ва ҳозирда қуриб қолган Балхан кўрфази, шимолда Қара-Богаз-Гол бўғози билан ўралган. Яриморолнинг катта қисмини Красноводск платоси эгаллайди ва ҳудуднинг палеолит даврига оид барча топилмалари шу жойдан топилган.

Красноводск яриморолининг ўртача баландлиги - 200 м, энг баланд нуқтаси жанубда 320 м, шимолда эса — 260-280 м ни ташкил қилади. Жанубда, жануби-ғарб ва шимолда плато баланд қоялар билан ажратилган, шимоли-ғарбда эса унинг юза қисми денгиз бўйи пастликларига қараб пасайиб боради ва бу яриморолнинг ғарбий қисмида содир бўлиб, ушбу ҳудуднинг катта қисми тизилган Оқтумқум ботиғи қумлари билан қопланган. Красноводск платоси қадимги учламчи давр ётқизиклари устида ётадиган ақчагил горизонтал пластларидан тузилган²¹.

Красноводск яриморолида олиб борилган энг йирик тадқиқотлар А.П. Окладников номи билан боғлиқдир. Унинг 1947, 1949, 1950 ва 1952 йилларда олиб борган қидирув ишлари Ғарбий Туркменистоннинг тош даври ҳақидаги тарқоқ маълумотларини тўлдириш ва аниқликлар киритиш имконини берди. Тўғри, бундай маълумотлар 1947 йилдаёқ П.И. Борисковскийнинг иккита мақоласида келтирилган эди. Бироқ, улар В.В. Шумов ҳамда Н.П. Лупповалар томонидан йиғилган ва тош даврининг охирларига оид кам сонли материалларга асосланган эди²². А.П. Окладниковнинг тадқиқотларидан кейин Красноводск яриморолининг палеолитини ўрганишда чорак асрлик танаффус юзага келди ва фақат

Берг Л.С. 1929. Рельеф Туркмении // Туркмения. Т.2. Л. С. 27. Мурзаев Э.М. 1957. Физико-географическое описание и экономическая характеристика // Геология СССР. Т.22. Туркменская ССР. М. С. 42.

Борисковский П.И. 1947. К вопросу о древнейшем заселении Туркменистана // Труды Ашхабадского гос. пед. института. Вып.1. Борисковский П.И. 1947а. Палеолитические местонахождения в Туркмении // КСИИМК. Вып. 18.

ўтган асрнинг 70-80-йилларида турли тадқиқотчилар томонидан бир нечта қисқа муддатли қидирув ишлари ўтказилди²³.

Топилмаларнинг катта қисми ҳозирда Кюрятин-кюрет (баландликларнинг баландлиги) деб номланган жойдан топилган. Кюрятин-кюрет — бу ғарбда суви шўр Касқирбулоқ ва шарқда Иртик Бурун тумшуғигача масофани эгаллаган жарлик ҳамда Красноводск платосининг жанубий чеккасига бўлган ҳудудларни қамраб олади. Кюрятин-кюретининг абсолют баландлиги 130 дан 310 м оралиғида бўлиб, у ақчагилнинг бўр даври чўкиндиладидан тарқиб топган. Бу ердаги энг яхши ўрганилган майдон Янгажа ва Қара-Тенгир бекатлари, аниқроғи Красноводск - Ашхабод темир йўлининг 33-43-километрлари оралиғидир²⁴.

Тадқиқ этилган майдонда платонинг юзаси қуруқ сойларнинг қалин занжири билан ажралган ва улар денгиз бўйи пасттекислигига қараб пасайиб боради. Улар орасидан шимол-жануб жануб йўналишида, деярли параллел равишда пирамида шаклидаги ювилган ва тик жарликларга эга тепаликлар чўзилиб ётади. Ушбу жарликларда қизил рангли қатламлар устида тоғлардан оқизиб келтирилган қадимги пролювийли ётқизиклар мавжуд. Эарликлар қатламларининг пастки қисмида майда галкалар, емирилган жинслар ва охактошлардан тарқиб топган ўрта миоцен даври аралашма ётқизиклар бўлиб, уларнинг устки қисмида қаттиқ сарғиш-жигаррангли қайроқтошлар ва энг устки қисмида яшил-жигаррангли юпқа ҳамда ғовак лойсимон қумлар ётади. Ушбу қумлар устки қисми қайроқтошлар ҳамда шағаллар уюмлари билан қопланган. Улар орасида гранит, диорит ва парфирит каби вулканий жинслар кўпчиликини ташкил

Долуханов П.М. 1977. Работы в Западной Туркмении // АО 1976г. Долуханов П.М. 1985. Аридная зона Старого Света в позднем плейстоцене и голоцене // ИВГО. Т. 117. Вып.1. Любин В.П. 1984. Палеолит Туркмении //СА. N.1. Вишняцкий Л.Б., Хамракулиев С. 1986. Мастерские каменного века в районе Янгаджи // Известия АН ТССР. Серия обществ, наук. N.2. Вишняцкий Л.Б. 1989. Палеолит Красноводского полуострова // Известия АН ТССР. Серия обществ, наук. N.3. Вишняцкий Л.Б. 1989а. Изучение палеолита Средней Азии (материалы, методы, концепции) // СА. N.1. Вишняцкий Л.Б. 1989. Палеолит Красноводского полуострова // Известия АН ТССР. Серия обществ, наук. N.3.

килади²⁵. Бу ердаги қайроқтошлар орасида кулранг ва баъзан жигаррангли чакмоқтош жинсларининг бўлаклари ва ғўлалари билан бирга улардан ишланган тош куруллар ҳам учрайди. Ушбу чакмоқтошларнинг бир қисми учламчи давр қатламларидан, қолган қисми Борджокли ва Иртик-Бурун номли юра даврига оид оҳақтош қоялари қаторидан олинган.

Бу ердан йиғилган тош буюмларнинг барчаси ушбу тепаликлар юзасида сочилиб ётади. Топилмаларнинг жойлашуви турлича. Айрим жойларда буюмлар тарқок, айрим жойларда эса тош буюмлар қўплаб тўпланган. Тепаликларнинг четларига келиб топилмалар камаяди. Баъзи тепаликларда бештагача концентрациялашган тош буюмлар уюмларини учратиш мумкин. Ушбу тош буюмлар тўпланган жойларнинг майдони 3-4 м² дан бир неча ўн ёки юзлаб квадрат метргача етади. Шундай қилиб, моҳиятига кўра 33 ва 34 км лар оралиғида жойлашган Кюрянин-кюре тепаликларини ягона йирик топилмажой деб ҳисоблаш мумкин ва у Янгаджа-Қоратенгир деб аталади. Ёдгорликда турли ҳажмдаги юзлаб тўплалар ва минглаб чакмоқтош буюмлар мавжуд.

Ёдгорликда турли даврларга оид материаллар тўпланган. Бу ҳақда тош буюмларнинг морфологияси, улар юзасининг физик ҳолати, авваломбор, чўл моғори биоан қопланганлигига кўра хулоса қилиш мумкин. Паст тепаликларда учрайдиган неолит даврига оид чакмоқтош буюмларда бундай моғор бутунлай кузатилмайди. Шунингдек, моғор морфологиясига кўра палеолитдан кейинги даврларга хос бўлган буюмларда ҳам учрамайди. Моғорлашмаган буюмлар орасида қирғиччалар, неолит даври пайконлари, подпризмасимон нуклеуслар, кам сонли ва елкаси параллел равишдаги пластиналар учрайди. Йирик бифаслар, параллел ёки радиал чакмоқланган нуклеуслар эса аксинча, моғор қоплама билан қопланган. Шундай қилиб, юзаси моғор билан қопланган тош буюмлар ўзларининг анча қадимий, яъни палеолит даврига

Никитюк Л.А. 1932. Геологические и гидрогеологические исследования в восточной части Красноводского полуострова // Геологические и гидрогеологические исследования Красноводского полуострова. М-Л. С. 29.

оидлигидан далолат беради. Бироқ, уларнинг плейстоцен даври ичидаги санасини аниқлаш мушкул. Кюрянин-кюре тепалиги этакларининг яхши террасалашганлигига ва эхтимол, нафакат ушбу аккумулятив террасаларнинг, балки бу ерда кўпчиликни ташкил қиладиган абразион тепаликларнинг ҳам ёшини аниқлаш имкони бўлар²⁶ ва палеолит даври топилмалари ушбу террасалар билан боғлиқдир. Геологик жиҳатдан эса ушбу топилмаларни саналашнинг имкони йўқ. Турли даврларга оид археологик материаллар тепаликнинг турли баландликларида сочилиб ётади ва уларни геоморфологик жиҳатдан бирон бир тенденция билан боғлашнинг иложи бўлмайди.

Материаллар орасида Янгаджа-Каратенгир топилмажойининг айрим майдонларидан йиғиб олинган 20 бифасовдан иборат коллекцияси қизиқарлидир. Улар қўл чўқморлари, шунингдек, охирига етказилмаган ва типологик жиҳатдан аниқлаш қийин бўлган икки тарафлама ишлов берилган буюмлардир.

Ушбу қўл чўқморларидан бирининг устки қисми йўқ. Афтидан, бу унинг медиал қисмини юпқалаштириш жараёнида содир бўлган. Унинг дистал қисми анча синчковлик билан икки тарафлама йўнишлар орқали ишлов берилган. Шунингдек унинг қирралари ретушлаш ёрдамида ҳам ишланган (рис. II: 1). Иккинчи қўл чўқморининг ҳам проксимал қисми синган (рис. II: 2), бироқ ушбу синган жой кейинчалик буюм юзасини юпқалаштириш учун зарб майдон вазифасини ўтаган ва бу ҳолат уни бутун қурол деб қараш имконини беради. Бу чўқмор ёдгорликдан топилган кам сонли бифаслардан биридир. Бундан ташқари, тўпламда шубҳасиз тугалланган ва икки тарафлама ишлов берилган бифаслардан яна бир дона топилган. У синчковлик билан ишланган, кўндаланг кесмада линзасимон ва симметрик шаклда (рис. III: 3). Ушбу буюмга шакли ва характериға кўра яқинроқ яна иккита бифас ҳам аниқланган бўлиб, ҳажми нисбатан

Леонтьев О.К., Маев Н.Г., Рычагов Г.И. 1977. Геоморфология берегов и дна Каспийского моря. М. с. 172.

кичикрок (рис. IV: 1,2), аммо улардан бири тугалланмаган, иккинчиси эса, кирраларида ишланмаган зарб майдончаларини сақлаб қолган ва қаттиқ емирилган. Шу сабабли уни типологик жиҳатдан аниқлаш қийин. Тўпламдаги бифасларнинг қолганлари қўл чўқморларининг ёки қандайдир тош қуролларнинг тановорларидан иборат (рис. IV; V).

Ушбу бифаслар ва улар билан бирга топилган тош буюмлар топилган жойни икки тарафлама ишлов берилган бифаслар тайёрлаш учун мўлжалланган устахона дейиш мумкин. Қўл чўқморларини ўзининг морфологиясига кўра ҳамда Ўрта Осиёнинг ўрта палеолит даврига оид стратиграфиялашган ёдгорликларида қиёси бўлмаганлиги учун, гарчи уларнинг бир даврига оидлигига тўлиқ ишонч билдириш қийин бўлсада, уларни ашел даврига оид деб ҳисоблаш мумкин.

Янгаджа — Каратенгир топилмажойлари қаторига А.П. Окладников тадқиқот олиб борилган, Красноводск - Ашхабод темир йўлининг 39-41 километридан топилган пунктларни ҳам киритиш мумкин. Бу жойдаги барча топилмалар А.П. Окладников томонидан тепаликларнинг этакларидан йиғиб олинган²⁷. 39-километрдан топилган айрим буюмлар ашел даври билан саналанган. Улардан икkitасини А.П. Окладников бодомсимон ва микок типидagi қўл чўқморлари деб аниқлаган²⁸. А.П. Окладников томонидан ушбу материалларга берилган саналаш собиқ шўролар палеолитшунослигида узоқ вақт ҳукмронлик қилди. Бунга ғарб мутахассислари²⁹ ҳамда голоцен даври маданиятлари тадқиқотчиси С.П. Толстовлар қарши чиқишди. Жумладан, С.П. Толстов: “Красноводск платосидан топилган материалларни саналашда эҳтиё бўлиш лозим. Агар бу материаллар қуйи Узбойнинг неолит даври маданиятларига яқин бўлиб

Окладников А.П. 1951. Древнейшие археологические памятники Красноводского полуострова // Труды ЮТАКЭ. Т.2. С. 93.

Окладников А.П. 1956. Древнейшее прошлое Туркменистана // Труды Института истории, археологии, этнографии АН ТССР. Т.1. С. 186; Окладников А.П. 1966. Палеолит // Средняя Азия в эпоху камня и бронзы. М.-Л. С. 17.

Kleine J., 1968,. Le paleolithique et le mesolitique du Desert du Iudee. Arch. Inst. Paleont. Humanie. Mem. 24, Paris. P. 36.

чикса ҳеч хайрон қомайман”, деган эди³⁰. Кейинчалик В.П. Любин 39-километрдан топилган ушбу материаллар, асосан, қўл чўқморлари билан танишиб чиқиб, “бу қўл чўқморларидан биттаси умуман бифас эмас, иккинчиси эса, мусте типдаги кичик ҳажмли юраксимон бифасдир” деган хулосага келди³¹. Аммо, охирги таърифланган бифас анча кейинги даврлар учун ҳам хос бўлиши мумкин. Унга ҳажми ва морфологиясига кўра яқин бўлган бифас³² 1985 йилда топилган ва унинг юзаси мутлақо моғор қопламасига эга эмас³³. Афтидан, бу ҳар иккала бифаслар ҳам палеолитдан кейинги даврларга оиддир.

Аксинча, А.П. Окладников бўйича 40-41 километрда ва шунингдек, *Жанурна сойи* этакларидан ҳамда *Касқир-Булақ булоғи яқинидан* (охирги иккита пункт Янгаджа - Каратенгир топилмажойига кирмайди) топилган материаллар, афтидан, С.П. Толстовнинг танқидларига қарамасдан, ҳақиқатда ўрта палеолитга оид, деб ҳисобланиши лозим. А.П. Окладниковнинг асарида кам сонли бўлсада, расмлар ҳам бундан гувоҳлик беради³⁴. Бу ердаги топилмалар орасида гардишсимон нуклеуслар, пайконлар ва қирғичлар ҳам учрайди.

Тахминан ўрта палеолит даврига оид деб топилган кичик коллекцияни 1976 йилда П. М. Долуханов *Белек қишлоғи яқинидан йиғиб олган*³⁵. Ушбу топилмаларнинг мусте даврига ҳослиги ҳақида В.П. Любин ҳам ёзган эди³⁶.

Толстов С.П. 1958. Работы Хорезмской экспедиции АН СССР в 1949-1953гг. // Труды Хорезмской археолого-этнографической экспедиции. Т.2. с. 44.

Любин В.П. 1984. Палеолит Туркмении //СА. N.1. С. 35.

Вишняцкий Л.Б. 1990. Палелит Средней Азии и Казахстана. Л. 1990. С. 145.

Вишняцкий Л.Б., Хамракулиев С. 1986. Мастерские каменного века в районе Янгаджи // Известия АН ТССР. Серия обществ, наук. N.2. рис. 1. С. 146.

Толстов С.П. 1958. Работы Хорезмской экспедиции АН СССР в 1949-1953 гг. // Труды Хорезмской археолого-этнографической экспедиции. Т.2. с. 43. Окладников А.П. 1951. Древнейшие археологические памятники Красноводского полуострова // Труды ЮТАКЭ. Т.2. рис. 1-1, 2; 6-1, 2. С. 93.

Долуханов П.М. 1987. Палеоэкологические условия на территории Средней Азии в позднем плейстоцене и голоцене // Информационный бюллетень Международной ассоциации по изучению культур Центральной Азии. Вып. 12.

Любин В.П. 1984. Палеолит Туркмении //СА. N.1. С. 23.

Красноводск яриморолидаги сўнги палеолит даври материаллари масаласи янада қийинроқдир. П.И. Борисковскийнинг иккита мақоласида материаллар айрим қисмининг сўнги палеолитга оидлиги асослаб берилган ва бу материаллар геологлардан В.В. Шумов ҳамда Н.П. Лупповлар томонидан йиғиб олинган³⁷. А.П. Окладников эса уларнинг бундай санасини қабул қилмади. Унинг фикрича, гарчи у бу борада ўз карашларини аниқ баён этмаган бўлсада, бу масалани қайта кўриб чиқиш лозимлигини таъкидлаган³⁸. Ўз навбатида А.П. Окладников 39-40 километрлардан йиғиб олган³⁹ ҳамда Куртки кудуғи атрофидан йиғилган материалларни тахминан сўнги палеолит даврига оид, деб ҳисоблаган⁴⁰.

Тўртламчи даврнинг бошларида Кавказ, Қрим ва Жанубий Украинада бўлгани сингари Ўрта Осиёда ҳам сут эмизувчилар ва одамнинг яшаши учун қулай шарт шароитлар юзага келган⁴¹.

Плейстоценнинг иккинчи ярмига келиб, каспий денгизининг хвалин трансгрессияси бошланади Туркменистоннинг чўл зоналарида намгарчилик кучаяди ва бу ер ости сувларининг кўтарилишига, айрим жойларда шўрхок ерларнинг янада шўрлашувига олиб келди⁴².

1942-1943 йилларда Туркменистон геология бошқармаси ходимлардан В.В. Шумов ва Н.П. Лупповлар томонидан Красноводск ярим оролининг бир қанча жойларидан палеолит даврига оид материаллар йиғиб олинган ва улар ҳозирда Ашхобод музейида сақланмоқда.

Борисковский П.И. 1947. К вопросу о древнейшем заселении Туркменистана // Труды Ашхабадского гос. пед. института. Вып.1. Борисковский П.И. 1947а. Палеолитические местонахождения в Туркмении // КСИИМК. Вып. 18.

Окладников А.П. 1951. Древнейшие археологические памятники Красноводского полуострова // Труды ЮТАКЭ. Т.2. С. 102.

Окладников А.П. 1956. Древнейшее прошлое Туркменистана // Труды Института истории, археологии, этнографии АН ТССР. Т.1. С. 196-200;

Окладников А.П. 1949. Изучение древнейших археологических памятников Туркмении // КСИИМК. Вып.28. С. 68. Окладников А.П. 1951. Древнейшие археологические памятники Красноводского полуострова // Труды ЮТАКЭ. Т.2. С. 102.

Герасимов И.П. 1937. Каспийское море в четвертичный период. (К вопросу о стратиграфии древнекаспийских отложений) //Труды Советской секции Международной ассоциации по изучению четвертичного периода. Вып.3. Л.-М.

Федоров П.В. 1957. Стратиграфия четвертичных отложений и история развития Каспийского моря // Труды Геологического института АН СССР. Вып. 10.

Красноводск ярим оролидаги Тақирли топилмажойидан иккала қирралари ретушланган учиринди ва учбурчак шаклли иккита тош қурол топилган. Ушбу қуроллар мусте даври пайконларини эслатсада, бундай буюмлар Каспийбўйининг сўнги палеолит даврида ҳам учрайди. Шундай фикрларни Кийир топилжойидан топилган йирик ва қисман ретушланган пайкон ҳақида ҳам айтиш мумкин.

Эрек топилжойидан сўнги палеолитнинг охирларига оид ўнлаб тош буюмлар йиғиб олинган. Улар орасида митти учириндилар, пластинкалар синиқлари. Шунлардан тўрттаси тўғри елкали бўлиб, қирралари яхшилаб ретушланган. Шунингдек, тўпламда иккита калта ҳажмли пластиналар синиқлари учларида ишланган қирғиччлар ҳам мавжуд.

Қамишли топилмажойи Балхон бўғозининг чап соҳилида жойлашган ва ундан ўнлаб тош буюмлар топилган. Улар орасида учириндилар, пичоқсимон пластиналар, қурол сифатида ишлатилган қўпол призматик нуклеус, шунингдек, иккита йўнилғиларнинг учларида шакллантирилган қирғичча, иккита қирралари синчиклаб ретушланган пластина, битта ретушланган учиринди ва атипик кесгич қуроллар мавжуд.

Бу ердаги Ақча-қўй топилмажойидан қирралари биров ретушланган пичоқсимон пластиналардан ташқари, синган пластинанинг бурчагида шакллантирилган кесгич ва синчиклаб ретушланган пайкон топилган.

Узбойнинг ўнг қирғоғидаги Қўйи-Игди топилмажойидан қирралари ретушланган бир нечта пластина, пластинанинг медиалида шакллантирилган тош бигиз ва учбурчак пайконнинг синиғи топилган.

Ушбу топилмажойларнинг материалларини қайси давр билан саналаш лозим? Уларнинг ишлов бериш техникаси ва тош қуролларининг шакли сўнги палеолит давридан далолат беради. Аммо, уларда қадимги палеолит комплексларини ажратиш учун асос йўқ. Бироқ, сўнги палеолит учун хос бўлган нуклеуслар, пластиналар, қирғичлар, тош бигизлар, турли пайконлар мавжуд. Бу комплексларда неолит даври буюмлари – учбурчак қуроллар, трапециялар, сегментлар учрамайди.

Юқорида таъриф берилган комплексларнинг тош буюмлари Гаррод томонидан ўрганилган Ироқдаги сўнги палеолит даврига оид Зарзи ғори материалларига ўхшашдир⁴³. Шунингдек, ушбу материаллар Кавказorti сўнги палеолит даврининг учинчи фазаси⁴⁴ буюмларига ҳам ўхшашдир. Кавказorti сўнги палеолит даври комплексларида ҳам индустрияларнинг аста секин микролитлашуви кузатилади. Масалан, пластина бўлакларида куроллар шакллантирилади ва паки типигаги пайконлар пайдо бўлади. Шундай бўлсада, Туркменистоннинг материалларини Кавказorti сўнги палеолитининг қисман 3-ҳамда 2-фазалари билан, яъни мадлен даврининг охири ва азил даврининг бошлари билан саналаш мумкин.

Туркменистоннинг бу ёдгорликларини бундай саналаш геологик жиҳатдан ҳам ўз тасдиғини топади. Бу ёдгорликлар ҳозирги денгиз соҳилларидан анча йироқда, қадимги Каспийбўйи террасаларида жойлашади. Шу вақтнинг ўзида анча кейинги давр ёдгорликлари бу террасалардан анча пастроқдан топилган. Ушбу террасалар Каспийнинг хвалин трансгрессияси даврида пайдо бўлган. Қадимги Каспийнинг соҳили, хвалин трансгрессияси вюрм музлик даврига тўғри келади.

Ғарбий Туркменистон палеолит даври топилмажойларининг Ироқ ҳамда Кавказorti сўнги палеолит даври ғорлари материаллари билан ўхшашлиги, Қрим, Кавказ, Сирия, Паластин, Ироқ каби шимолий музлик олди районларининг сўнги палеолитидан фарқ қилади ва Ўртаер денгизи ёки каспий денгизи зоналарига киради. Ушбу хулоса Каспийбўйи палеолит даври ёдгорликларида суякка ишлов бериш учун ишлатиладиган кесгичларнинг деярли бутунлай учрамаслиги билан ўз тасдиғини топади.

Шубҳасиз, ушбу хулосалар ҳали атрофличадир, негаки, бу ерда маданий қатламлардан олинган материаллар йўқ ва хулосалар ҳар ер-ҳар ерлардан олинган йиғма материаллар асосида қилинади. Кейинги синчков

Garrod D. The paleolithic of Southen Kurdistan. Bull. Of the Americ. School of Prehist. Research. 1935. T. VI. P. 930.

Замятнин С.Н. 1951. О возникновении локальных различий в культуре палеолитического периода // Труды Института этнографии АН СССР. Т. 16.

тадқиқотлар Ғарбий Туркменистон ҳудудларидан тарқоқ бўлсада, сақланиб қолган маданий қатламларни аниқлаши мумкин. Шу маънода Қизил-Лой топилмажойидан топилган ҳўкиз бош чаноғининг топилиши диққатга сазовордир.

Шу маънода Небит-Дагдан 7 км масофада, Катта Балханда жойлашган ва В.В. Шумов томонидан ўрганилган Дам-Дам-Чашма ғори катта қизиқиш уйғотади.

В.В. Шумов ва Н.П. Лупповлар томонидан йиғилган ҳамда П.И. Борисковский⁴⁵ асарларида чизилган материаллар масаласида шуни айтиш мумкинки, улар Жебел ғор маконининг 5, 5а ва 6-қатламлари материалларига жуда ўхшашдир⁴⁶. Ушбу қатламлар, маълумки, неолит даври материалларини ўз ичига олади ва уларда сопол ҳам учрайди⁴⁷. Бунга ўхшаш материаллар изиллой топилмажойидан ҳам топилган⁴⁸. Шундай қилиб, П.И. Борисковский томонидан таърифланган материаллар учун кўпроқ неолит санаси мос келади.

А.П. Окладников ўрганган 39-40-километрдаги Куртки қудуғи атрофидаги материалларнинг санаси масаласи ҳозирча очиқ қолмоқда ва бунинг учун асослар етарли эмас: Ғарбий Ўрта Осиёнинг сўнги палеолити қандай кўринишга эга ва уларни қандай фарқлаш мумкинлиги ҳали маълум эмас. Аслини олганда, агар сопол учрамаса, Жебел макони айрим қатламларининг материалларини ҳам сўнги палеолитга хос дейиш мумкин бўлар эди. Темир йўлнинг 39-40-километрларидаги материалларни А.П. Окладниковнинг ўзи ҳам Эрондаги Хоту ғори материаллари билан яқинлигини таъкидлаган эди. Бироқ, ҳозирда Хоту ғори материаллари

Борисковский П.И. 1947а. Палеолитические местонахождения в Туркмении // КСИИМК. Вып. 18.

Вишняцкий Л.Б. 1989. Палеолит Красноводского полуострова // Известия АН ТССР. Серия обществ. наук. N.3.

Окладников А.П. 1958. Пещера Джебел - памятник древней культуры прикаспийских племен Туркмении // Труды ЮТАКЭ. Т.7.

Окладников А.П. 1949. Изучение древнейших археологических памятников Туркмении // КСИИМК. Вып.28. С. 69.

мезолит⁴⁹ ёки эппалеолит даври билан саналанган⁵⁰. В.А. Ранов эса, ушбу устахона материалларини олд осие сўнги палеолитининг "3-4-фазалари билан таққослаган эди"⁵¹, аниқроғи Афғонистондаги Қора-Камар горининг учинчи қатлами материаллари билан қиёслаган эди⁵², аммо, у ушбу таққослашларни шартли деб ҳисоблаган. Красноводск яриморолининг палеолит даври материалларини саналашда ана шундай етарлича асосланмаган ёки нотўғри нашрлар адабиётларда учраб туради. НА. Береговая А.А. Марущенконинг оғзаки маълумотларига асосланиб, 1943 йилда Жебел макони яқинидан чақмоқтошдан ишланган гардишсимон нуклеус ва қўл чўқмори топилганлиги ҳақида ёзади⁵³. У киши Красноводск-Жебел пункти аниқланганлиги ҳақида ҳам маълум қилади. Шу ердан, Красноводск темир йўлнинг Жебел бекатидан 73-километрда, йўлдан 50-80 м жануброқдан А.П. Окладниковнинг маълум қилишича, 1950 йилда: "галка билан қопланган тепаликдан қўпол учиринди ва нарироқдаги тақир бўйидаги қумдан неолит даври чақмоқтош буюмлари орасидан алоҳида тўдаланиб ётган гардишсимон нуклеус, пайкон ва учиринди топилган"⁵⁴. Аммо, А.П. Окладниковнинг ўз ишларида бу ҳақда маълумот учрамайди.

Мангишлак. Мангишлак — бу Каспий денгизига туташган Кара-Богаз-Гол (жанубда) ҳамда Мангишлак (шимолда) бўғозлари орасида жойлашган яриморолдир; Мангишлакнинг шарқий чеккасига Устюртнинг ғарбий чинклари туташади. Мангишлакнинг рельефи учун шўрхокли котловиналардан ташқари пасттоғлар (шимолда Қаратау) ҳамда жануби шарқда Қаринжарик ва ғарбда Қарагие ёпиқ ботиклари ҳам характерлидир. Платонинг баландлиги асосан сармат даври оҳақтошларидан иборат бўлиб,

Ранов В.А. 1978. Палеолит Переднеазиатских нагорий // Палеолит Ближнего и Среднего Востока. Л. Забек-Коогоз, 1974, с. 58.

[Забек-Коогоз, 1986, с. 32]

Ранов В.А. 1973. Шугноу - многослойная палеолитическая стоянка в верховьях р. Яхсу (раскопки 1969-1970гг.) // АРТ. Вып. 10. С. 62.

Ранов В.А. 1964. О связях культур палеолита Средней Азии и некоторых стран зарубежного Востока. М. С. 4.

Береговая Н.А. 1984. Палеолитические местонахождения СССР. Л. С. 40.

Кўрсатилган адабиёт.

70 дан 300 м гача ораликда, Қаратау тизмасы эса 550 м гача етади. Қарагие ботиғининг чуқурлиги 132 м.

Мангишлакдаги палеолит даврига оид топилмалар унинг шимоли-ғарбий ҳудудларида ҳамда Мангишлакнинг бир қисми бўлган Сариташ бўғози қирғоқларида аниқланган (Тюбкараган яримороли). А.Г. Медоевнинг маълум қилишича, Мангишлакнинг кремнийлашган конкрециялар мавжуд бўлган барча ҳудудларидан аниқланган, бироқ улар тадқиқ этилмаган ва асосий эътибор Сариташ бўғози маконларини ўрганишга қаратилган⁵⁵. Чоп қилинган нашрлар ушбу ҳудуднинг палеолит ҳақида айрим маълумотларни беради холос.

Шахбагата ҳамда Кумакале топилмажойларидан йиғилган тош буюмлар коллекцияси А.Г. Медоев томонидан ўрганилган⁵⁶. Шахбагата сойининг қуруқ ўзани жануб-шимоли йўналиши бўйлаб чўзилган. У Тюбкараган платосидан бошланиб, Сариташ кўрфазига келиб қуйилади. Бу ердан материаллар Шахбагата қудуғи яқинидаги қадимги денгиз террасасидан, ушбу террасага туташган сой тубидан ва атрофдаги бошқа қатор пунктлардан йиғиб олинган. Хом-ашё сифатида тўқ кулрангли чакмоқтошдан фойдаланилган. Артефактлар орасида нуклеуслар ва кўплаб йўнилғилар алоҳида ажралиб туради. Тош қуроллар кўп эмас ва улар орасида бифаслар, қўл чўқморлари шу жумладан, диққатга сазовордир⁵⁷.

А.Г. Медоев бу ердаги тадқиқ қилинган коллекцияларни бир қатор хронологик комплексларга ажратган. Улардан энг қадимгисини — протолеваллуа-ашел комплексини — сўнги плиоцен даври билан саналади ва уни олдувой билан тенгош деб ҳисоблади⁵⁸. Қадимги ва ўрта плейстоцен даврига у 1 ва 2-леваллуа-ашел комплексларини, сўнги плейстоцен даврига эса, Шахбагата 1 ва 2 комплексларини киритди. Биринчи ва иккинчи

Медоев А.Г. 1982. Геохронология палеолита Казахстана. Алма-Ата. С. 14.

Медоев А.Г. 1972. Радиальная система изготовления нуклеусов леваллуа в древнем палеолите Сары-Арка и Мангышлака // Поиски и раскопки в Казахстане. Алма-Ата. М. С. 17. Медоев А.Г. 1982. Геохронология палеолита Казахстана. Алма-Ата. С. 22.

Медоев А.Г. 1982. Геохронология палеолита Казахстана. Алма-Ата. рис. 6, 14.

Медоев А.Г. 1980. Ориентиры древности. Декоративное искусство СССР. N.2. С. 622.

Медоев А. Г. 1980а. Проблемы палеолита Казахстана (начальный этап). М. С. 16.

леваллуа-ашел босқичларига Шахбагатага параллел равишда чўзилган ва ундан 10 км шарқроқда жойлашган Кумакапесойдан топилган айрим пунктлар материаллари ҳам киритилди. Кумакапедан топилган материаллар ҳам Шахбагата материалларига ўхшашдир.

Ҳар иккала топилмажойларнинг ҳам материаллари сони жуда кўп сонли ва жиддий ўрганишни талаб қилади. Ушбу материалларнинг бир қисмини кўриб чиққан Л.Б. Вишняцкийнинг фикрича, материалларнинг айрим қисми ҳақиқатдан илк палеолит даврига оид бўлиши мумкин (биринчи навбатда қўл чўқморлари), аммо, уларнинг катта қисми анча кейинги даврларга оид бўлиши мумкин⁵⁹. Жумладан, баъзан леваллуа ўзақлари деб аниқланган кўндаланг елкали ва учбурчак шаклли нуклеусларнинг тановорлари неолит даврига оиддир. Шахбагата ва Кумакапе — авваломбор, чақмоқтош конлари атрофида жойлашган ва тошларни бирлами ишлов беришга мўлжалланган устахоналардир. Уларни саналашда ушбу хусусиятни ёддан чиқармаслик лозим.

Саритош кўрфази қирғоқларидан топилган археологик материалларнинг санаси ҳам мунозоралидир. А.Г. Медоев улардан энг қадимгиларини сўнги миоцен ёки ақчагил денгиз террасаси билан боғлаган. Аммо, ақчагил ва апшерон даврларида Каспий денгизи соҳиллари ҳозиргидан анча ғарброқда жойлашган бўлган⁶⁰ ва бу ўша пайтларда одам яшаши эҳтимолини инкор этади. Афтидан, сўз бораётган терраса илк хвалин даврига оид бўлиши ҳам эҳтимолдан холи эмас⁶¹. Ушбу террасани саналашда А.Г. Медоев археологик материалларнинг қадимийлигига ҳаддан ташқари ошиқча баҳо бериб юборган ва шу боисдан уларнинг ёши нотўғри қадимийлаштирилган.

Вишняцкий Л.Б. 1987. Палеолитическое местонахождение Га-Куш в Туркмении // КСИА. Вып.189. С.107.

Леонтьев О.К., Маев Н.Г., Рычагов Г.И. 1977. Геоморфология берегов и дна Каспийского моря. М. с. 161-168.

Федоров П.В. 1957. Стратиграфия четвертичных отложений и история развития Каспийского моря // Труды Геологического института АН СССР. Вып. 10. Леонтьев О.К., Маев Н.Г., Рычагов Г.И. 1977. Геоморфология берегов и дна Каспийского моря. М. С. 641.

Ж. К. Таймагамбетов 1985 йилда ушбу ҳудудлар кидирув ишлари олиб борди ва Онежек 1-7 деб номланган бир қатор пунктлардан материал йиғиб олди⁶². Топилмалар денгиз террасаларининг юза қисми ҳамда сойларнинг қирғоқларидан йиғиб олинди. Материаллар орасида нуклеуслар, йўнилғилар мавжуд бўлиб, иккиламчи ишлов берилган буюмлар жуда кам. Бифаслар мавжуд. Топилмалар йиғилган жойларда чакмоқтош конларининг сероблиги аниқланган. Афтидан, ушбу материаллар хронологик, типологик ва ҳудудий жиҳатдан А.Г. Медоев коллекцияларига ўхшаш ва юқорида таъкидланган фикрлар ушбу материалларга ҳам тааллуқлидир.

Голоцен даврига келиб Узбой ва Сарикамиш атрофларига ибтидоий одамлар келиб ўрнаша бошлайди. Умуман, эраиздан аввалги IV – III минг йилликларда Амударё сувлари Сарикамиш дельтасини тўлдириб, Каспий денгизигача етиб борган. Сувнинг асосий қисми милоддан аввалги II минг йиллик қадар ғарбга – Сарикамиш бўйи дельтаси томонга оққан.

Таймагамбетов Ж.К. 1987. Проблемы палеолита Западного Казахстана // Задачи советской археологии. Суздаль.

Матякубов Х. Амударё куйи хавзаларининг қадимги табиий – географик ҳолати ва антропоген ландшафтининг шаклланиши \ ИМКУ. 37. 2012. С.199.

III БОБ. Шарқий Каспийбўйи мезолит даври ёдгорликлари

Шарқий Каспийбўйининг мезолит даври ёдгорликлари Красноводск яримороли (Жебел ғори, Қасқирбулок), Қорабуғозбўйи (Хўжасу 1, Дефе-Чеганак), Балханбўйи (Кайлю, Дам-Дам-Чашма 1 ва 2 ғорлари, Қараилем макони), қуйи Узбой (Келкор ва Актам топилмажойлари, Сенгражи 1 ва бошқалар) каби ҳудудларда концентрациялашган. Ҳозирда бу ерда 30 га яқин топилмажойлар ва 4 та кўп қатламли ғорлар мавжуд: Жебел, Кайлю, Дам-Дам-Чашма 1 ва 2 ғорлари. Ушбу ёдгорликларнинг материаллари нафақат Ўрта Осиё, балки бутун Яқин Шарқ ҳудудлари мезолит даври материалларини ўрганишда асосий аҳамиятга эгадир.

Дам-Дам-Чашма 2 ғорини дастлабки ўрганиш ишлари 1947 йилда А.П. Окладников томонидан амалга оширилган⁶³. 1963-1964 йилларда ёдгорликда тадқиқотлар Г.Е. Марков томонидан давом эттирилди⁶⁴. Ғорнинг катта қисми 250 м² жойи тагигача, яъни қояли полигача очилди. Натижада 9 та маданий қатлам аниқланган бўлиб, улардан 8-5-қатламлар мезолит даврига оид деб топилди. Г.Ф. Коробкованинг фикрича, ғорнинг 4-маданий қатламини ҳам мезолит даври билан саналаш мумкин⁶⁵. 4-маданий қатлам қуйидаги 8-5 қатламлар билан бирга бир хил қизил тупроқда ётиши ва материалларининг ўхшашлиги туфайли ягона қатламлар пачкасига бирлаштирилган эди. Ушбу 4-қатлам иккига: юқори ва қуйи қатламчаларга ажратилган бўлиб, унинг юқори қисми стратиграфик жойлашуви, индустриясининг типологияси ва қўшни

Окладников А.П. Изучение каменного века в Туркмении. (по данным работ 9-отряда ЮТАКЭ в 1952 г.) ИАН ТССР. Ашхабад. 2. 1953. С. 17.

Марков Г.Е. Грот Дам-Дам-Чешме в Восточном Прикаспии \\\ СА. 2. 1966а. Марков Г.Е. Раскопки памятника первобытной культуры в Западном Туркмении – грота Дам-Дам-Чешме 2 \\\ ИАН ТССР. 2. 1966б.

Коробкова Г.Ф. Проблема культур и локальных вариантов в мезолит е и неолите Средней Азии\\ КСИА. 122. 1970. Коробкова Г.Ф. Проблема культур и локальных вариантов в мезолит е и неолите Средней Азии: (по материалам каменной индустрии) \\\ СА. 3. 1975.

синхрон ёдгорликлар билан қиёслаш асосида мезолит даврига оид деб топилган.

1978 йилда ғор Г.Е. Марков ва С. Хамроқулиевлар томонидан яна ўрганилган⁶⁶. Олинган натижалар ёдгорлик ҳақидаги тасаввурларимизни иўлдирди.

1949-1950 йилларда А.П. Окладников томонидан Жебел ғорида казиш ишлари олиб борилди ва ундан 10 та маданий қатлам аниқланди. Шулардан 8-7-қатламлар мезолит даврининг сўнги босқичлари билан саналанди⁶⁷. Бир неча йиллардан сўнг Дам-Дам-Чашма 1 ғорида казиш ишлари ўтказилди⁶⁸. 1970-1971 йилларда ғор Г.Е. Марков томонидан тўлиқ казиб ўрганилди⁶⁹. А.П. Окладниковнинг хулосасига кўра, ғорда 6 та маданий қатлам, Г.Е. Марковнинг айтишича, ёдгорликда фақат 5 та маданий қатлам бўлиб, у ҳам бўлса ғорнинг марказий қисмида аниқланган. Ғор перифериясида 4 та ва чеккаларида 2 та маданий қатлам сақланиб қолган. Улардан мезолит даврига қуйи 5-қатлам ҳамда 4-қатламнинг қуйи ва ўрта горизонтлари киритилган⁷⁰. Г.Ф. Коробкованинг фикрига кўра, 4-маданий қатламни горизонтларга ажратишнинг ҳожати йўқ, негаки, материаллар ушбу қатламнинг бор бўйида учрайди.

Хамрақулиев С. Новые исследования в гроте Дам-Дам-Чешме 2 \\\ ИАН ТССР. Сер. Обществ. 6. 1979. Хамрақулиев С. Каменный век Прибалханья: (Восточный Прикаспий): автореф. дисс. к.и.н.М.: 1981.

Окладников А.П. Решера Джебел – памятник древней культуры Прикаспийских племен \\\ ТЮТАКЭ. 7. 1956а.

Окладников А.П. Древнейшие археологические памятники Красноводского полуострова. ТЮТАКЭ. 2. 1981. Окладников А.П. Изучение памятников каменного века в Туркмении (по данным работ 9-го отряда ЮТАКЭ в 1952 г.). \\\ ИАН ТССР. Ашхабад. 2. 1981.

Марков Г.Е. Памятники каменного века Западной Туркмении и проблема типологии археологических культур в мезолите и неолите \\\ ИМКУ. 12. 1975. Марков Г.Е. Памятники первобытности в Восточном Прикаспии – грот Дам-Дам-Чешме 1 \\\ ВМГУ. Сер. 8. История 3. 1981. С. 13.

Марков Г.Е., Дурдыев Б.М. Новые исследования первобытных памятников в Прикаспии. \\\ [Каракумские](#) древности. Ашхабад. 5. 1977. Марков Г.Е. Памятники первобытности в Восточном Прикаспии – грот Дам-Дам-Чешме 1 \\\ ВМГУ. Сер. 8. История 3. 1981. С. 15.

Шундай қилиб, Шарқий Каспийбўйининг мезолит даври Жебел ғорининг 8-7 қатламлари, Дам-Дам-Чашма 2 ғорининг 8-4-қатламлари, Дам-Дам-Чашма 1 ғорининг 4-қатлами, Кайлю ғорининг қуйи қатлами ва кўплаб топилмажойлар материалларидан иборатдир. Бу ердаги ғорларни казиш ишлари ва тўпланган материаллар Каспийбўйи мезолитининг маданий-даврий манзарасини тиклаш имконини беради ҳамда Ўрта Осиё ва Яқин Шарқ мезолит даври комплексларининг хронологияси ва даврлаштириш масалаларига таянч бўлган стратиграфияни беради. Ушбу материалларни таҳлил қилиш ва уларни Яқин Шарқдаги мезолит комплекслари билан таққослаш Шарқий Каспийбўйи ҳудудларида икки гуруҳ ёдгорликларни ажратиш имконини берди⁷¹ Ушбу гуруҳлардан бири шартли равишда балханбўйи гуруҳи деб номланиб, ўзида Дам-Дам-Чашма 2 ғорининг 8-4 қатламлари, Жебелнинг 8-7 қатламлари, Қасқирбулоқ ва бошқа топилмажойлар материалларини бирлаштиради⁷². Бу гуруҳ индустриялари микролитлашган элементга эга пластинасимон чакмоқлаш техникаси билан характерланади. Уларнинг асосий тановорлари эни 1,2-3,7 см бўлган йирик ва ўрта ҳажмли ва нотўғри елкали пластиналар ҳамда баъзан йирик учириндилардир. Ушбу гуруҳ индустрияларининг иккиламчи ишланган бумлари орасида тановорнинг фақат иш юзасигагина қисман амалга оширилган ўткирлаштирувчи серзирапча ретушлаш характерлидир. Ирш куроллари орасида йирик, қалин ва симметрик ёки бироз ассиметрик ҳамда ёнлар қия ёки бироз қиялашган трапециялар, бундан ташқари, нотўғри елкали учбурчак куроллар кўпчиликти ташкил қилади. Шунингдек, йирик пластиналарнинг учларида шакллантирилган тик ва қия, баъзан иккиёқлама қирғиччалар, нуклеуссимон куроллар, баъзан

Коробкова Г.Ф. Культуры Средней Азии в эпоху мезолита и неолита. Проблемы Археологии Средней Азии. ТД и сообщ. к совещанию по археологии Средней Азии. (1-7 апрель. , 1968 г.). Л.: 1968. С. 15, 16; Коробкова Г.Ф. Мезолит Средней Азии и его особенности. КСИА. 149. 1977. С. 109, 112.

Борисковский П.И. К вопросу о древнейшем заселении Туркменистана \ \ Тр. Ашхабадского унив-та. 1. 1947а. Борисковский П.И. Палеолитические местонахождения в Туркмении \ \ КСИИМК . 18. 1947б.

юмалоқ ёки учириндиларнинг уч қисмларида шакллантирилган қирғиччалар типикдир. Асосий ўринни учлари чуқур ўйиб ишланган пластиналар – тош рандалар асосий ўрин тутати. Бундан ташқари учлари махсус ажратилган бигизлар ҳам учрайди ва улар кўпинча тановорларнинг бурчак қисмларида шакллантирилган. Тўпламларнинг нуклеуслари йирик, гардишсимон, кесилган конуссимон ва бир юзаси ишлов берилган ҳамда кўпинча зарб майдони текисланган призмасимондир.

Кўриб чиқиладиган гуруҳнинг материаллари ҳозирги Эрон ҳудудларида жойлашган Жанубий Каспийбўйидаги Гари-Камарбанд ғорининг қуйи қатламлари (28-22-қатламлари) индустриялари⁷³ ҳамда Хоту ғори материаллари билан ўхшашдир⁷⁴. Бундай ўхшашликлар ёдгорликлардаги маданий қатламлар стратиграфик ҳолатининг ўхшашлиги, геометрик микролитлар нисбати, ҳажми ва пропорцияларининг яқинлигида, тошларга иккиламчи ишлов беришнинг чекланганлигида, йирик пластина бўлақларининг учларида ишланган қирғиччаларнинг мавжудлигида, учириндилардан ишланган йирик ва қалин иш қиррали қирғиччаларнинг борлигида ҳамда микропластинкаларнинг кам сонлилигида акс этади. Аммо, умуман олганда, Шарқий Каспийбўйи мезолитининг индустрияси ўзига хосликларга ҳам эга. Балханбўйи ёдгорликлари трапецияларининг шакли ва ишланиш техникаси Яқин Шарқда ўхшаши йўқдир. Шарқий Каспийбўйи ёдгорликларида Гари-Камарбанддаги сингари учлари симметрик ўйиб-кертиб ишланган пластиналар учрамайди. Шунингдек, уларнинг ретушлаш техникаси, асосий тош буюмларнинг тановорлари ва уларнинг таркиби ҳам фарқ қилади. Шундай қилиб кўриб чиқиладиган гуруҳларнинг ўзига хослиги, улар индустрияларидаги тош қуроллар типларининг, иккиламчи ишлов бериш ва тановорларнинг барқарор такрорланиши ҳамда маконларнинг маълум ҳудудларда

Coon J. G. 1951. Cave explorations in Iran, 1949. Philadelphia. P. 68-76.
Кўрсатилган адабиёт. P. 254-256.

концентрациялашуви Г.Ф. Коробковага Балханбўйи номи билан аталадиган алоҳида маданиятга ажратиш имконини берди⁷⁵. Ушбу маданиятнинг генезиси маҳаллий сўнги палеолит даврига бориб тақалади ва бу сўнги палеолит даврига оид қатлам Дам-дам-Чашма 2 маконининг 9-маданий қатламида ўз ифодасини топган бўлиб, шунинг билан ушбу маданият узлуксиз тараққий этган, дейиш мумкин.

Шарқий Каспийбўйида жойлашган даврига оид иккинчи гуруҳ ёдгорликлар шартли равишда зарзий типдаги Каспийбўйи мезолити маданияти деб номланган. Ушбу гуруҳ Кайлю ғорининг қуйи қатламларини, Дам-Дам-Чашма 1 ғорининг 4-маданий қатламини ҳамда Хўжа-сув макони ва бошқа топилмажойлар материалларини камраб олади⁷⁶.

Бу гуруҳнинг индустрияси, биринчи гуруҳда бўлгани сингари пластиналар ишлаб чиқариш техникаси билан характерланади. Аммо, улар биринчи гуруҳ индустрияларидан микролитли хусусиятларининг кўплиги, тановорлар ҳамда асосий тош қуролларининг бошқачалиги билан ажралиб туради. Тановорлар орасида етакчи формалар тўғри елкали, узунчоқ ва йирик пластиналар, микропластинкалар ва учириндилардан иборат. Иккиламчи ишлов беришда бутун периферия бўйлаб ёки қирраларини ўтмаслаштирувчи ретуш бериш кенг қўлланилган. Тош қуроллари орасида тик ҳамда ўтмаслаштирувчи ретуш билан ишлов берилган ассиметрик, узунчоқ учбурчак қуроллар ва чўзинчоқ сегментлар катта ўрин эгаллайди. Трапециялар кам сонли бўлиб, улар ёнлари ўта эгилганлиги ёки узунчоқ пропорциялари билан ажралиб туради. Бу комплексларни паки типдаги пичоқлар, қирралари ўтмаслаштирилган микропластинкалар, учлари қиялаштирилган микропластинкалар, юмалок, нуклеуссимон ва йўнилғи учоарида шакллантирилган қирғиччаларнинг мавжудлиги билан

Коробкова Г.Ф. Памятники с яниславскими элементами на территории СССР. // Памятники древнейшей истории Евразии. М. 1975. С. 23.

Коробкова Г.Ф., Крижевская Л.Я., Мендельштам А.М. К вопросу о неолите Прикаспия // История, этнография и археология Средней Азии. М.: 1968. С. 53-56.

характерланади. Йўнилғиларнинг учларида шакллантирилган қирғиччалар асосан проксимали юпқалаштирилган ва бутун пластиналардан ишланган. Тўпламлардаги тош рандалар кўплаб ўйиб-кертишлар ёрдамида шакллантирилган. Тўпламнинг нуклеуслари қаламсимон, призматик ва конуссимон шаклдир. Бифасиал ишлов берилган тиғлар ҳам мавжуд.

Кўпгина мутахассислар Каспийбўйи мезолитини зарзий типдаги мезолит даври комплекслари билан ўхшашлигини таъкидлаганлар⁷⁷. Аммо, фикримизча, зарзий мезолити билан Каспийбўйининг иккинчи гуруҳ ёдгорликлари материаллари яқин ўхшашликларга эга. Бу ҳақда Зарзи, Хазар-Мердом, Шанидар (В2 қатлами), Па-Сангаром каби ёдгорликлар материаллари билан ўхшашликлар гувоҳлик беради⁷⁸. Улар ўртасида чақмоқлаш ва тошга ишлов бериш техникалари, қатор қуролларнинг типлари ва пропорциялари ҳам ўхшаш. Ҳар иккала индустриялар учун ҳам калта чўзилган учбурчак қуроллар, сегментлар, айрим эгик ретушланган қиррали трапециялар, қирралари ўтмаслаштирилган ва учлари қиялаштирилган микропластинкалар, кўп ўйиб-кертилган рандалар, паки типдаги пайконлар, йўнилғиларнинг учларида шакллантирилган, юмалок, нуклеуссимон қирғиччалар, микроқирғиччалар ва призматик шаклдаги тўғри елкали пластиналар характерлидир.

Бир вақтнинг ўзида иккинчи гуруҳ материаллари зарий мезолитидан ўзига хослиги билан ҳам ажралиб туради. Бу комплексларда кесгичлар ва қирралари ўйиб-кертилган пайконлар учрамайди. Яқин шарқда тош қуролларни ясашда кўпинча тик қарама-қарши ретушлаш қўлланилган, Каспийбўйида эса, бир тарафлама ретушлаш русм бўлган. Таъкидланган

Борисковский П.И. К вопросу о древнейшем заселении Туркменистана // Тр. Ашхабадского унив-та. 1. 1947а. Борисковский П.И. Палеолитические местонахождения в Туркмении // КСИИМК. 18. 1947б. Марков Г.Е. Грот Дам-Дам-Чешме в Восточном Прикаспии // СА. 2. 1966а. С. 118. Массон В.М. К вопросу о мезолите Передней Азии // У истоков древних культур: (эпоха мезолита) // МИА. М.-Л. 176. 1966. С. 168.

Garrod D.A. 1930. The paleolithic of Southern Kurdistan excavations in the caves of Zarzi and Hazar Merd. BASOR, New Haven. 6. P. 24-30; Braidwood R., Howe B. 1960. Prehistoric investigations in iraki Kurdistan. SAOS. 3. P. 27-29; Garrod D. A., Clarc J.G.D., 1965. Primitive man in Egypt, Western Asia and Europe. Cambridge. 1. P. 20-22.

ўхшашликлар илгари зарзий маданиятининг таъсири деб ҳисобланган⁷⁹. Ҳозирда Дам-Дам-Чашма 1 маконида олиб борилган қазилар ҳамда мезолитдан неолит даврига ўтиш даври билан саналанган Баш-Кериз, Таш-Арват, Қара-лемата-Сай ёдгорликларидан йиғилган материаллар асосида⁸⁰ ушбу маданий комплекснинг анчайин ўзига хос эканлиги ва унинг зарзий маданияти техник анъаналаридан мустақил тараққий қилганлиги ҳақида гапириш мумкин. Шунинг учун ҳам локализациялашуви ва ўзига хос индустрияга эга ушбу комплексларнинг маданий хослигини номини аниқлаш зарурати пайдо бўлди. Кўриб чиқиладиган комплексни шартли равишда шарқийкаспийбўйи маданияти деб аташ мумкин. Унинг генезиси масалалари узоқ вақт номаълум бўлиб қолди. Дам-Дам-Чашма 1 маконида олиб борилган кенг кўламли қазилар ишлари ва материалларнинг чоп этилишидан⁸¹ кейин ушбу гуруҳдаги ёдгорликларнинг генетик боғлиқликлари масаласини кузатиш имкониятлари пайдо бўлди. Қиёслаш мақсадида ушбу ғор маконининг 4 ва 5 қатламлари материаллари олинди. Гарчи 5-қатламнинг тош буюмлари атиги 115 та бўлса ҳам улар ушбу ёрқин комплекс ҳақида тўлиқ маълумотларни беради. 4 ва 5-қатламлар материалларини таққослаш натижаларига кўра улар хайратланарли даражада ўхшашдир. Ҳар иккала қатламларнинг чақмоқлаш техникасида ҳам учириндилар кўпчиликни ташкил қилади – 78,9 ва 81,6 %, пластинасимон элементлар эса 21,1 ва 18,4 % дан таркиб топади. Пластиналари орасида микропластинкалар жуда кам сонли. Ушбу қатламларнинг тош қуроллари ҳам ўхшашдир. Комплексларда пластиналарнинг пластиналарнинг ҳар иккала қирраларига берилган ўтмаслаштирувчи ретушлари билан ҳам ўхшаш кўриниш касб этади. Тош

Коробкова Г.Ф. Мезолит Средней Азии и его особенности. КСИА. 149. 1977. С. 109, 112.

Коробкова Г.Ф. Орудия труда и хозяйства неолитических племен Средней Азии. [ВМИА](#) М. 158. 1969. С. 92-96.

Марков Г.Е. Памятники первобытности в Восточном Прикаспии – грот Дам-Дам-Чешме 1 \ ВМГУ. Сер. 8. История 3. 1981. С. 13.

куроллари орасида қирғиччалар, ўйиб-кертиб ишланган пластиналар, ретушланган учиринди ва пластиналар ҳар иккала комплексларда ҳам бир хил нисбатларга эга (15, - 15,8 % - қирғиччалар, 18,6 – 10,5 % - ўйиб-кертиб ишланган пластиналар, 39 – 26,3 % - ретушланган пластиналар, 19,5 – 36,8 – ретушланган учириндилар).

Айрим типлар ўртасидаги нисбий тафовутлар ва айрим қуролларнинг у ёки бу комплексида учрамаслиги афтидан, 4 ва 5-қатламларнинг даврий жиҳатдан турличалиги билан боғлиқ. Негаки 5-қатлам нисбатан қадимийроқдир. Г.Ф. Коробкованинг фикрича, 5-қатлам 4-қатламдаги тановорлар, ретушлар ва тош буюмларига кўра ўхшашликлари билан бирга, унда геометрик микролитлар йўқ. Улар фақат юқоридаги 4-маданий қатламда қайд қилинган. Шунингдек, 4-қатламда кўпол ишланган пайкон ва айрим учлари қтылаштирилган микропластиналар ҳам фақат 4-қатламда учрайди. 4-қатламнинг юқорида айтилган учта таркибий элементлари ғорнинг қуйи қатламларида акс этган маҳаллий техник анъаналар тараққиётининг натижасидир. Шу маънода, Дам-Дам-Чашма 1 макони 6-қатламининг индустрияси сўнги палеолит даврига хослигига ҳеч ким шубҳа қилмайдиган Дам-Дам-Чашма 2 маконининг 9-қатлами материаллари билан босқич жиҳатидан қиёсланиши мумкин. Ушбу ҳар иккала қатламларни уларнинг ғордаги қояли полга яқин ҳамда қайроқтошлар билан аралаш ҳолда ётганлигини ҳисобга олиб, сўнги палеолит даврининг охирлари билан саналаш мумкин.

Дам-Дам-Чашма 1 маконининг 4-қатлами материалларига эътибор қаратсак, унда қуйидаги қатламлар индустрияларига нисбатан эволюцион ўзгаришларни кузатамиз. Ушбу қатламга келиб дастлабки геометрик қуролар – йирик, қалин учбурчаксимон қурол ва иккита чўзинчоқ сегмент, кўпол найза учлари шулар жумласидандир. Ушбу қатламда пластиналар, жумладан, ўйиб-кертиб ишланган ва ретушланган пластиналар сони ортиб боради. Босқич жиҳатидан бу қатлам Дам-Дам-Чашма 2 маконининг 7 қатлами билан мос келади. Дам-Дам-Чашма 2 маконининг 7 қатламида

йирик ва қалин пропорцияли битта трапеция учраган. Бу тош қуролларнинг геометризациялашув вақти бўлиб, Шарқий Каспий бўйида бу мезолит даврига тўғри келади.

Шундай қилиб, Шарқий Каспийбўйи комплексларининг генезисини Дам-Дам-Чашма 1 маконининг 5 қатлами материаллари каби маҳаллий маданиятлардан ахтариш керак.

Шарқий Каспийбўйидаги ҳар иккала гуруҳ материалларини кўриб чиқишда савол туғилади: улар ягона мезолит даври маданиятининг турли босқичларига оидми ёки пайдо бўлиши ва тараққий қилиши мустақил бўлган турли маданиятларга хос ёдгорликларми? Бу саволга жавоб бир хил эмас. Бу борада археологик адабиётларда учта нуқтаи назар мавжуд. Биринчи фикр, Г.Ф. Коробкова томонидан илгари сурилган бўлиб, унда икки турдаги комплексларнинг – балханбўйи ҳамда зарзий типидagi Каспийбўйи маданиятларининг ҳукм сурганлиги таъкидланади⁸². Г.Ф. Коробкова ўз фикрига далил сифатида ҳар иккала комплекснинг стратиграфиясини ва индустриясининг қиёсий характеристикасини ҳамда уларни яқин атрофдаги материаллар билан таққослаш натижаларини келтиради. улар ўртасидаги тафовутлар яққол кўриниб туради ва бу ҳолат уларнинг турли маданиятларга хослигини кўрсатади. Кейинги йилларда пайдо бўлган ва Ў.И. Исломов қўллаб-қувватлаган иккинчи нуқтаи-назарга кўра, Шарқий Каспийбўйида балханбўйи номи билан машҳур ягона мезолит даври маданияти ҳукм сурган⁸³. Аммо, ушбу фикрни исботлаш учун муаллиф ҳеч қандай исбот келтирмайди. Маданиятларнинг характеристикаси умумлашган ҳолда берилган ва белгилар системаси йўқ. Ў.И. исломов истихода қилаётган буюмлар умумий, йиғма характерда бўлиб, ягона маданиятга бирлаштирилган конкрет ёдгорликларнинг

Коробкова Г.Ф. Проблема культур и локальных вариантов в мезолите и неолите Средней Азии // КСИА. 122. 1970. С. 23-23. Коробкова Г.Ф. Памятники с яниславскими элементами на территории СССР. // Памятники древнейшей истории Евразии. М. 1975. С. 23.

Исламов У.И. Мезолит Средней Азии. Автореф. Докт. Дисс. Новосибирск. 1977. С. 27.

индустрияларига ҳар доим ҳам мос келмайди. Учинчи нуқтаи-назар Г.Е. Марков ҳамда унинг ўқувчиси С. Ҳамроқуловлар томонидан илгари сурилган бўлиб, унда Шарқий Каспийбўйида мезолит даврига оид балханбўйи маданияти ҳукм сурганлиги айтилади⁸⁴.

Аммо, қандай конкрет маданиятлар, уларга қандай конкрет материаллар кириши ва улар нима билан характерланиши масаласи ноаниқ бўлиб қолмоқда. Г.Е. Марков томонидан Шарқий ва Жанубий Каспийбўйларини, Марказий Эрон ва Шимолий Ироқни бирлаштирган ҳудудларда тош даврида “Каспий археологик вилояти” этномаданий кардош элатлар яшаганлиги ҳақидаги фикри қизиқарлидир⁸⁵. Шарқий Каспийбўйи мезолит комплексларини Яқин Шарқнинг синхрон ёдгорликлари билан солиштиришнинг кўрсатишича, улар ўртасидаги маълум ўхшашликлар бир томондан, маданий алоқаларнинг мавжуд бўлганлигини, иккинчи томондан, уларнинг келиб чиқиши жиҳатидан умумий илдизларга эга эканлигини кўрсатди. Шу маънода Дам-Дам-Чашма 1 макони 4-5-қатламлари комплексларининг Зарзи типига, Палегавра ҳамда Шанидарнинг В2 қатламлари билан ўхшашлиги диққатга сазовордир. Улар Шарқий Каспийбўйи ҳамда Яқин Шарқ мезолит даври қабилалари ўртасидаги маданий алоқаларни кўрсатиши мумкин. Зарзи маданиятининг шимолда Каспийбўйи мезолити билан алоқалари ҳақида Р. Брейдвуд, Б. Хаув ва Смитлар ҳам таъкидлаган эди⁸⁶.

Марков Г.Е. Памятники первобытности в Восточном Прикаспии – грот Дам-Дам-Чешме 1 \ \ ВМГУ. Сер. 8. История 3. 1981. С. 13. Ҳамроқулиев С. Каменный век Прибалханы: (Восточный Прикаспий): автореф. дисс. к.и.н.М.: 1981. С. 8-9.

Марков Г.Е. Памятники каменного века Западной Туркмении и проблема типологии археологических культур в мезолите и неолите \ \ ИМКУ. 12. 1975. С. 67. Марков Г.Е. Проблема сравнительной археологической и этнографической типологии культур \ \ [Проблемы](#) типологии и этнографии. М. 1979. С. 153-154. Марков Г.Е. Памятники первобытности в Восточном Прикаспии – грот Дам-Дам-Чешме 1 \ \ ВМГУ. Сер. 8. История 3. 1981. С. 53-54.

Braidwood R., Howe B. 1960. Prehistoric investigations in iraki Kurdistan. SAOS. 3. P. 157; Smith Ph. E.L. 1971. The paleolithic of Iran \ \ *mélanges de Préhistoire d'Archéocivilisation et d'Ethnologies offerts à André Varagnae*. P. 157.

Умуман, ҳар иккала региондаги ёдгорликлар тош буюмларининг таҳлил натижаларининг кўрсатишича, улар ўртасида қандайдир маданий бирлик кузатилмайди ва қиёсланган мезолит даври комплекслари ўзларининг шаклланиши ва таракқий қилиши йўллариининг турличалигига асосида юзага келган ўзига хосликларга ёки мустақилликларга эгадирлар. Шунинг учун алоҳида “Каспийбўйи археологик вилояти”нинг ҳукм сурганлиги ҳақида гапиришга ҳали эрта.

Юқорида келтирилган фикрлардан кўриниб турибдики, Каспийбўйи мезолитининг маданий хослиги муаммоси ҳали ҳал этилмаган. Айтилган нуқтаи-назарларнинг барчаси, уларнинг мунозорали бўлишига қарамасдан яшаш ҳуқуқига эга. Шундан келиб чиқиб, Шарқий Каспийбўйи мезолитининг маданий хослиги ва маҳаллий вариантлари ҳақидаги муаммо уларни ягона типологик услублар асосида ўрганилиб, янги далиллар тўплангунга қадар очик қолади.

Саналаш масалалари. Г.Е. Марковнинг фикрича, Палегавра, Шанидарнинг В2 қатламлари, Хоту ёдгорлигининг қуйи қатламлари ва Гари-Камарбанд макони материаллари билан қиёслаш асосида Дам-Дам-Чашма 2 маконининг 7-5-қатламларининг нисбий санаси илк мезолит даври билан белгиланаган ва бу рақамларда эр.ав. 9 – 8 асрларга тўғри келади⁸⁷. Ў.И. Исламовнинг ҳам Яқин Шарқ мезолити материаллари билан ўхшашликларга асосланиб илк мезолит даврига (эр.ав.11- 10 минг йилликларга) Дам-Дам-Чашма 1 маконининг қуйи қатлами ва Дам-Дам-Чашма 2 нинг эса 8-7-қатламлари материаллари киритган⁸⁸. Г.Ф. Коробкова эса, ёдгорликларнинг стратиграфиси, материалларнинг типологияси, Яқин Шарқ материаллари билан қиёсий таҳлиллар, Шанидарнинг В2 қатлами ҳамда Гари-Камарбанднинг 22-28-қатламларидан олинган абсолют саналаш натижаларига асосланиб, Дам-Дам-Чашма 1 нинг 4-қатлами ва Дам-Дам-Чашма 2 нинг 7-5-қатламларини

Марков Г.Е. Грот Дам-Дам-Чашма 2 в Восточном Прикаспии\СА 2. 1966а. С. 122.
Исламов У.И. Мезолит Средней Азии. Автореф. Дисс. Д.и.н. 1977. С. 20.

илк мезолитга оид днб топди ва уларни эр.ав. 10 - 9- асрлар билан белгилади. Ривожланган мезолит даври ёдгорликларини саналашда янада турлича фикрлар мавжуд. Г.Е. Марков бу даврга Дам-Дам-Чашма 1 маконининг 5-қатламини⁸⁹, Ў.И. Исломов эса, Дам-Дам-Чашма 2 нинг 6-5-қатламларини (Исламов, 1977. С. 20, 21) ва Г.Ф. Коробкова Дам-Дам-Чашма 2 ёдгорлигининг 4-қатламини (юқори ҳамда қуйи горизонтларини ҳам) киритади. Бу ердаги сўнги мезолит даври ёдгорликларининг санаси ҳам мунозоралидир. Г.Е. Марков ва Ў.И. Исломовларнинг фикрича, бу даврни (эр.ав. 7- 6 минг йилликлар) Дам-Дам-Чашма 2 макони 4-қатламининг қуйи горизонти, Жебелнинг 8-7-қатламлари, Кайлю ғорининг қуйи қатлами, Хўжа-Сув, Каскир-Булак материаллари ўзида акс эттиради⁹⁰. Г.Ф. Коробкованинг фикрича, Жебелнинг 8-7-қатламларининг санаси эр.ав. 7 –минг йилликлар билан белгиланиши мумкин.

Шундай қилиб, Шарқий Каспийбўйи мезолитининг санаси масаласида ҳам бир хил қарор йўқ. Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб, ушбу ҳудуднинг мезолит даври эр.ав. 10 - 7- минг йилликлар оралиғида деб ҳисоблаш мумкин. Бундан ташқари, балханбўйи ва шарқийкаспийбўйи комплексларининг материаллари уларни даврлаштириш имконини беради.

Балхан бўйи комплексларини ўрта кетма-кет ва алмашинувчи - илк, ўрта ва сўнги мезолит босқичларга ажратиш мумкин. Унинг илк босқичига қалин, йирик ва ассимметрик трапециялар, учбурчак қуроллар, қирралари ўйиб-кертиб ишланган пластиналар ҳамда призматик нуклеусларга эга Дам-Дам-Чашма 2 маконининг 7-5 – қатламларини илк мезолит босқичига киритиш мумкин. Ўрта босқичга Дам-Дам-Чашма 2 макони 4-қатламининг қуйи горизонти материаллари киради ва унда энди қалтн пропорцияли

Марков Г.Е. Памятники первобытности в Восточном Прикаспии – грот Дам-Дам-Чешме 1 \ ВМГУ. Сер. 8. История 3. 1981. С. 51.

Марков Г.Е. Грот Дам-Дам-Чашма 2 в Восточном Прикаспии\СА 2. 1966а. С. 122. Исламов У.И. Мезолит Средней Азии. Автореф. Дисс. Д.и.н. 1977. С. 20-21.

трапециялар кўплаб чўзилган ассимметрик учбурчаксимон қуроллар тараққий қилади. Учириндилардан ишланган юмалоқ ҳамда пластиналарнинг учларида шакллантирилган қириччалар сони кескин кўпаяди. Нуклеуссимон қиғиччалар сони камаяди. Микроқирғиччалар, қирралари ўтмаслаштирилган микропластинкалар ва конуссимон нуклеуслар пайдо бўлади. Сўнги мезолит даври эса Жебел макони 8-7-катламлари материаллари билан характерланади. Унда геометрик шакллардаги микролитлар бутунлай йўқолиб кетади. Ёдгорликнинг 8-катлампидан олинган юқори қирраси эгилган ва бутун периферияси бўйлаб ретушланган трапециясимон қуроллар диққатга сазовордир. Бу ерда биз Жебелнинг сўнги палеолит даврига оид 6, 5-6, 5а, 5 катламларидаёқ кенг тарқалган йирик геометрик қуролларнинг майдалари билан алмашинувини кузатамиз. Унинг индустриясида микропластинкалар, майда ва йирик учириндилардан ишланган юмалоқ ҳамда пластиналарнинг учларида шакллантирилган қирғиччалар катта ўрин тутди. Айрим кесгичлар ва гардишсимон нуклеуслар ҳам учрайди. Бироқ конуссимон нуклеуслар кўпчиликини ташкил қилади.

Шарқий Каспий бўйи материалларининг ҳолати уларни яна икки – илк ва сўнги даврларга ажратиш имконини беради. Илк босқични Дам-Дам-Чашма 1 макони 4-катлами индустрияси билан характерланади. Унинг учун айрим қирралари қия ретушли йирик, қалин пропорцияли учбурчак қуроллар, узунчоқ сегментлар, бифасиал ишлов берилган тиғлар, микропластинкалар, паки типдаги пайконлар характерлидир. Йирик пластиналар учларида шакллантирилган қирғиччалар, микроқирғиччалар кўпчиликини ташкил қилади, баъзан учириндидан ишланган юмалоқ қирғиччалар ва ўйиб-кертиб ишланган пластиналар учрайди. Иккинчи сўнги мезолит даврига Баш-Кериз, Та-Арват, Каралемата-сай (чап соҳили) каби топилмажойлар материаллари киради ва уларга учириндилардан ишланган юмалоқ ҳамда пластиналар учларида шакллантирилган қирғиччалар, қирралари ўтмаслаштирилган микропластинкалар, ўйиб-

кертиб ишланган қуроллар, айрим учлари юпқалаштирилган учириндилар, пайконлар ва икки тарафлама ишлов берилган тиғлар характерлидир. Геометрик микролитлар учрамайди.

Табиийки, балханбўйи ва Шарқий Каспий бўйи учун таклиф қилинган ушбу даврлаштириш шартлидир. Янги материалларнинг йиғилиши билан у тўлдирилади ва аниқлаштирилади.

Шарқий Каспий бўйи мезолит даври қабилаларининг ҳўжалиги масалалари қатор илмий ишларда ўз аксини топган⁹¹. Бу масалалар Дам-Дам-Чашма 1 ва 2, Кайлю ҳамда Жебел ғорларидан топилган ҳайвон суяклари қолдиқларини палеонтологик тадқиқ қилиш, палеогеографик маълумотлар ҳамда балхан бўйи ва Шарқий Каспий бўйи мезолит даври тош индустрияларини трасологик таҳлил қилиш ишлари натижасида ҳал этилган. Кўриб чиқиладиган ҳудуднинг ҳўжалиги яқдиллик билан ўзлаштирувчи характерга эга бўлган ва овчилик, балиқчилик ҳамда теримчилик асосига қурилган бўлган. Бу ҳақда Жебел ғорининг қуйи қатламларидан⁹², Кайлю⁹³, Дам-Дам-Чашма 2 нинг 4-6-қатламларидан⁹⁴ суяк қолдиқлари гувоҳлик беради. Ушбу суяк қолдиқлари орасида

Окладников А.П. Решера Джебел – памятник древней культуры Прикаспийских племен \\\ ТЮТАКЭ. 7. 1956а. Окладников А.П. Древнейшее прошлое Туркменистана (древние охотники и собиратели в степях и пустынях Туркменистана)\\ТТИИАЭ АН ТССР. Ашхабад. 1. 1956в. Марков Г.Е. Грот Дам-Дам-Чашма 2 в Восточном Прикаспии\\СА 2. 1966а. С. 122. Марков Г.Е. Раскопки памятника первобытной культуры в Западном Туркменистане – грота Дам-Дам-Чешме 2\\ ИАН ТССР. 2. 1966б. Марков Г.Е. Раскопки памятника первобытной культуры в Западном Туркменистане – грота Дам-Дам-Чешме 2\\ ИАН ТССР. 5. 1966в. Коробкова Г.Ф. Орудия труда и хозяйства неолитических племен Средней Азии. \\МИА М. 158. 1969. С. 92-96. Хамракулиев С. Новые исследования в гроте Дам-Дам-Чешме 2 \\\ ИАН ТССР. Сер. Обществ. 6. 1979. Хамракулиев С. Каменный век Прибалханы: (Восточный Прикаспий): автореф. дисс. к.и.н.М.: 1981.

Окладников А.П. Решера Джебел – памятник древней культуры Прикаспийских племен \\\ ТЮТАКЭ. 7. 1956а. С. 53.

Окладников А.П. Верхнепалеолитическое и мезолитическое время\\Средняя Азия в эпоху камня и бронзы. М.-Л. 1966а. С. 62.

Марков Г.Е. Грот Дам-Дам-Чашма 2 в Восточном Прикаспии\\СА 2. 1966а. С. 122. Марков Г.Е. Раскопки памятника первобытной культуры в Западном Туркменистане – грота Дам-Дам-Чешме 2\\ ИАН ТССР. 2. 1966б. Марков Г.Е. Раскопки памятника первобытной культуры в Западном Туркменистане – грота Дам-Дам-Чешме 2\\ ИАН ТССР. 5. С. 123.

ихтиофауна наъмуналари кўпчиликни ташкил қилади, улар асосан, карп ҳамда осётра балиқларининг суяк қолдиқларидир. Жебел ва Кайлю ғорларининг қуйи қатламларида асосан кўплаб стерляд балиғининг (осётрининг бир тури) суяк қолдиқлари топилган. Комплексларда В.И. Цалкин томонидан олиб борилган палеозоологик тадқиқотлар катта қизиқиш уйғотади⁹⁵. Унинг аниқлашича қўй, эчки (безоаровий), кулон кабилар асосий ов объектлари бўлишган ва уларнинг суяк қолдиқлари Дам-Дам-Чашма 2 нинг 5-6-қатламларидан топилган. Хўкиз, жайрон ва мушук суяклари Жебелнинг қуйи қатламларидан топилган. Ов қуроллари сифатида найза, дротик ва тиғлардан фойдаланилган. Балиқчилик қуроллари топилмаган. Тахмин қилинишича балиқ овлаш микропластиналар ва геометрик микролитлардан таркиб топган йиғма гарпунлар ёрдамида амалга оширилган.

Ушбу ҳудудлар мезолит даври қабилалари ҳаётида теримчилик ҳам маълум рол ўйнаган. Теримчилик асосан денгиз моллюскалари ва ёввойи ўсимликларни йиғиб олишга қаратилган бўлган. Уй-хўжалигида асосан териға, суякка, ёғочға ишлов бериш, тош қуроллар, чиғаноклардан, суякдан ва тошдан тақинчоқлар ясаш ишлари амалга оширилган⁹⁶. Теридан кийимлар тикилган. Бу ҳақда гувоҳлик берувчи суяк игналар Кайлю ғорининг қуйи қатламларидан⁹⁷, Дам-Дам-Чашма 2 нинг 4-қатламидан⁹⁸ топилган. Тош қуролларнинг 70-80 % овчилик ва ов маҳсулотларига қайта ишлов беришга мўлжалланган буюмлар ташкил қилади.

Цалкин В.И. Предварительные результаты изучения фаунистического материала из раскопок Джебела, произведенных А.П. Окладниковым // ТЮТАКЭ. 7. 1956. С. 220, 221. Окладников А.П. Решера Джебел – памятник древней культуры Прикаспийских племен // ТЮТАКЭ. 7. 1956а. С. 206.

Кўрсатилган адабиёт. С. 207.

Марков Г.Е. Грот Дам-Дам-Чашма 2 в Восточном Прикаспии // СА 2. 1966а. С. 122. Марков Г.Е. Раскопки памятника первобытной культуры в Западном Туркменистане – грота Дам-Дам-Чешме 2 // ИАН ТССР. 2. 1966б. Марков Г.Е. Раскопки памятника первобытной культуры в Западном Туркменистане – грота Дам-Дам-Чешме 2 // ИАН ТССР. 5. 1966в. С. 116.

Шарқий Каспий бўйининг сўнги мезолит даврида хўжаликда сезиларли ўзгаришлар содир бўлди. В.И. Цалкин томонидан Дам-Дам-Чашма 2 ғорининг 4-қатлами суяклари орасидан хонакилаштирилган эчки ва қўйнинг суяк қолдиқлари қайд этилган⁹⁹. Хонаки эчки суяклари 4-қатламнинг қуйи горизонтидан, қўй суяги эса ушбу қатламнинг юқори горизонтидан топилган. Шундай қилиб, ушбу ҳудудларда сўнги мезолит давридан чорвачиликка асос солинган ва у майда шохли ҳайвонларни кўпайтиришга йўналтирилган бўлган. Овчилик, балиқчилик ва теримчилик асосий рол ўйнаган ва комплекслашган ўзлаштирувчи хўжаликда янги эконимикага ўтишнинг куртак элементлари пайдо бўла бошлаган.

Ушбу ҳудудлар мезолит даври қабилаларининг ижтимоий тузumi ва идеологияси ҳақида маълумотлар ҳозирча йўқ.

Шарқий Каспий бўйининг мезолит даври аҳолиси изсиз йўқолиб кетмади ва улар Ўрта Осиёдаги неолит даври маданиятларнинг шаклланишида асосий рол ўйнади. Масалан, Балхан бўйи мезолит даври комплексларининг анъаналари Жебел, Дам-Дам-Чашма 2 ва қисман Жайтун ёдгорликларининг неолит даври қатламлари индустрияларида аниқ сезилиб туради¹⁰⁰. Шарқий Каспий бўйи мезолит даври анъаналари эса, Дам-Дам-Чашма 1, Қорабўғиз бўйи, Узбой ва қисман калтаминор каби неолит даври ёдгорликларида сезилади¹⁰¹ (Коробкова, 1969. С. 192-197; 1970. С. 25).

Ўрта Осиёнинг мезолит даври Туркменистоннинг ёдгорликлари мисолида яхши намоён бўлади. Красноводск ярим оролидаги Балхан тоғлари ҳудудида мезолит даври ғор маконлари мезолит даврини яхши

Марков Г.Е. Грот Дам-Дам-Чашма 2 в Восточном Прикаспии\СА 2. 1966а. С. 129. Цалкин В.И. Новейшие домашние животные Средней Азии [\Сообщ.](#) II. ВМОИП. 4. Хамракулиев С. Каменный век Прибалханы: (Восточный Прикаспий): автореф. дисс. к.и.н.М.: 1981. С. 16.

Коробкова Г.Ф. Орудия труда и хозяйства неолитических племен Средней Азии. [\МИА](#) М. 158. 1969. С. 92-96.

Коробкова Г.Ф. Орудия труда и хозяйства неолитических племен Средней Азии. [\МИА](#) М. 158. 1969. С. 92-96. ¹⁰¹ Коробкова Г.Ф. Проблема культур и локальных вариантов в мезолите и неолите Средней Азии\КСИА. 122. 1970. С. 23-23.

характерлаб бера олади¹⁰². Илк неолит даврига оид машхур қабр ҳам шу ердан топилган.

Мезолит даврининг илк босқичларига оид ёдгорликлар Қора-Тенгир станцияси яқинидаги Қурт-қўй ва Ўғланди қудуқлари атрофидан топилган. Ушбу ёдгорликлардан сочилган йиғма материаллар териб олинган. Улар орасида яхши ишлов берилган призматик нуклеуслар ва кенг, тўғри елкали пластиналар топилган. Бу пластиналардан ажойиб қирғиччалар ишланган. Бу материаллар сўнги палеолитга хос таассуротларни беради. Негаки, пластиналари йирик ва улардан ишланган тош қуроллар мавжуд.

Шубҳасиз мезолит даври материаллари Дам-Дам-Чашма I ва II, шунингдек, Кайлю ва Жебел ёдгорликлари маданий қатламларидан топилган. Бу жойлардан топилган материаллар асосида мезолит даври тарихини табиий ўзгаришлар, аввало, Каспий денгизи тарихи билан боғлаш мумкин.

Шу маънода, ҳозирда денгизнинг шундоққина бўйида жойлашган Кайлю ғори жуда қизиқарлидир. Бу ердаги мезолит даврига оид қуйи қатлам тўғридан тўғри денгиз шағаллари устидаги 4 метрлик неолит даври қатламлари тагида ётади. Шундан келиб чиқиб, бу ерга одамлар мезолит даврида, денгиз сатҳининг пасайиши биланоқ келиб ўрнашганлар. Ҳозирда денгизнинг сатҳи ушбу маданий қатламдан 20 м пастрокда жойлашган.

Шундай қилиб, Балханбўйи этакларини сув босган хвалин трансгрессияси даврида бу ерларни тарк этганлар ва кейинчалик мезолит даврида қайтиб келиб ушбу ҳудудларда истиқомат қила бошлаганлар.

Энг қадимги мезолит даврига оид деб Дам-Дам-Чашма I ғорининг шарқий қисмида аниқланган кул қатламдан олинган материалларни ҳисоблаш мумкин. Ушбу ўчоқдан ва унинг атрофидан нуклеуслар,

Окладников А.П. Изучение древнейших археологических памятников Туркмении \\ КСИИМК. 28. 1949. Окладников А.П. Изучение памятников каменного века в Туркмении (по данным работ 9-го отряда ЮТАКЭ в 1952 г.) [ВИАН](#) ТССР. Ашхабад. 2. 1953. Окладников А.П. Решера Джебел – памятник древней культуры Прикаспийских племен \\ ТЮТАКЭ. 7. 1956а. С. 206.

нуклеуссимон қуроллар, пичоқсимон пластиналар, бигизлар, қирғиччалар, гардишсимон микроқирғиччалар, сегментлар ва қирралари ўтмаслаштирилган пластинкалар сериялари аниқланган. Ушбу қатламдан одам тишлари, тақинчоқлар яшаш учун чиғаноқларнинг ва оҳра қолдиқларининг топилиши ҳам қизиқарлидир.

Кайлю ғорининг қуйи маданий қатламидан учириндилар, пластиналар ва нуклеусларга бой буюмлар топилган. Шунингдек, бу ердан чақмоқтош қирғиччалар, бигизлар, узунчоқ сегментлар шаклидаги ўзига хос елкаси ўтмаслаштирилган пайконлар топилган. Шунга ўхшаш пайконлар Каспийбўйидаги Эроннинг Гари-Камарбанд ёдгорлигида учрайди. Бу ерда улар ўрта мезолит даври билан саналанган 12—14 қатламларидан топилган. Бу қатламларнинг радиоуглерод санаси эр.ав. 6595 йиллар билан белгиланган.

Дам-Дам-Чашма I ғори яқинида жойлашган Дам-Дам-Чашма II маконида ер сатҳидан 1.5—2 м чуқурликда ўчоқ қолдиқлари аниқланган ва у ғорнинг қадимги аҳолиси томонидан қодирилган. Призматик типдаги нуклеуслар, учириндилар ва пластиналар билан бирга бу ердан елкаси ўтмаслаштирилган сегментлар типдаги пайконлар (Кайлю ғорининг қуйи қатламларидаги сингари), шунингдек, ассимметрик трапециясимон қуроллар топилган. Афтидан, унча катта бўлмаган сланец плитка устига ёнма-ён чизилган илонсимон ромблар суръатлари ҳам ушбу қатламга тааллуқлидир.

Трапецияларнинг мажудлигига кўра, Кайлю ҳамда Дам-Дам-Чашма II ғорлари қуйи қатламларининг материаллари даврий жиҳатдан сегментларга эга анча архаик комплекслардан кейинги звенони ташкил қилади.

Ёдгорликлардан топилган кўплаб ҳайвон суяқларига кўра Каспийбўйининг мезолит даври аҳолиси асосан овчилик билан шуғулланганлар. Сегментлар, трапециялар асосан пайконлар ва дротиклар сифатида қўлланилган. турли-туман қирғиччалар, асосан рандалар ҳамда

ўйиб-кертиб ишланган пластиналар ов қуролларини ясашда фойдаланилган. Улар ёрдамида найзалар ва ўқларнинг чўпларини текислаш ёки ўткирлаш, камонлар ясаш ва агар зарур бўлса ҳайвонлар учун турли қопқонлар ясаш мумкин бўлган.

Ҳозирда сув ҳавзаларидан ўнлаб ва юзлаб чақирим узоқлашган Дам-Дам-Чашма ғори аҳолиси овчиликдан ташқари балиқчилик билан ҳам шуғулланган. Бу ғорда ҳайвон суялари билан бирга осетр ва стерляд балиғининг суяк қолдиқлари ҳам топилган. Кайлю ғори қуйи қатлаמידан йирик балиқ суягидан ишланган катта қулоқли игна қайд қилинган. Қатламлардан топилган балиқ суяклари кўпинча йирик ҳажмли бўлган. Кайлю ғори аҳолиси хўжалигида балиқчилик асосий машғулоти бўлмасада, муҳим тармоқлардан бири бўлган дейиш мумкин.

Бу маданиятнинг кейинги тарақиёти Дам-дам-Чашма 2 ва асосан Жебел ғори қатламларида давом этади¹⁰³. Жебел ғори шу номли бекатдан 3 км шарқроқда, Шахлу-Бурун тумшуғида жойлашган. У қадимги Каспий трансгрессияси устида қад кўтарган тик қоя деворидан яхши кўриниб туради.

Жебел ғорига дастлабки ибтидоий одамлар унинг саҳни шағаллар билан қопланган пайтда ташриф буюришган. Улар саккизинчи ва еттинчи маданий қатламларни қолдирганлар. Бахтга қарши, ғорнинг 8-7-қатламлари материалларга бой эмас. Бу тшпламларда ёрқин нуклеуслар наъмуналари йўқ. Негаки, унинг ўзаклари иккиламчи ишлов берилиб, қурол сифатида фойдаланилган ва ўзининг дастлабки кўринишини йўқотган. Сўнгра улардан пичоқсимон пластиналар эмас учириндилар чакмоқлаб олинган. 8-7-қатламлардаги нуклеуслар шунинг учун ҳам қўпол конус шаклига эга. Аммо, бу даврда тўғри, призматик нуклеуслар ҳам мавжуд бўлган. Бу ҳақда ушбу қатламлардан топилган тўғри елкали пичоқсимон пластиналар гувоҳлик беради.

Окладников А.П. Древнейшее прошлое Туркменистана (древние охотники и собиратели в степях и пустынях Туркменистана) [ЎТИАЭ](#) АН ТССР. Ашхабад. 1. 1956в.

Шуниси қизиқарлики, ёдгорликнинг 7-қатламидаги пластиналар 8-қатламдагига нисбатан йирикроқ кўринишга эга. Улар кенг, йирик ва узун бўлиб, бу 7-қатламни 8-қатлам билан эмас, балки юқоридаги қатлам индустрияси билан яқинлаштиради.

8-маданий қатламдан топилган битта қирралари ўтмаслаштирилган пластинка ва тўртта ёнлари ўйиб-кертиб ишланган пластинкалар диққатга сазовордир. 7-қатламда эса бундай ёнлари ўйиб-кертиб ишланган пластинкалар сони 10 тага етади. Тўғри қиррали пичоқсимон пластиналар, қирралари ўтмаслаштирилган ҳамда ўйиб-кертиб ишланган пластиналар Жебел ғорининг барча қатламлари учун хосдир.

Қуйи ҳамда юқори қатламлар ўртасидаги умумийликка яна қайроқтошдан ишланган, юмалоқ шаклли, қўпол ва икки тарафлама ретушланган қирғиччаларни киритиш мумкин. 6-қатламда бундай қирғиччалар иккитани ташкил қилади.

Тош буюмлар ва уларни тайёрлаш техникасидаги бундац анъанавийлик ғорда узок давом этган ибтидоий ҳаётнинг узлуксиз ва анъанавий тараққиёт давом этганлигидан далолат беради.

Шу маънода ғорнинг 8-7-қатламларида учбурчаксимон ёки трапеция каби геометрик микролитларнинг учрамаслиги қизиқарлидир. Шунингдек, ушбу қуйи қатламларда энсиз, узун пичоқсимон пластиналарнинг чларида шакллантирилган қирғиччалар ҳам йўқ. Аммо, бу қатламларда учириндилардан ишланган ва гардишсимон қирғиччалар аниқланган. Қуйи қатламлар индустриясининг архаик элементларига юмалоқ, ёнлама қиррали, икки томонли ва қалин шаклли нуклеуссимон қирғиччаларни киритиш мумкин. Айтиш жаизки, 7-қатламнинг қирғиччалари (гарчи ушбу қатламда ҳам микроқирғиччалар учрасада) юқори қатламларникидан ўзининг массивлиги ва қўполлиги билан ажралиб туради.

Кесгичлар ҳамда кесгич йўнилғи излари қуйи қатламларда кўпроқ учрайди. Бундан ташқари, юқори қатламларнинг фаунистик қолдиқлари яхши сақланганлиги билан ажралиб туради.

Сопол идишлар афтидан, ғорда тайёрланмаган. 7-қатламдан топилган ягона сопол парчаси юқори қатламлардан тушиб қолган. Шундан келиб чиқиб, жебел ғорининг 8-7-қатламларини мезолит даврининг охирлари билан саналаш мумкин ва улар билан ғорнинг юқори қисмидаги барча қатламлар генетик жиҳатдан боғлиқ. -

Илк мезолит даври анъаналарини геометрик шаклдаги миролит қуроллар, ўйиб-кертиб ишланган пластиналар, узунчоқ ассимметрик, узунчоқ учбурчак қуроллар ва трапециялар ҳам давом эттиради. Аммо вақт ўтиши билан трапециялар кичрайиб, симметрик ҳолга келади ва уларнинг қалин ва энсиз турлари пайдо бўлади.

Бундай трапецияларнинг ҳамма жойда пайдо бўлиши мезолит даврининг охирлаши ва неолит даврининг бошланишини билдиради. Геометрик қуроллар шакллариининг майдалашуви ҳамда сонининг камайиши Европа, Жанубий Осиё ва Африкада ҳам сўнги мезолит даврининг бошланишидан далолат беради.

Ҳозирда Жебел ғори этакларида ва унинг олд тарафидаги катта майдонда сувсиз чўл мавжуд. Аммо, ғорни қазиш жараёнида унинг қатламларидан дашт ҳудудлар учун характерли бўлган ҳайвонлар суяк қолдиқлари билан бирга чучук сувларда яшайдиган стерляд ва сазан балиқларнинг суяклари ҳам топилган.

IV БОБ. Шарқий Каспийбўйи неолит ва энеолит даври ёдгорликлари

Каспийбўйи қабилаларининг илк неолит давридаги хўжалигида овчиликдан ташқари, балиқчилик ҳам муҳим ўрин тутган. Шунингдек, бу қатламлардан ёрғучоқларнинг ҳам қолдиқлари топилган. Айтиш мумкинки, овчилик ва балиқчиликдан ташқари, теримчилик ҳам муҳим рол ўйнаган. Эҳтимол, ейишга яроқли ўсимликлар ҳам истеъмол қилинган. Теримчиликнинг ривожланишига ўша вақтларда яқин атрофда мавжуд бўлган чучук сув ҳавзалари, юмшоқ ва нам иқлим ҳам таъсир кўрсатган.

Қадимги Пра-Аму-Дарё илк неолит даврида мавжуд бўлмаган ва у олиб келган қумлар шамоллар таъсирида бархонларга айланиб улгурган эди. Ушбу қумлар Қорақумда ҳозирги чўл ландшафтини ҳосил қилганлар. Аммо, ўша даврларда Аму-Дарёнинг (6000—4000 йиллар муқаддам) сувлари Узбой орқали Каспий денгизига қуйилиб турган. Археологик тадқиқотларнинг гувоҳлик беришича, илк неолит даврида Узбойда доимий чучук сув оқиб турган.

Ушбу чучук сув ўз атрофидаги иқлим ва атроф-муҳитнинг юмшоқ бўлишига шубҳасиз таъсир ўтказган. Нима бўлганда ҳам, бу ердан ҳозирги чўл-дашт ландшафтига хос бўлган майда ҳайвон суялари билан бирга (тошбақа, агма), ҳозирда анча шимолроқда истекомат қиладиган калтакесакларнинг ҳам суяк қодиқлари топилган.

Каспий бўйи илк неолит даври аҳолисининг хўжалик ҳаёти Туркманистон тош даврининг энг ажойиб ёдгорликларидан ҳисобланади. Бу ердаги Куба-Сенгир бурунидаги устахонаси шу маънода жуда қизиқарлидир. У алоҳида қад кўтарган қоя атрофидаги қадимги террасада жойлашган. Бу ерда маданий қолдиқларга эга тупроқ билан тўлган чуқурчалар аниқланган. -

Ушбу чуқурчалардаги маданий қолдиқларнинг асосийси тухумсимон мунчоқлар ва уларни тайёрлаш учун ишлатиладиган

чиғаноқлар қолдиқлари ташкил қилади. Бундай муноқлар ва уларни ясалган чиғаноқлардан 900 та топилган. Пармаланган мунчоқлар ўраларнинг барча жойларидан, асосан уларнинг тагидан кўпроқ топилган. Ўра тубидан топилган мунчоқларга табиий бўёқлардан ранг берилган. Ўралардан юмалоқ мунчоқлардан ташқари оқ рангли цилиндр шаклидагилари ҳам топилган. Мунчоқлар албатта уларни ясада ишлатиладиган тош қуроллар билан биргаликда топилган. Масалан чиғаноқларни тешишда ишлатиладиган ассиметрик учбурчак қуроллар шулар жумласидандир

Бундай ихтисослашган устахонанинг топилиши ўша даврда бу мунчоқлар нафақат Каспийбўйи, балки кенг денгиз соҳилларидан ташқари бўлган ҳудудларда ҳам катта талабга эга бўлганлигидан далолат беради. Бундай хилдаги мунчоқларнинг Куба-Сенгир бурунидан бир неча юзлаб қақирим наридаги Туркменистоннинг континентал ҳудудларида, Жайтун маконида ҳамда Узбой дельтасининг қадимги ёдгорликларида, Амударё қуйи оқимидаги Хатиб-Кую 1 ва Гяур 1 ёдгорликларида учраши юқоридаги фикрни исботлайди¹⁰⁴. Шундай қилиб, бу даврда уруғчилик жамоасидан ташқарида, узоқ қабилалар аро товар алмашуви бошланади.

Сўнги мезолит даврига оид Куба-Сенгир тумшугидан топилган чиғаноқлар ва мунчоқлар қадимги одамларнинг эстетик диди борасида ҳам қизиқарлидир.

Шу маънода Дам-Дам-Чашма 1 ғоридан топилган, денталий типдаги чиғаноқлардан ишланган ва бир учи торайтирилган труба шаклидаги мунчоқ диққатга сазовордир. Худди шундай денталийлардан ишланган мунчоқлар Ўртаер денгизи бўйларидаги ғорлардан топилган палеолит даври қабрларида ҳам аниқланган. Ўрта ер денгизининг палеолит даври аҳолиси уст-бошларига мунчоқлар тақиб безатганлар. Худди

Виноградов А. В. 1955. Неолитические украшения из створок Раковин Didacna. (По материалам раскопок в Северной Туркмении). КСИИМК, вып. 59.

шундай безатилган уст-бошлар Дам-Дам-Чашмада сўнги палеолитнинг охирларида яшаган ибтидоий аҳолиларда ҳам русм бўлган.

Қишнинг совуқ шароитларида одамлар яланғоч ёки териларни оддий ёпиб юрмасдан, ёпиқ, маълум бир тарзда теридан ва хайвон жунларидан қилинган иплардан тикилган кийимлар кийиб юрганлар. Бу ҳақда Кайлю ғорининг қуйи қатламидан топилган уч қисми ип ўтказиш учун тешилган ва Ўрта Осиёда энг қадимги ҳисобланган суяк игна гувоҳлик беради.

Мезолитнинг охири ва неолит даври аҳолисининг диний қарашлари ва маросимлари ҳақида шу даврга оид қабрлар маълумот беради. Бундай қабрлардан иккитаси Кайлю ғори яқинидан очиб ўрганилган. Улар денгиз террасаларига кўмилган бўлиб, усти лой тупроқ ва шағаллар билан тўлғазилган. Майитлар елкаси билан ётқизилиб, туз туфайли анчайин емирилиб кетган ва қўллари белларига йиғилган ҳолатда кўмилган. Марҳумлар баъзи жойлари устига охра сепилган ва бу суяклар рангининг кизил тусга киришига олиб келган. Кайлюдан топилган ушбу қабрларга кўра ўша даврда марҳумларни денгиз бўйлариغا кўмишган дейиш мумкин. Бу давр аҳолиси марҳумларни денгиз бўйидан ўралар қазиб, бошларини шимоли-ғарбга ва оёқлари жануби-шарққа қаратиб кўмишганлар. Бошқа жойлардаги ибтидоий қабилаларда бўлгани каби, бу ерлик аҳоли ҳам майитнинг устидан майдаланган охра сепганлар ва улар билан бирга чакмоқтош қуроллар, пластиналар ёки баъзан ретушланган тайёр қуролларни ҳам бирга қўйишган.

Кайлю ғори атрофидаги қабрларда кўпроқ чиғаноқлардан ишланган мунчоқлар топилган. Улар уч хил турга эга: йирик ясси ва кружка шаклида; кичик, бироқ бироз кўпол; митти, калта цилиндр шаклида. Майда мунчоқлар майитнинг бош қисмида жойлашади. Афтидан, улар бош кийимининг безаклари бўлса керак. Йирик ва ўзининг илк ҳолатини сақлаб қолганлари тананинг ўнг тарафида айлана шаклида бўлиб, бел ва тос суяклари тагида ва олд тарафида жойлашган. Шундай қилиб, айтиш мумкинки, мунчоқлар уларнинг бош кийимларини ҳамда белларини ўнг

томондан безаб турган. Бунга ўхшаш безакли қабрлар Украинанинг Мариопол деган жойидан топилган.

Кайлю ғори атрофидан топилган қабрлар ўша давр аҳолисининг уруғ қабристонларининг ва у дунё ҳақидаги диний тасаввурларнинг ҳукм сурганлигидан далолат беради. Қабрлардан топилган қизил охра қолдиқлари у дунёда яшашни давом эттириш учун қон, яъни “ҳаётий қуч” берувчи тимсол вазифасини ўтаган.

Каспий бўйининг ғор маконлари жойлашган ҳудудий гуруҳи кўп жиҳатдан калтаминор маданияти маконларидан фарқ қилади, лекин уларнинг маданий хослиги масалаласи тўла аниқланмаган. Афтидан, Шарқий Каспийбўйи ҳудудларида турли қабила гуруҳларининг мураккаб алоқаларини акс эттирадиган комплекс маданий илдизларга эга маданиятлар яшаган. Шарқий Каспий бўйининг ёдгорликлари унинг кенг ҳудудларидан Мангишлаккача бўлган ҳудудларда, гўё қуйи волга бўйи неолит даври қабилаларига туташгандек майдонда тарқалган. Бу ердаги неолит даври қатламлари маҳаллий мезолит ғор маконлари билан узвий боғлиқдир.

Бу ерда авваломбор мезолит давридаёқ Шарқий Каспий бўйи ибтидоий одамлар томонидан истиқомат қилинган Жебел ғор маконини айтиш мумкин. Дастлабки сопол бўлаклари ғорнинг бешинчи қатламида учрайди. Бироқ, тўртинчи қатламда сопол буюмларнинг ҳукм сурганлиги шубҳасиздир. Жебелнинг тўртинчи қатламидан олинган радиокарбон таҳлиллар эр.ав. 4070±140 йиллар билан белгиланган ва бу А.П. Окладниковнинг уни эр.ав. IV минг йилликларга оид деб таъкидлашига мос келади¹⁰⁵, гарчи ушбу сана танқидга учраган бўлсада¹⁰⁶. Жанубий Каспий бўйи ғорларида сопол идишлар эр.ав. VI минг йилликнинг иккинчи

Окладников А. П. 1956в. Пещера Джебел — памятник древней культуры прикаспийских племен Туркмении. ТЮТАКЭ, т. 7. С. 208.

Goon C. S. 1951. Cave explorations in Iran, 1949. Philadelphia. De Terra H., T. T. Peterson. 1939. Studies on the Ice Age in India and associated human cultures. Washington.

ярмида пайдо бўлади¹⁰⁷. Жебелнинг юпқа бўлаклари унинг ғарбий кўшнилари бўлган Жанубий Туркменистоннинг ўтроқ аҳолиси сопол идишларига нисбатан анча сифатсиз эди. Жебел сополларининг шакллари ҳам фарқ қилади. Улар тўғри деворли ва туби ўткирлашган бўлган. Уларнинг ташқи томони бироз силлиқланган ва баъзан, тамғаланадиган нақш билан безатилган. Жебелнинг чакмоқтош индустрияси генетик жиҳатдан Каспий бўйи мезолити билан боғлиқдир. Унда ранда вазифасини ўтаган қирралари ўйиб-кертиб ишланган пластиналар, пластина ва учириндилардан ишланган қирғиччлар ва айрим трапециясимон қуроллар мавжуд. Бундан ташқари, ғордан безаклар сифатида ишлатилган чиқғаноқ мунчоқлар ҳам топилган. Бу даврда икки хил янги найза учоари пайдо бўлади. Улардан бирлари икки тарафлама ишланган ва ретушланган, иккинчиси. Ёнлари ўйиб-кертилган пластиналардан ишланган ва калтаминор тиғларига ўхшаб кетадиган қуроллардир.

Жебел ғорида 10 та маданий қатлам мавжуд. Шулардан илк неолитга оид юқоридан 4-қалам катта аҳамиятга эга. Унинг радиокарбон санаси эр.ав. 4070±240 минг йилликлар билан белигиланган. Умуман, Жебелнинг индустрияси сўнги мезолитдан илк неолитга ва илк неолитдан сўнги неолитгача ўтувчи аста-секин, лекин узлуксиз тараққиётни ўзида акс эттиради.

Ёдгорликда тош қуроллар яшаш учун қадимги Каспий галкали ётқизикларида кўп учрайдиган турли рангдаги чакмоқтошлардан фойдаланганлар. Ёдгорлик тараққиётининг барча босқичларида қия ўтмаслаштирувчи ретуш каби қадимги анъаналар барқарорлиги сақланиб қолади. Умуман олганда унда чавмовлаш техникаси ниҳоятда тараққий топади ва унинг асосида эндиликда тўғри елкалилиги билан ажралиб турадиган призматик нуклеуслар ётади.

Виноградов А. В. И Итина М. А. 1959. [Рец. на кн.:] Памятники культуры каменного и бронзового века Южного Туркменистана. [Вып. 1]. 1956. (ТЮТАКЭ, т. 7). СЭ, № 1. С. 159.

Бундай призматик нуклеуслардан усталик билан чақмоқлаб олинган пичоқсимон пластиналар кўпинча тўғридан-тўғри кесувчи қуроллар ёки пичоқлар сифатида ишлаб чиқаришда фойдаланилган. Кўп ҳолларда ушбу пластиналарнинг қирралари ретушлаш ёрдамида тўғриланган ёки қирраларида ўйиб-кертиб ишланган бўлиб, улар рандалар сифатида қўлланилган. Бундан ташқари Жебел ғори аҳолиси ихтиёрида илк мезолит давридаги ўтмишдошларида бўлгани сингари қирғиччалар ва бигизлар ҳам бўлган.

Жебел ғори тўртинчи қатламининг суяк қолдиқлари асосан жайронларни ҳамда балиқ овлаш ривожланганлигини кўрсатади (А. М. Мандельштамнинг 1962—1963 йиларда йиққан материаллари асосида). Шунингдек, ғордан қандайдир донларга ишлов бериладиган ёрғучоқлар ҳам топилган. Зоологларнинг хабар беришича, бу ердан майда шохли ҳамда хонаки ҳайвонларнинг суяк қолдиқлари ҳам топилган¹⁰⁸. Аммо, Каспий бўйи қабилаларида деҳқончилик ва чорвачилик муҳим рол ўйнамаган ва уларда маданият узоқ вақт архаик кўринишда қолган.

Жебел ғори индустриясида аввалгидек пластина ва учириндилардан ишланган қирғиччалар сақланиб қолган. Кам сонли бўлсада, қирралари ўйиб-кертиб ишланган пластина – рандалар сақланиб қолган. Эзма ретуш ёрдамида ишланган бифас-тиғлар анчагина. Ғордан кўпол чаплама сопол идишлар билан бирга Шимолий Эрондаги ўтроқ-деҳқончиликка асосланган Шах-Тепа ёдгорлигидагига ўхшаш яхши ишланган сопол идишлар синиқлари ҳам топилган. Шимолдаги „варварлар" ўзларининг айрим ҳунармандчилик соҳаларини юқори даражада ривожланган кўшниларидан ўзлаштириб олганлар ва кўпинча идишларни уларникига ўхшаш қилиб ясаганлар.

Неолит даврига оид қатламлар Жебелдан ташқари қатор бошқа ғорлардан, жумладан, Кайлю ҳамда Дам-Дам-Чашма 2 ғорларидан ҳам

Ц а л к и и В. И. 1956а. Предварительные результаты изучения фаунистического материала из раскопок Джебела, произведенных А. П. Окладниковым. ТЮТАКЭ, т. 7.

аниқланган¹⁰⁹. Дам-Дам-Чашма 2 ғорининг чақмоқтош индустрияси анча кўп бўлиб, уларнинг бир қисми неолит даврига оиддир. Неолит даврига хос материаллар Шарқий Каспий бўйидаги кўплаб топилмажойлардан ҳам йиғилган. Уларда найза учоари учрамайди ва кам сонли трапециялар мавжуд. Пластиналар кўпчиликни ташкил қилади (асосан қирралари ўйиб-кертиб ишланганлари), шунингдек, қирғичлар ва тош бигизлар ҳам бор. Шимолий Балхан даштидаги маконлардан бири - Оюклида¹¹⁰ - қазиш ишлари олиб борилган. Бу ерда маданий қатлам деярли сақланиб қолмаган ва материаллари юзадан йиғилган буюмларга ўхшашдир. Оюклининг чақмоқтош буюмлари учун йўнилғиларнинг учларида шакллантирилган қирғиччалар кўпчиликни ташкил қилади (30%). Шунингдек, қирралари ўтмаслаштирилган микропластинкалар, ретушланган пластиналар ва қирралари ўйиб-кертиб ишланган пластиналар ҳам мавжуд. Тош буюмлар орасида эҳтимол, пичоқ сифатда ишлатилган ретушланган йирик пластиналар ажралиб туради. Кесгичлар кенг тарқалган. Оюклининг сопол буюмлари ҳам ўзига хос ва Жебелникидан фарқли ўлароқ безакларга бой.. сопол идишларнинг катта қисми бмалоқ тагли ва деворлари чуқурчали ҳамда зигзагсимон нақшли бўлган. Оюклининг сопол буюмлари учун гардишлари тагидан вертикал ўйиқ чизиклар ёрдамида нақш бериш кенг тарқалган. Нақшларининг бойлигига кўра Оюкли маконининг сопол буюмлари калтаминор сополларига ўхшаб кетсада, айрим ўзига хосликларга эга. Баҳорда тоғлардан оқиб тушадиган сойлар ҳамда дашт ва чўллар чегарасида жойлашган Оюкли топилган буюмдарига кўра овчи-балиқчиларнинг мавсумий макони бўлган.

Окладников А. П. 1953. Изучение памятников каменного века *III* Туркмении. (По данным работ IX отряда ЮТАКЭ в 1952 г.). И АН Туркм.ССР, № 2.

Бахта В., Марков Г. Е. 1959. Археологическая разведка 1957 г. в Западной Туркмении. ТИИАЭ АН Туркм. ССР, т. 5. Марков Г.Е. Материалы по каменному веку Прибалхання\ Материальная культура Туркменистана. Ашхабад. Марков Г.Е. Раскопки первобытной стоянки Оюклы\ ВМГУ. Сер. История 3.

Шарқий Каспийбўйидаги дастлабки топилмалар XIX асрнинг 40-йилларга тўғри келади. Бу топилмалар Красноводск ярим оролидаги Қизил-Лой, Эрек ва бошқа палеолит ва мезолит даврига оид топилмажойлардан йиғилган эди¹¹¹. Тахминан шу вақтларда дунёга машҳур Дам-Дам-Чашма ҳамда Жебел ғор маконлари ҳам очилган эди¹¹². Кейинги ўн йилликларда Шарқий Каспий бўйининг тош даврини, жумладан, неолитини ўрганишда катта ишлар қилинди. Шимоли-шарқий Каспийбўйидаги кенг ҳудудларда – ғарбда Эмбе ва Сагизе дарёлари бўйларида тортиб жанубда Қорабўғоз районларида неолит даври ёдгорликлари топилди. Шулардан Қорабўғоз ёдгорликлари катта аҳамиятга эга. Чағил, Дефе-Чағанак, Хўжа-Су каби ёдгорликлар ёрқин ҳамда серияли материалларни бердиким, бу Қорабўғоз неолитининг Ўрта Осиёдаги синхрон маданиятлар орасида тутган ўрнини аниқлаш имконини беради.

Кейинги йилларда Эмбе ва Урал дарёлари оралиғида синчковлик билан тадқиқ қилинди. Улар ҳақидаги дастлабки маълумотлар биологлар томонидан келтирилган. Ахеологик харитада ҳозирги Доссор, Бекбеке ва Комсомолское каби қишлоқлар атрофида жойлашган неолит даври ёдгорликлари гуруҳи келтирилади. Геоморфологик жиҳатдан улар янги Каспий трансгрессиясининг ташқарида, Каспий денгизининг кўплаб регрессияси ва трансгрессияси оқибатида ҳосил бўлган ҳудудда жойлашган. Бу ҳудуд Каспийнинг геологик тарихини ўзида ёрқин акс эттирган ҳолатда сақлаб қолган. Денгиз сатҳининг охири пасайиши кўплаб қуйилишларнинг қуриб қолишига олиб келди (масалар, Ўлик Қўлтиқ, Комсомолск) ва улар ўрнида ҳозирда шўрхоқлар пайдо бўлган. Неолит даври ёдгорликлари ана шундай қуйилишларда жойлашган. Ушбу ёдгорликлар орасида Бекбеке 1 макони яхши сақланиб қолган. Бу ёдгорлик ёлғиз эмас ва бу ердан бир хил маданиятга хос 16 та пункт аниқланган.

Борисковский П. И. 19476. Палеолитические местонахождения в Туркмении. КСИИМК, вып. 18. С. 2.

Формозов А. А., 1949. Кельтеминарская культура в Западном Казахстане. КСИИМК, вып. 25.

Улар кам сонли материаллари берган. Бироқ, уларни бирлаштирганда ушбу комплекс ҳақида анчайин тўлиқ тасаввурларни беради.

Бекбеке 1 макони Қайнар дарёсининг қуруқ дельтасида, Бекбеке қишлоғидан 3 км ғарброкда жойлашган (Сағиз дарёси ҳавзасида). Бу ердан 2275 та тош ва 500 та сопол буюмлар парчалари топилган¹¹³. Бундан ташқари бу ердан ўнбештача чиғаноқлар ва ва бир нечта улардан тешиб ишланган мунчоқлар топилган.

Ёдгорликнинг тош қуроллари айрим учириндилар ва асосан, пластинкалардан ишланган. Пластинкалар ва қуроллар барча тош буюмларнинг 25 % ни ташкил этади. Буюмлар орасида кўплаб иккиламчи ишлов берилмаган, бироқ, ишлатилганлиги кўриниб турадиган пластинкалар ва уларнинг синиқлари ташкил қилади. Уларнинг сони 100 тани ташкил этади. Пластинкалар юпка ва тўғри елкали бўлиб, бу чақмоқлаш техникасининг юқори даражада ривожланганлигидан далолат беради. Қуролларнинг кўпчилигини микролитлар ташкил қилади. Ёдгорликнинг микроиндустрияси Н.Д. Праслов таъкидлагандек, бу ҳудуд ёдгорликлари индустриялари учун хосдир. Бошқа ёдгорликлар, масалан, Куттубай, Комсомолск, Бекбеке 3 ва 4 ёдгорликларидан йиғилган қуроллар, пластинкалар, нуклеуслар ҳам шунга ўхшашдир. Бу ердаги маконлардан Бекбеке 3 ва 4 ёдгорликлари қизиқарлидир. Ҳар иккала макон ҳам шу номли қишлоқнинг жануби-шарқида, бир-биридан 1,5 км масофада жойлашган. Уларнинг индустриясида Бекбеке 1 макони буюмларига энг яқин тош қуроллар мавжуд.

Бекбеке 1 макони тош қуроллари асосан уч турга ажралади: 1) узунчоқ призматик пластинкалардан ишланган қуроллар; 2) пластинкалар ва уларнинг синиқларидан ишланган вкладишли қуроллар; 3) вкладишли геометрик қуроллар.

Крижевская Л.Я. К вопросу о неолите Северо-Восточного Прикаспия. [\Палеолит](#) и неолит СССР. 7. 1972. С. 272.

Биринчи гуруҳнинг энг қизиқарли қуролларида бири – қирралари ўйиб-кертилган найза ўқидир (1-расм, 36). Бундай найза учларининг бўлаклари Бекбеке 3 ва 4 маконларидан ҳам топилган (1-расм. 41, 45). Шунингек, комплексларда турли хилдаги ёнлари ретушланган найза учлари катта ўрин тутди. Тўпламда из юзаси айланаси бўйлаб ва қўлда ушлаш учун қўлай бўлган қирралари ўтмаслаштирувчи ретушланган пармаловчи қурооллар ҳам мавжуд (5-расм. 28, 31) ва афтидан, улар қўндоқсиз ишлатилган. Коллекциядаги тош бигизлар тиғлари юпка ретушланган (1-расм. 27). Бигизлар сифатида қирралари ўтмаслаштирилган ва учлари ўткир пластинкалар ҳам ишлатилган (1-расм. 33).

Тўпламнинг тош пичоқ ва рандалари типологик жиҳатдан ишлатилган изларга эга ретушланган пластиналардир (1-расм. 23, 25, 29, 35, 37, 38). Улар ҳажмига ва ретушланиш усулларига кўра турличадир. Пичоқлар асосан уларнинг елкасига иккитарафлама ретушлаш ёрдамида шакллантирилган. Ушбу тоифага кўплаб ишлатилганлик изларига эга буюмларни ҳам киритиш мумкин. Баъзан уларнинг ретушланган қирралари ўйилган ёки дағаллашган. Бекбеке 1 маконининг энг йирик қурооллари пичоқлардир. Улардан энг йирикларининг бўйи 7 см ни ташкил қилади (1-расм. 37, 38). Бундай пичоқларнинг айримлари Комсомолмк ва Куттибой маконларидан топилган (1-расм. 47, 48).

Тўпламнинг тош рандалари бир, икки ёки учта иш қиррасига эга. Бу қирралар ретушлаш ёки ўйиб-кертишлар ёрдамида ишланган (1-расм. 25, 29, 35).

Коллекцияларнинг қирғиччаларининг (44 та) барчаси пластиналарнинг уч қисмларида шакллантирилган. Уларнинг асосий қисми бир хил типли, қалин бўлмаган, бироз бўртиб чиққан қиррали ва баъзиларигина қалин ҳамда тик иш қирралидир (1-расм. 12-14, 17, 24, 26, 42). Бу қирғиччалар асосан пластиналар, уларнинг синиқлари ва фақат айрим ҳоллардагина пластинасимон учириндилардан ясалган. Улардан

кўпчилиги бир ёки икки қирраларида ретушланган ва афтидан, улар композит қуроллар вазифасини бажарган. Баъзи ҳолларда уларнинг ўткир қирраларига ишлов берилган ва улар кесгиччалар вазифасини ўтаган бўлиши мумкин. Тўпламда қирғичларга ўхшаш йирик қирғиччалар учрамайди ва бир дона эни 3,5 см келадиган пластинадан ишланган қадин иш қиррали қирғиччани ҳисобга олмаганда (1-расм. 40). Тўпламда атипик қирғиччалар сериялари ҳам бўлиб, уларнинг иш қирралари ўйиб-кертиб ишланган исканага ўхшаш бўлиб, турли тош бўлақларидан ясалган (1-расм. 10, 34). Ушбу типдаги қирғиччаларнинг функционал йўналишлари ҳам фарқ қилади ва улар афтидан, ёғочга ишлов бериш ишларида искана сифатида қўлланилган. Тош қуроллар орасида бир дона аррача ҳам мавжуд (1-расм. 6).

Тўпламдаги қўндокка ўрнатиладиган тўғри бурчакли қуроллар (134 та) кичик ва ретушланиши турличадир. Улар асосан елка тарафдан бир хилда ва бир ёки икки тарафлама ишлов берилган. Баъзан уларнинг қорин тарафдан ретушланганлари ҳам учрайди. Елкалари ўтмаслаштирилган ретушли пластиналар тўпламда атиги учтагина аниқланган ва улар митти ҳажмдалиги билан ажралиб туради (1-расм. 2, 7, 8). Иккита қўндокли қуролларнинг қирраларида кесгич йўнилғиларини эслатадиган негативлар бор ва улар тасодифий характерга эга.

Тўпламнинг геометрик шаклдаги қўндокли қуроллари трапециялар, сегментлар ва учбурчаксимон қуроллардан таркиб топган. Улар жуда кам сонли (1-расм. 4, 9).

Шундай қилиб, бекбеке типдаги тош индустриялар Бекбеке ва унинг атрофидаги барча топилмажойлар учун характерлидир. Улар пластинасимон ва қадимий анъаналарга бориб тақаладиган чақмоқлаш техникасига ва уларга мос тош қуролларга эга.

Ушбу комплексларнинг сопол буюмларига келсак, бу ерлардан топилган сопол парчаларнинг кўп бўлишига қарамасдан бутун шакл берадиганлари кўп эмас. Уларнинг бутун нусхалари сақланмаганю бироқ,

уларнинг оғзи кенг ва деворлари тик ва гардиши бироз орқа тарафга қайрилган ҳамда туби учлироқ бўлган дейиш мумкин (2-расм). А.В. Виноградовнинг фикрича, худди шунга ўхшаш, фақат туби юмалоқ сопол идишлар Жонбос-Қалъа 4 маконининг қуйи қатламларидан топилган (Виноградов, 1968. С. 38). Бекбеке комплекслари сопол идишларининг гардиши юмалоқ, ясси ёи бироз қиялашаган ва ўткирлашган (3-расм. 1, 3, 4, 13). Деворларининг минимал қалинлиги 0,8 см, максимал қалинлиги эса 1,2 см. Бу идишларинг диаметри катта ва баъзан идишлар танасининг энг қалин жойи билан бир хил. Қирраларининг максимал диаметри 24 см ва минимал диаметри эса 18 смни ташкил қилади. Бу сопол идишлар туби ясси (4 та), юмалоқ (1 та) ва ўткирлашган тубли (1 та). Улар ўзларининг бошқа белгилари: лойининг таркиби, қалинлиги ва нақшлари билан бирига ўхшашдир (3-расм. 2, 5, 10, 14, 19). Ўзига хос ва ёрқин чизикли нақшлар ясси тубли идишларнинг туб қисмига чизилган (3-расм. 14, 19). Шундан келиб чиқиб, айтиш мумкинки, бу ерда уч хил турдаги сопол идишлар ҳукм сурган. Сопол идишлар тағларининг нисбатига кўра ясси тағли буюмлар кўпчиликини ташкил қилган. Ясси тағли идишлар қирралари четга ёки пастга бўртиб чиққан ҳолда ишланган, шунинг билан гўёки тағдон ҳосил қилинган ва у идишга таянч вазифасини ўтаган. Идиш тағи бироз кўтарилган ҳолда ва ерга тегмаган ҳолда бўлган (3-расм. 10, 14, 19). Бу сопол идишларнинг лойи яхши пиширил ва унга қориштирилган минераллар деярли сезилмайди. Бу идишлар таркибида чиғаноқлар қолдиқлари бироз кўринади. Бу чиғаноқлар майдаланган кум ёки шағал таркибида бўлган. Идишлар ташқай томондан синчиклаб текисланган ва баъзан бўёқ суркалган.

Комплексларнинг сопол идишлари бутнлай ёки қисман ўйиб нақшланган. Умуман чизма нақшинкорлик Урал-Ўрта Осиё сопол буюмларига хос “чеинаётган таёқча” услубида амалга оширилган. Бироқ, комплекснинг нақшлари ўзига хос бўлиб, улар анчайин энли инструмент ёрдамида қалин қилиб чизилган. Нақшинкорликда асосий услуб геометрик

фигураларнинг - бир-бирига перпендикуляр йўналишларда чизилган учбурчак, тўртбурчак ва эҳтимол, ромбларнинг комбинациялашувидан фойдаланилган (3-расм. 4, 16, 20). Сўнгра идишнинг асосий юзаси ўйма чизиқларнинг вертикал ёки бироз қиялашган қатори билан тўлдирилган. Асосий расмларга перпендикуляр тўртбурчалар қўшимча қилинган (2-расм). Ўзига хос нақшлардан бири тез ёзув шаклини эслатувчи калта (2-3 мм) “юриб бораётган” таёкча шаклидаги расмлардир (3-расм. 1, 7, 8). Бу идишнинг фрагментларига кўра фақат устки қисми нақшланган. Унинг пастки қисми ҳамда туби усталик билан ялтиратилган. Тўпلامда ялтиратилган сопол парчалар кўп учрайди ва улар ушбу идишга ёки шунга ўхшаш бошқа идишларга тегишли бўлиши мумкин. Шунинг учун уларнинг мавжудлиги тўпلامда нақшланмаган идишларнинг бўлганлиги ҳақида етарли далил бўла олмайди. Бу сополлардаги тароксимон композициялар тушунарсиз. Негаки, топилган буюмлар сополлар парчаларидан таркиб топган. Уларнинг фақат горизонтал ва қиялашган чизиқлари қаторлари сақланиб қолган, холос. Тўпلامда Урал типидagi “юриб кетаётган” тарок усулидаги нақшлар учрайди (3-расм. 2, 18, 21).

Шарқий Каспийбўйи неолитида сопол буюмлар узок вақт фақат Бекбеке 1 маконидан аниқланган эди. Фақатгина, 1967 йилларда Бекбеке 3ва 4 маконларидан ҳам сопол буюмлар қолдиқлари топилди. Бу ёдгорликлардан топилган сопол парчаларининг жуда кичиклигига қарамасдан, уларнинг лойи, қалинлиги ва асосан нақши Бекбеке 1 макони сопол буюмларига ўхшашлигини кўрсатади (3-расм. 9, 11, 12, 16. 17). Умуман, афтидан, бу ёдгорликларда сопол буюмлар қолдиқлари Ўрта Осиёнинг бошқа маконларида бўлгани сингари кам сонлидир.

Шундай қилиб, Бекбеке сополлари, унинг тош буюмлари қатори Урал-Ўрта Осиё маданиятлари доирасига кирсада, қатор ўзига хосликларга эга. Ундай ўзига хосликларга турли тубларга эга бўлган сопол буюмларнинг мавжудлигини киритишмумкин. Бундай ҳолат днепро-донецк маданияти ёдгорликларида ҳам кузатилган эди (Телегин, 1968).

Агар илгари сопол идишлар тагларининг шакли муҳим хронологик кўрсаткич бўлган бўлса (учли тубли сопол идишлар ясси тубли сопол идишлардан қадимийроқ ҳисобланган), днепро-донецк маданиятининг янги материалларининг гувоҳлик беришича, бу ҳамма вақт ҳам тўғри эмас экан. Бекбеке материалларига кўра икки типдаги сопол буюмларнинг бирга учраши кенг ҳудудларда, бир вақтда ва бошқа даврда тарқалган бўлиши мумкинлигини кўрсатди. Жанбос 4 маконидаги айрим ясси тубли сопол идишларга А.В. Виноградов катта эътибор беради¹¹⁴. Каспий бўйи ва унинг атрофидаги ҳудудларда учрамайдиган ва жайтун 2 босқичига хос бўлган ясси тагли сопол идишлар специфик шакллардан ҳисобланади¹¹⁵. Бекбекенинг сопларидаги нақшлар, айниқса, “тез ёзув” шаклидаги ўйма нақшлар ҳам ўзига хосдир.

Бекбеке неолитида ҳам хронологик ва ҳам этно-маданий тартибдаги белгиларни ажратиш мумкин. Биринчи белгиларга – комплексда бифасиал ишланган ва силлиқланган тош буюмларнинг, учириндилардан ясалган қуроолларнинг учрамаслиги ҳамда ёнлари ўйиб-кертиб ишланган фақат бир турдаги найза учларининг, экайе типдаги исканасимон қуроолларнинг мавжудлиги жуда кам сонли тароқсимон нақшларнинг борлигини киритиш мумкин. Ушбу белгиларнинг барчаси Бекбеке комплексларини илк неолит, яъни эр.ав. 4 минг йилликларнинг биринчи ярми билан саналаш имконини беради.

Этномаданий белгиларга Бекбеке ёдгорликларини бошқалардан ажратиб турадиган икки хил шаклдаги сопол ишдишларнинг бирга келишини киритиш мумкин. Бекбеке индустриясининг кўпгина элементлари уни Ўрта осий ва Уралдаги қатор неолит даври пластинали маданиятлар билан ўхшашликларини кўрсатади. Призматик пластиналар ва уларни чақмоқлаш техникаси ҳамда улардан тош буюмлар ясаш ва пармаловчи қуроолар, тош бигизлар, ён томонлари ўйиб-кертиб ишлов

Виноградов А.В. Неолитические памятники Хорезма. М.: 1968. С. 60-62. Крижевская Л.Я. Неолит Южного Урала. Л.: 1968. С. 26.

Массон В.М. Неолит Средней Азии. \МИА. № 166. 1970. С. 107-110. Рис. 2

берилган найза учларининг мавжудлиги билан Бекбеке комплекслари калтаминор маданияти ёдгорликларига ўхшашдир. Аммо, бундай умумий ўхшашликлар уларни Жанубий Урал индустриялари билан ҳам яқинлаштиради¹¹⁶. Шу вақтнинг ўзида бекбеке индустриясида қатор етакчи типлар учрамайди. Масалан, бир неча иш қиррасига эга бўлган тузкон типдаги тош рандалар ёки ассиметрик қўндоқли найза учлари Бекбекеда учрамайди. Бекбеке комплекслари индустрияларида кесгичлар ва шунга мос равишда кесгич йўнилғилари учрамайди. Жанубий Урал комплексларида эса кесгичлар кенг тарқалган. Бекбекега қўшни бўлган Устюрт неолити билан ҳам маълум тафовутлар мавжуд. Масалан, А.В. Виноградов таъкидлаганидек, Устюрт неолитини характерловчи белгилардан бири бўлган калтаминор типдаги пайконлар Бекбеке комплексларида учрамайди¹¹⁷. Бекбеке комплекслари индустрияларининг энг ёрқин ўзига хосликлари сифатида геометрик шаклдаги қўндоқли куролларни, шунингдек, ғарбда Волгадан Шимолий Кавказгача кенг тарқалган икки тарафлама ишлов берилган сегментларни келтириш мумкин¹¹⁸.

Бекбекенинг сопол буюмлари алоҳида ўзига хосликларга эга. Аммо, унга ҳам ҳозирда аналогиялар топилган. Уларнинг калтаминор сополларига ўхшаш шакллари ҳақида юқорида гапириб ўтдик. Сополлардаги нақшлар бундай ўхшашликларни узоқ ғарбга, яъни чап қирғоқ волгабўйи ёдгорликларига олиб кетади. Бу хусусият Ўрта Осиё маданиятлари билан қардош бўлган кенг маданий ҳудуд тўғрисида гапириш имконини беради. А.Н. Мелентевнинг фикрига кўра, бундай ҳудудлар шарқда Сам чўлидан ғарбда Уралгача кенг тарқалган бўлган¹¹⁹.

Виноградов А.В. Неолитические памятники Хорезма. М.: 1968. С. 60-62. Крижевская Л.Я. Неолит Южного Урала. Л.: 1968. С. 26.

Виноградов А.В. Неолитические памятники Хорезма. М.: 1968. С. 60-62.

Минаева Т.Н. Стоянка с микролитическим инвентарем на Черных землях. // КСИИМК. Вып. 58. М.: 1955. А.А. Формозов. Каменный век и энеолит кубанья. М.: 1965. Н.Д. Праслов. Памятники каменного века Южных Ергеней. [УКСИА](#). №126. 1971.

Мелентьев Работа Астраханской экспедиции. [УАО](#). 1969. С. 147-149.

Ҳозирда эса, асосан сополлардаги ўхшашликларга кўра ушбу маданий ҳудуднинг чегараларини Волганинг чап қирғоқларигача чўзиш мумкин. Ушбу кенг ҳудудлар орасида Бекбеке микрорайони ёдгорликлари алоҳида маданият ёки унинг варианты сифатида намоён бўлади.

У ёки бу неолит даври маданиятларининг шаклланишида турли алоқаларнинг аҳамияти масаласи ҳаммага маълум. Шимоли-Шарқий Каспийбўйининг неолити ҳам бундан мустасно эмас. У шубҳасиз, Жанубий Урал ҳамда Ўрта Осиёнинг маданиятлари қардошлиги доирасида шаклланган. Жанубий Урал ва Ўрта Осиё ўртасидаги оралиқ ҳудудда жойлашган ва уларни боғлаб турувчи звено сифатида, Урал ҳамда Эмба дарёлари оралиғи бўйлаб шимолий ва жанубий йўналишларда халқларнинг кўчишини кузатиш мумкин (бу ерда Урал дарёси бўйлаб). Тилга олинган ҳудудлар маданиятлари ўртасида доимий маданий алоқалар бўлиб турган¹²⁰.

Шимоли-Шарқий Каспийбўйи ёдгорликларининг жанубдаги кўшнилари билан (Жанубий Урал билан бўлгани каби) алоқаларини П.Д. Праслов чиғқноқлардан ишланган мунчоқлар асосида аниқлаган. Унинг фикрига қўшилган ҳолда, бу алоқаларни сопол буюмлардаги ўхшашликлар билан тўлдириш мумкин. Бундан ташқари, ёдгорликларнинг бошқа маданий алоқалари ҳақида ҳам гапириш жоиз. Калтаминор типидagi найза учларининг ва геометрик қуролларнинг бирга учраши комплексларнинг Ғарбий Каспий бўйи ва бошқа ҳарбий маданиятлар билан алоқасини кўрсатади. Каспийбўйи пасттекисликлари шимолда Урал, Кавказ тоғлари ва Каспий денгизи оралиғидаги ўзига хос йўлак вазифасини ўтаган. Бу йўлак қадимги аҳолининг турли томонларга тарқалиши учун қулай жой бўлиши билан бирга, нафақат қон-қардошлик, балки хўжалик алоқаларини амалга ошириш учун ҳам имкониятлар яратган. Бундай алоқалар шубҳасиз, яна бир ўзига хос неолит даври маданиятининг шаклланишида муҳим рол ўйнаган.

Бадер Уралский неолит. \ МИА. №166. 1970. С. 160.

Жебел ғорининг 4-қатлами материаллари мезолит давирдан неолит давирга ўтишни ўзида акс эттиради. Ғорнинг юқориги 3 та қатлами 3-минг йилликларга оид бўлса, 4-илк неолит даврига оид қатлам материалларини эр.ав. 4-минг йилликларга оид деб ҳисоблаш керак¹²¹.

Жебел ғорининг юқори учта қатлами энеолит ёки илк бронза даврларига оид деб топилган. Учинчи қатлам учун призматик шаклдаги нуклеуслар характерлидир. Тўпламда шунингдек, қирғичча сифатида ишлатилган нуклеус ҳам мавжуд.

Тўпламнинг пичоқсимон пластиналари орасида қирралари ўйиб-кертиб ишланганлари ҳам мавжуд. Бироқ улар энди кўп эмас. Коллекцияда тош бигизлар ҳам учрайди. Қирғиччалари учириндилар ёки пластиналарнинг учларида шакллантирилган ва тўғри шаклли. 3-қатлам тош буюмлари орасида энг характерлиси найза учларидир. Ушбу найза учларидан бири архаик кўринишга эга ва у энли пичоқсимон пластинадан бир тарафлама ишлов берилган. Шакли баргсимон ва кўндоғи синчиклаб ишланган. Тўпламнинг қолган найза тиғлари неолит даври учун типикдир, яъни икки тарфлама ишлов берилган. Қолган 1-ва 2-қатламларнинг тош буюмлари 3-қатламникига ўхшашдир. 1-қатлам индустрияси учун ромбсимон шаклли ва қирралари аррасимон тиғлар характерлидир. Шунингдек, қатламда кўндоқлари синчиклаб ишланган бифасиал тиғлар ҳам мавжуд. Юқори учта қатламнинг барчасидан кўпол, архаик кўринишдаги чаплама сопол идишлар бўлаклари топилган. Аммо, улар билан бирга ушбу қатламларда чархда ишланган, ташқи томони силлиқланган, тўқ кулрангли, саёз ҳамда тор нақшлар билан безатилган сопол буюмлар қолдиқлари ҳам учрайди. Ёдгорликнинг учинчи қатламида сўнги неолит даври материаллари ўз аксини топган бўлса, 2-ва 3-қатламлар буюмлари энеолит даврига хос маданий кетма-кетликни ифода этади.

Окладников А. П. 1956в. Пещера Джебел — памятник древней культуры прикаспийских племен Туркмении. ТЮТАКЭ, т. 7. С. 206.

Бу даврда каспийбўйи қабилалари хўжалигидаги ўзгаришлар катта аҳамиятга эга. Ушбу юқори қатламлар материаллари асосида бу ерда майда шохли ҳайвонларни хонакилаштиришга асосланган чорвачилик шаклланган дейиш мумкин. Жебелнинг юқори қатламларидан хонакилаштирилган қўй ва эчкининг суяк қолдиқлари топилган. Ёдгорликни юқори учта қатламлари ғовак тупроқли ва кулли бўлиши билан бирга қўй ва эчки гўнглари билан тўлган. Бу ҳолат ҳам ушбу даврда чорвачилик ҳукм сурганлигини яққол кўрсатади.

Бир вақтнинг ўзида бу ерда деҳқончилик изларини ҳам кузатиш мумкин. Оддий типдаги қайиксимон ёрғучоқлар шундан далолат беради. Юқори маданий қатламлардан топилган ушбу ёрғучоқлар ғорда яшаган қабилалар томонидан беркитиб қўйилган ва кейинги ташрифларида улардан қайта фойдаланишни кўзда тутганлар, бироқ ўз мақсадларига эриша олмаганлар. Ушбу далил Жебел ғорида истиқомат қилган қадимги аҳоли ҳаёт тарзини акс эттиради. Ғорда одамлар доимий яшамаганлар, балки вақти-вақти билан уни ташлаб кетганлар ва ярим дарбадар ҳолатда яшаганлар. Каспийбўйи аҳолисининг бундай ҳаёт тарзида оғир ёрғучоқларни ўзлари билан олиб юриш мақсадга мувофиқ бўлмаган. Ёрғучоқларни ва шунга ўхшаш оғир буюмларни нисбатан узоқ муддат истиқомат қилинадиган маконларга яшириб кетиш қулай бўлган. XIX асрда яшаган австралияликлар ҳам ўзларининг ясси шаклли ёрғучоқларини шундай ташлаб кетганлар. Вонконгуру қабиласида ёрғучоқларни пиддини деб аташади. Горннинг хабар беришича: “йирик пиддиниларни ерлик аҳоли ўзлари билан олиб юрмасдан маконга ташлаб кетганлар ва афтидан, ҳар бир одамнинг турли маконларда ташлаб кетилган бир нечта ёрғучоқлари мавжуд бўлган. Бошқа жойга келганларида улар ўзларининг пиддиниларини топиб олганлар”¹²².

Максимов СЕ. 1944. Находка палеолита в районе Аральского моря. УЗЛГУ, № 70, сер. геол.-почв. наук, вып. I. С. 29-30.

Таъкидлаш жоизки, Жебелнинг 1, 2 ва 3-қатламларидан анорнинг пўстлоғи ва ўрикнинг донаклари қолдиқлари топилган¹²³.

Бу ерда деҳқончилик ва чорвачилик қандай пайдо бўлди деган саволга юқори қатламлардан топилган чархда ишланган ва шубҳасиз бирон жойдан олиб келинган сопол идишлар парчаларига кўра жавоб бериш мумкин. Бундай сопол буюмлар бронза даврига оид Астрободдаги Шох-тепа ва Қизил-Арватдаги илк деҳқончилик маконларида учрайди. Бу сополларнинг мавжудлиги Каспий бўйи қабилаларида қўшни ҳудудлар аҳолиси билан алоқалар йўлга қўйилганлигини ва кенг айирбошлаш мавжуд бўлганлигидан гувоҳлик беради.

Окладников А. П. 1956в. Пещера Джебел — памятник древней культуры прикаспийских племен Туркмении. ТЮТАКЭ, т. 7. С. 202.

Хулоса

Шундай шарқий Каспий бўйи ҳудудлари илк палеолитнинг ўрталаридан бошлаб ибтидоий одамлар томонидан ўзлаштирилган. Бу ердаги энг қадимги ёдгорликлар Красноводск-Ашхабад темир йўлининг 39-40-41-43-километрларидан топилган. Улардан энг яхши ўрганилганларингажа ва Қоратенгир топилмажойларидир. Бу ёдорликлар қўпол қўл чўқморлари билан характерланади.

Палеолит даврининг ўрталарига оид топилмалар ҳам йиғма материаллардан иборатдир. Бу даврга оид устахоналардан бири Красноводск ярим оролидаги Красноводск-Ашхабад темир йўлининг 39-километридан топилган.

Устахона қолдиқлари ғовак қумли тепаликнинг этакларидан топилган. Топилмалар нисбатан кичик майдонда (100 м^2) аниқланган, бироқ айрим буюмлар анча катта ҳудудларга сочилиб ётади. Қадимги усталар теваарак атрофдаги тош ғўлалар ва бўлақларини йиғиб олишиб, ишлов берганлар. Чакмоқтош бўлақлари орасида кўп сонли нуклеуслар аниқланган. Уларнинг кўпчилиги гардиш шаклига эга бўлиб, улар ўрта палеолит даврининг гардишсимон ўзакларидан кескин фарқ қилади. Бироқ, ҳали улар анчайин қўпол бўлиб, тўғри шаклларга эга эмас. Шунинг билан бирга ушбу нуклеуслар юзасида радиал эмас, балки қирраларидан бир йўналишда марказгача давом этган йўналиш неготивлари учрайди. Бундай нуклеуслар сўнги палеолитнинг бошларига оид техникага хосдир.

Материалларда орасида мусте типидagi қўпол, энли ва нотўғри елкали пластиналар ўрнига янги, анча тўғри елкали, юпқа ва тор пластиналар пайдо бўлади. Бу пичиқсимон пластиналар 39-километрдар топилган нуклеуслар билан бирга ётарди. Бу пластиналардан қирғиччалар ва юпқа пайкон-бигизлар ясалган бўлиб, улар ёрдамида ёғоч ва суякни кесиш ҳамда бошқа гравюра ишларини бажаришда фойдаланиш мумкин бўлган. Шунингдек, бигизлар теридан дағал оёқ кийимлар, устки кийимлар

ва эҳтимол, овқат сақлаш учун халта-идишлар, сумкалар тайёрлашда тешгич сифатида фойдаланиш мумкин¹²⁴.

Ушбу устахонадаги призматик нуклеуслар ҳамда пластиналар умумий кўринишининг примитивлиги, нуклеуссимон куролларнинг мавжудлиги ёдгорликнинг анчайин қадимийлигини кўрсатади. Муҳим жиҳатлардан бири шундаки, устахонада Паластиндаги илк сўнги палеолит даврига оид ғор маконларидагига ўхшаш нуклеуссимон куроллар сериялари учрайди ва бу ёдгорликлар Ғарбий Оврўпанинг ориняк маданияти даврига мос келади¹²⁵. Ёғочга ишлов беришда ва бошқа мақсадларда қўлланиладиган ушбу нуклеуссимон куроллар Р. Невил схемаси бўйича Паластин сўнги палеолитининг энг қуйи тўртинчи қатламида пайдо бўлади. Улар Паластин сўнги палеолитнинг У ва VI фазаларидан кенг тарқалади¹²⁶. Рандага ўхшаш нуклеуссимон куроллар Кавказ сўнги палеолитнинг илк фазасига ҳам характерлидир ва улар мусте даври тош буюмлари билан бирга учрайди. Шулардан келиб чиқиб, 39-километрдан топилган устахона материалларини сўнги палеолит даврининг бошлари билан саналаш мумкин.

Ўрта палеолит даврига оид устахоналардан бири Красноводск ярим оролидаги Красноводск-Ашхабод темир йўлининг 39-километрдан топилган.

Устахона қолдиқлари ғовак қумли тепаликнинг этакларидан топилган. Топилмалар нисбатан кичик майдонда (100 м^2) аниқланган, бироқ айрим буюмлар анча катта ҳудудларга сочилиб ётади. Қадимги усталар теваарак атрофдаги тош ғўлалар ва бўлақларини йиғиб олишиб, ишлов берганлар. Чакмоқтош бўлақлари орасида кўп сонли нуклеуслар аниқланган. Уларнинг кўпчилиги гардиш шаклига эга бўлиб, улар ўрта

Окладников А.П. 1956а. Палеолитическое время на Тянь-Шане и Енисее // История Киргизии. Т.1. Фрунзе. С. 103.

Garrod D. The paleolithic of Southern Kurdistan. Bull. Of the Americ. School of Prehist. Research. 1935. T. VI. P. 930.

Вишняцкий Л.Б. Палеолит Средней Азии и Казахстана. Л. 1990. С. 106.

палеолит даврининг гардишсимон ўзакларидан кескин фарқ қилади. Бироқ, ҳали улар анчайин қўпол бўлиб, тўғри шаклларга эга эмас. Шунинг билан бирга ушбу нуклеуслар юзасида радиал эмас, балки қирраларидан бир йўналишда марказгача давом этган йўнилғи негативлари учрайди. Бундай нуклеуслар сўнги палеолитнинг бошларига оид техникага хосдир.

Материалларда орасида мусте типдаги қўпол, энли ва нотўғри елкали пластиналар ўрнига янги, анча тўғри елкали, юпка ва тор пластиналар пайдо бўлади. Бу пичиксимон пластиналар 39-километрдар топилган нуклеуслар билан бирга ётарди. Бу пластиналардан қирғиччалар ва юпка пайкон-бигизлар ясалган бўлиб, улар ёрдамида ёғоч ва суякни кесиш ҳамда бошқа гравюра ишларини бажаришда фойдаланиш мумкин бўлган. Шунингдек, бигизлар теридан дағал оёқ кийимлар, устки кийимлар ва эҳтимол, овқат сақлаш учун халта-идишлар, сумкалар тайёрлашда тешгич сифатида фойдаланиш мумкин¹²⁷.

Ушбу устахонадаги призматик нуклеуслар ҳамда пластиналар умумий кўринишининг примитивлиги, нуклеуссимон қуролларнинг мавжудлиги ёдгорликнинг анчайин қадимийлигини кўрсатади. Муҳим жиҳатлардан бири шундаки, устахонада Паластиндаги илк сўнги палеолит даврига оид ғор маконларидагига ўхшаш нуклеуссимон қуроллар сериялари учрайди ва бу ёдгорликлар Ғарбий Оврўпанинг ориняк маданияти даврига мос келади¹²⁸. Ёғочга ишлов беришда ва бошқа мақсадларда қўлланиладиган ушбу нуклеуссимон қуроллар Р. Невил схемаси бўйича Паластин сўнги палеолитининг энг қуйи тўртинчи қатламида пайдо бўлади. Улар Паластин сўнги палеолитнинг V ва VI фазаларидан кенг тарқалади¹²⁹. Рандага ўхшаш нуклеуссимон қуроллар Кавказ сўнги палеолитнинг илк фазасига ҳам характерлидир ва улар мусте

Окладников А.П. 1956а. Палеолитическое время на Тянь-Шане и Енисее // История Киргизии. Т.1. Фрунзе. С. 103.

Garrod D. The paleolithic of Southern Kurdistan. Bull. Of the Americ. School of Prehist. Research. 1935. T. VI. P. 930.

Вишняцкий Л.Б. Палеолит Средней Азии и Казахстана. Л. 1990. С. 106.

даври тош буюмлари билан бирга учрайди. Шулардан келиб чиқиб, 39-километрдан топилган устахона материалларини сўнги палеолит даврининг бошлари билан саналаш мумкин.

Шарқий Каспийбўйининг мезолит даври ёдгорликлари Красноводск яримороли (Жебел ғори, Қасқирбулок), Қорабуғозбўйи (Хўжасу 1, Дефе-Чеганак), Балханбўйи (Кайлю, Дам-Дам-Чашма 1 ва 2 ғорлари, Қараилем макони), қуйи Узбой (Келкор ва Актам топилмажойлари, Сенгражи 1 ва бошқалар) каби ҳудудларда концентрациялашган. Ҳозирда бу ерда 30 га яқин топилмажойлар ва 4 та кўп қатламли ғорлар мавжуд: Жебел, Кайлю, Дам-Дам-Чашма 1 ва 2 ғорлари. Ушбу ёдгорликларнинг материаллари нафақат Ўрта Осиё, балки бутун Яқин Шарқ ҳудудлари мезолит даври материалларини ўрганишда асосий аҳамиятга эгадир.

Шундай қилиб, Шарқий Каспийбўйининг мезолит даври Жебел ғорининг 8-7 қатламлари, Дам-Дам-Чашма 2 ғорининг 8-4-қатламлари, Дам-Дам-Чашма 1 ғорининг 4-қатлами, Кайлю ғорининг қуйи қатлами ва кўплаб топилмажойлар материалларидан иборатдир. Бу ердаги ғорларни қазииш ишлари ва тўпланган материаллар Каспийбўйи мезолитининг маданий-даврий манзарасини тиклаш имконини беради ҳамда Ўрта Осиё ва Яқин Шарқ мезолит даври комплексларининг хронологияси ва даврлаштириш масалаларига таянч бўлган стратиграфияни беради. Ушбу материалларни таҳлил қилиш ва уларни Яқин Шарқдаги мезолит комплекслари билан таққослаш Шарқий Каспийбўйи ҳудудларида икки гуруҳ ёдгорликларни ажратиш имконини берди¹³⁰ Ушбу гуруҳлардан бири шартли равишда балханбўйи гуруҳи деб номланиб, ўзида Дам-Дам-Чашма 2 ғорининг 8-4 қатламлари, Жебелнинг 8-7 қатламлари, Қасқирбулок ва

Коробкова Г.Ф. Культуры Средней Азии в эпоху мезолита и неолита. Проблемы Археологии Средней Азии. ТД и сообщ. к совещанию по археологии Средней Азии. (1-7 апрель. , 1968 г.). Л.: 1968. С. 15, 16; Коробкова Г.Ф. Мезолит Средней Азии и его особенности. КСИА. 149. 1977. С. 109, 112.

бошқа топилмажойлар материалларини бирлаштиради¹³¹. Бу гуруҳ индустриялари микролитлашган элементга эга пластинасимон чақмоқлаш техникаси билан характерланади.

Шарқий Каспийбўйида жойлашган даврига оид иккинчи гуруҳ ёдгорликлар шартли равишда зарзий типигаги Каспийбўйи мезолити маданияти деб номланган. Ушбу гуруҳ Кайлю ғорининг қуйи қатламларини, Дам-Дам-Чашма 1 ғорининг 4-маданий қатламини ҳамда Хўжа-сув макони ва бошқа топилмажойлар материалларини камраб олади¹³².

Бу гуруҳнинг индустрияси, биринчи гуруҳда бўлгани сингари пластиналар ишлаб чиқариш техникаси билан характерланади. Аммо, улар биринчи гуруҳ индустрияларидан микролитли хусусиятларининг кўплиги, тановорлар ҳамда асосий тош қуролларининг бошқачалиги билан ажралиб туради. Тановорлар орасида етакчи формалар тўғри елкали, узунчоқ ва йирик пластиналар, микропластинкалар ва учириндилардан иборат.

Шарқий Каспийбўйи мезолитининг санаси масаласида ҳам бир хил қарор йўқ. Юқорида келтирилган фикрлардан келиб чиқиб, ушбу ҳудуднинг мезолит даври эр.ав. 10 - 7- минг йилликлар оралиғида деб ҳисоблаш мумкин.

Шарқий Каспий бўйининг сўнги мезолит даврида хўжаликда сезиларли ўзгаришлар содир бўлди. В.И. Цалкин томонидан Дам-Дам-Чашма 2 ғорининг 4-қатлами суяклари орасидан хонакилаштирилган эчки ва қўйнинг суяк қолдиқлари қайд этилган¹³³.

Борисковский П.И. К вопросу о древнейшем заселении Туркменистана // Тр. Апшбадского унив-та. 1. 1947а. Борисковский П.И. Палеолитические местонахождения в Туркмении // КСИИМК . 18. 1947б.

Коробкова Г.Ф., Крижевская Л.Я., Мендельштам А.М. К вопросу о неолите Прикаспия // История, этнография и археология Средней Азии. М.: 1968. С. 53-56.

Марков Г.Е. Грот Дам-Дам-Чашма 2 в Восточном Прикаспии // СА 2. 1966а. С. 129. Цалкин В.И. Новейшие домашние животные Средней Азии [\Сообщ.](#) II. ВМОИП. 4. Хамракулиев С. Каменный век Прибалханы: (Восточный Прикаспий): автореф. дисс. к.и.н.М.: 1981. С. 16.

Каспийбўйи қабилаларининг илк неолит давридаги ҳўжалигида овчиликдан ташқари, балиқчилик ҳам муҳим ўрин тутган. Шунингдек, бу катламлардан ёрғучоқларнинг ҳам қолдиқлари топилган. сс

Мезолитнинг охири ва неолит даври аҳолисининг диний қарашлари ва маросимлари ҳақида шу даврга оид қабрлар маълумот беради. Бундай қабрлардан иккитаси Кайлю ғори яқинидан очиб ўрганилган. Улар денгиз террасаларига кўмилган бўлиб, усти лой тупроқ ва шағаллар билан тўлғазилган. Майитлар елкаси билан ётқизилиб, туз туфайли анчайин емирилиб кетган ва қўллари белларига йиғилган ҳолатда кўмилган. Марҳумлар баъзи жойлари устига охра сепилган ва бу суяклар рангининг кизил тусга киришига олиб келган.

Шимоли-Шарқий Каспийбўйи ёдгорликларининг жанубдаги кўшнилари билан (Жанубий Урал билан бўлгани каби) алоқаларини П.Д. Праслов чигноқлардан ишланган мунчоқлар асосида аниқлаган. Унинг фикрига кўшилган ҳолда, бу алоқаларни сопол буюмлардаги ўхшашликлар билан тўлдириш мумкин. Бундан ташқари, ёдгорликларнинг бошқа маданий алоқалари ҳақида ҳам гапириш жоиз. Калтаминор типидagi найза учларининг ва геометрик қуролларнинг бирга учраши комплексларнинг Ғарбий Каспий бўйи ва бошқа ҳарбий маданиятлар билан алоқасини кўрсатади. Каспийбўйи пасттекисликлари шимолда Урал, Кавказ тоғлари ва Каспий денгизи оралиғидаги ўзига хос йўлак вазифасини ўтаган. Бу йўлак қадимги аҳолининг турли томонларга тарқалиши учун қулай жой бўлиши билан бирга, нафақат қон-қардошлик, балки ҳўжалик алоқаларини амалга ошириш учун ҳам имкониятлар яратган. Бундай алоқалар шубҳасиз, яна бир ўзига хос неолит даври маданиятининг шаклланишида муҳим рол ўйнаган.

ФҶЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР

1. Каримов И.А. Тарихий хотирасиз келажак йўк. «Фан». Тошкент. 1998.
2. Берг Л.С. 1929. Рельеф Туркмении // Туркмения. Т.2. Л. С. 27.
3. Бадер Уралский неолит. \ МИА. №166. 1970. С. 160.
4. Бахта В., Марков Г. Е. 1959. Археологическая разведка 1957 г. в Западной Туркмении. ТИИАЭ АН Туркм. ССР, т. 5.
5. Каримов И.А. Ўзбекистоннинг ўз истиклол ва тараққиёт йўли. Т., “Ўзбекистон”, 1992.
6. Береговая Н.А. 1984. Палеолитические местонахождения СССР. Л. С. 40.
7. Борисковский П.И. 1947. К вопросу о древнейшем заселении Туркменистана // Труды Ашхабадского гос. пед. института. Вып.1.
8. Борисковский П.И. 1947а. Палеолитические местонахождения в Туркмении // КСИИМК. Вып. 18.
9. Борисковский П.И. Палеолитические местонахождения в Туркмении \ КСИИМК 18. 1947б.
10. Виноградов А. В. 1955. Неолитические украшения из створок Раковин Didasna. (По материалам раскопок в Северной Туркмении). КСИИМК, вып. 59.
11. Виноградов А.В. Неолитические памятники Хорезма. М.: 1968. С. 60-62.
12. Виноградов А. В. Н Итина М. А. 1959. [Рец. на кн.:] Памятники культуры каменного и бронзового века Южного Туркменистана. [Вып. 1]. 1956. (ТЮТАКЭ, т. 7). СЭ, № 1. С. 159.
13. Вишняцкий Л.Б. 1987. Палеолитическое местонахождение Га-Куш в Туркмении // КСИА. Вып.189. С.107.
14. Вишняцкий Л.Б. 1989. Палеолит Красноводского полуострова // Известия АН ТССР. Серия обществ, наук. N.3.

15. Вишняцкий Л.Б. 1989а. Изучение палеолита Средней Азии (материалы, методы, концепции) // СА. N.1.
16. Вишняцкий Л.Б. 1989. Палеолит Красноводского полуострова // Известия АН ТССР. Серия обществ, наук. N.3.
17. Вишняцкий Л.Б. 1990. Палеолит Средней Азии и Казахстана. Л. 1990. С. 145.
18. Вишняцкий Л.Б., Хамракулиев С. 1986. Мастерские каменного века в районе Янгаджи // Известия АН ТССР. Серия обществ, наук. N.2. рис. 1. С. 146.
19. Герасимов И.П. 1937. Каспийское море в четвертичный период. (К вопросу о стратиграфии древнекаспийских отложений) //Труды Советской секции Международной ассоциации по изучению четвертичного периода. Вып.3. Л.-М.
20. Губаев А. Археология Туркменистана. Под . Ред. Кошеленко Г.А. изд. "Магарыф" Ашхабад., 1989,стр. 114-115
21. Долуханов П.М. 1977. Работы в Западной Туркмении // АО 1976г.
22. Долуханов П.М. 1985. Аридная зона Старого Света в позднем плейстоцене и голоцене // ИВГО. Т. 117. Вып.1.
23. Долуханов П.М. 1987. Палеоэкологические условия на территории Средней Азии в позднем плейстоцене и голоцене // Информационный бюллетень Международной ассоциации по изучению культур Центральной Азии. Вып. 12.
24. Замятнин С.Н. 1951. О возникновении локальных различий в культуре палеолитического периода// Труды Института этнографии АН СССР. Т. 16.
25. Исламов У.И. Мезолит Средней Азии. Автореф. Дисс. Д.и.н. 1977. С. 20-21.
26. История Туркменской ССР. Том I. кн. I. Ашхабад., 1957, стр. 29-34.

27. Коробкова Г.Ф. Проблема культур и локальных вариантов в мезолите и неолите Средней Азии \ КСИА. 122. 1970.
28. Коробкова Г.Ф. Проблема культур и локальных вариантов в мезолите и неолите Средней Азии: (по материалам каменной индустрии) \ СА. 3. 1975.
29. Коробкова Г.Ф. Орудия труда и хозяйства неолитических племен Средней Азии. [\МИА](#) М. 158. 1969. С. 92-96.
30. Коробкова Г.Ф. Проблема культур и локальных вариантов в мезолите и неолите Средней Азии \ КСИА. 122. 1970. С. 23-23.
31. Коробкова Г.Ф. Мезолит Средней Азии и его особенности. КСИА. 149. 1977. С. 109, 112.
32. Коробкова Г.Ф. Орудия труда и хозяйства неолитических племен Средней Азии. [\МИА](#) М. 158. 1969. С. 92-96.
33. Коробкова Г.Ф. Памятники с яниславскими элементами на территории СССР. \ Памятники древнейшей истории Евразии. М. 1975. С. 23.
34. Коробкова Г.Ф. Культуры Средней Азии в эпоху мезолита и неолита. Проблемы Археологии Средней Азии. ТД и сообщ. к совещанию по археологии Средней Азии. (1-7 апрель. , 1968 г.). Л.: 1968. С. 15, 16;
35. Коробкова Г.Ф. Мезолит Средней Азии и его особенности. КСИА. 149. 1977. С. 109, 112.
36. Коробкова Г.Ф. Памятники с яниславскими элементами на территории СССР. \ Памятники древнейшей истории Евразии. М. 1975. С. 23.
37. Коробкова Г.Ф., Крижевская Л.Я., Мендельштам А.М. К вопросу о неолите Прикаспия \ История, этнография и археология Средней Азии. М.: 1968. С. 53-56.
38. Крижевская Л.Я. К вопросу о неолите Северо-Восточного Прикаспия. [\Палеолит](#) и неолит СССР. 7. 1972. С. 272.
39. Крижевская Л.Я. Неолит Южного Урала. Л.: 1968. С. 26. Минаева Т.Н. Стоянка с микролитическим инвентарем на Черных землях. \ КСИИМК. Вып. 58. М.: 1955.

40. Леонтьев О.К., Маев Н.Г., Рычагов Г.И. 1977. Геоморфология берегов и дна Каспийского моря. М. с. 172.
41. Любин В.П. 1984. Палеолит Туркмении //СА. N.1.
42. Максимов СЕ. 1944. Находка палеолита в районе Аральского моря. УЗЛГУ, № 70, сер. геол.-почв. наук, вып. I. С. 29-30
- Марков Г.Е. Грот Дам-Дам-Чашма 2 в Восточном Прикаспии //СА 2. 1966а. С. 122.
43. Марков Г.Е. Раскопки памятника первобытной культуры в Западном Туркменистане – грота Дам-Дам-Чешме 2 // ИАН ТССР. 2. 1966б.
44. Марков Г.Е. Раскопки памятника первобытной культуры в Западном Туркменистане – грота Дам-Дам-Чешме 2 // ИАН ТССР. 5. 1966в.
45. Марков Г.Е. Грот Дам-Дам-Чашма 2 в Восточном Прикаспии //СА 2. 1966а. С. 122.
46. Марков Г.Е. Материалы по каменному веку Прибалханы // Материальная культура Туркменистана. Ашхабад.
47. Марков Г.Е. Раскопки первобытной стоянки Оюклы // ВМГУ. Сер. История 3.
48. Марков Г.Е. Памятники каменного века Западной Туркмении и проблема типологии археологических культур в мезолите и неолите // ИМКУ. 12. 1975.
49. Марков Г.Е. Проблема сравнительной археологической и этнографической типологии культур [//Проблемы](#) типологии и этнографии. М. 1979. С. 153-154.
50. Марков Г.Е. Памятники первобытности в Восточном Прикаспии – грот Дам-Дам-Чешме 1 // ВМГУ. Сер. 8. История 3. 1981. С. 13.
51. Марков Г.Е., Дурдыев Б.М. Новые исследования первобытных памятников в Прикаспии. [//Каракумские](#) древности. Ашхабад. 5. 1977.
52. Массон В.М. К вопросу о мезолите Передней Азии // У истоков древних культур: (эпоха мезолита) [//МИА](#). М.-Л. 176. 1966. С. 168.
53. Массон В.М. Неолит Средней Азии. // МИА. № 166. 1970. С. 107-110.
- Рис. 2

54. Медоев А.Г. 1982. Геохронология палеолита Казахстана. Алма-Ата. С. 14.
55. Медоев А.Г. 1972. Радиальная система изготовления нуклеусов ле-валлуа в древнем палеолите Сары-Арка и Мангышлака // Поиски и раскопки в Казахстане. Алма-Ата. М. С. 17.
56. Медоев А.Г. 1982. Геохронология палеолита Казахстана. Алма-Ата. С. 22.
57. Медоев А.Г. 1980. Ориентиры древности. Декоративное искусство СССР. N.2. С. 622.
58. Медоев А. Г. 1980а. Проблемы палеолита Казахстана (начальный этап). М. С. 16.
59. Мелентьев Работа Астраханской экспедиции. [\АО](#). 1969. С. 147-149.
60. Мурзаев Э.М. 1957. Физико-географическое описание и экономическая характеристика // Геология СССР. Т.22. Туркменская ССР. М. С. 42.
61. Никитюк Л.А. 1932. Геологические и гидрогеологические исследования в восточной части Красноводского полуострова // Геологические и гидрогеологические исследования Красноводского полуострова. М-Л. С. 29.
62. Окладников А.П. 1949. Изучение древнейших археологических памятников Туркмении // КСИИМК. Вып.28. С. 68.
63. Окладников А.П. 1951. Древнейшие археологические памятники Красноводского полуострова // Труды ЮТАКЭ. Т.2.
64. Окладников А.П. Изучение каменного века в Туркмении. (по данным работ 9-отряда ЮТАКЭ в 1952 г.) ИАН ТССР. Ашхабад. 2. 1953. С. 17.
65. Окладников А.П. 1956. Древнейшее прошлое Туркменистана // Труды Института истории, археологии, этнографии АН ТССР. Т.1. С. 186;
66. Окладников А.П. 1956а. С. 7. Палеолитическое время на Тянь-Шане и Енисее // История Киргизии. Т.1. Фрунзе. С. 102.
67. Окладников А.П. Пещера Джебел – памятник древней культуры Прикаспийских племен \ ТЮТАКЭ. 7. 1956б.

68. Окладников А.П. Древнейшее прошлое Туркменистана (древние охотники и собиратели в степях и пустынях Туркменистана) [\ТИИАЭ](#) АН ТССР. Ашхабад. 1. 1956в.
69. Окладников А.П. 1958. Пещера Джебел - памятник древней культуры прикаспийских племен Туркмении // Труды ЮТАКЭ. Т.7.
70. Окладников А.П. 1966. Палеолит // Средняя Азия в эпоху камня и бронзы. М.-Л. С. 17.
71. Окладников А.П. Верхнепалеолитическое и мезолитическое время\Средняя Азия в эпоху камня и бронзы. М.-Л. 1966а. С. 62.
72. Окладников А.П. Древнейшие археологические памятники Красноводского полуострова. ТЮТАКЭ. 2. 1981.
73. Окладников А.П. Изучение памятников каменного века в Туркмении (по данным работ 9-го отряда ЮТАКЭ в 1952 г.). \ ИАН ТССР. Ашхабад. 2. 1981.
74. Праслов Н.Д.. Памятники каменного века Южных Ергеней. [\КСИА](#). №126. 1971.
75. Ранов В.А. 1978. Палеолит Переднеазиатских нагорий // Палеолит Ближнего и Среднего Востока. Л. Забек-Коогоз, 1974, с. 58.
76. Ранов В.А. 1973. Шугноу - многослойная палеолитическая стоянка в верховьях р. Яхсу (раскопки 1969-1970гг.) // АРТ. Вып. 10. С. 62.
77. Ранов В.А. 1964. О связях культур палеолита Средней Азии и некоторых стран зарубежного Востока. М. С. 4.
78. Таймагамбетов Ж.К. 1987. Проблемы палеолита Западного Казахстана // Задачи советской археологии. Суздаль.
79. Толстов С.П. 1958. Работы Хорезмской экспедиции АН СССР в 1949-1953гг. // Труды Хорезмской археолого-этнографической экспедиции. Т.2. с. 44.
80. Федоров П.В. 1957. Стратиграфия четвертичных отложений и история развития Каспийского моря // Труды Геологического института АН СССР. Вып. 10.

81. Формозов А. А., 1949. Кельтеминарская культура в Западном Казахстане. КСИИМК, вып. 25.
82. Формозов А.А. Каменный век и энеолит кубанья. М.: 1965.
83. Хамракулиев С. Новые исследования в гроте Дам-Дам-Чешме 2 \ ИАН ТССР. Сер. Обществ. 6. 1979.
84. Хамракулиев С. Каменный век Прибалханья: (Восточный Прикаспий): автореф. дисс. к.и.н.М.: 1981. С. 16.
85. Цалкин В.И. Новейшие домашние животные Средней Азии [\Сообщ.](#) II. ВМОИП. 4.
86. Цалкин В.И. Предварительные результаты изучения фаунистического материала из раскопок Джебела, произведенных А.П. Окладниковым\ТЮТАКЭ. 7. 1956. С. 220, 221.
87. Braidwood R., Howe B. 1960. Prehistoric unvestigations in iraki Kurdistan. SAOS. 3. P. 157;
88. Garrod D. The paleolithic of Southen Kurdistan. Bull. Of the Americ. School of Prehist. Research. 1935. T. VI. P. 930.
89. Garrod D.A. 1930. The paleolithic of Southern Kurdistan excavations in the caves of Zarzi and Hazar Merd. BASOR, New Haven. 6. P. 24-30;
90. Garrod D. A., Clarc J.G.D., 1965. Primitive man in Egypt, Western Asia and Europe. Cambridge. 1. P. 20-22.
91. Coon J. G. 1951. Cave explorations in Iran, 1949. Philadelphia. P. 68-76.
92. Goon C. S. 1951. Cave explorations in Iran, 1949. Philadelphia. De Terra H., T. T. Peterson. 1939. Studies on the Ice Age in India and associated human cultures. Washington.
93. Smith Ph. E.L. 1971. The paleolhitic of Iran\\mélanges de Prèhistoire d'Archecivilisation et d'Ethnologies offerts à André Varagnae. P. 157.
94. Kleine J. Le paleolithique et le mesolitique du Desert du Iudee. Arch. Inst. Paleont. Humanie. Mem. 24, Paris. 1968, P. 36.

95. Матякубов Х. Амударё қуйи хавзаларининг қадимги табиий – географик ҳолати ва антропоген ландшафтининг шакилланиши \ \ ИМКУ. 37. 2012. С.199.